

Самарқанд вилоятида 2023 йил яқунлари натижадорлиги ҳамда **2024 йилда** ҳар бир тармоқ ва ҳудудлар бўйича амалга ошириладиган аниқ режа ва вазифалар

I. Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари комплекси

1. Вилоятда 2023 йилда кутилаётган иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва 2024 йилги режалар *(аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)ларни мисолида ёзилиши керак):*

Жорий йил январ-декабр ойларида Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 74,2 трлн.сўм бўлиб (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,2 физга) ўсиши кўтилмоқда.

Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 33,9 трлн.сўм бўлиб (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 физга), Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 45,4 трлн.сўм бўлиб (103,1 физга), Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ҳажми 27,7 трлн.сўм бўлиб (111,2 физга), Қурилиш пудрат ишлари ҳажми 9,7 трлн.сўм бўлиб (106,2 физга) бажарилиши кўтилмоқда.

2024 йилда Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 87,8 трлн.сўм бўлиб (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,3 физга) ўсиши кўтилмоқда.

Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 39,2 трлн.сўм бўлиб (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 физга), Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 47,6 трлн.сўм бўлиб (103,2 физга), Хизматлар кўрсатиш соҳасини ҳажми 33,7 трлн.сўм бўлиб (112,4 физга), Қурилиш пудрат ишлари ҳажми 10,3 трлн.сўм бўлиб (106,3 физга) бажарилиши кўтилмоқда.

2. Ҳудудда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллабай ишлаш самарадорлиги, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш этиш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ва 2024 йилги вазифалар *(аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):*

Вилоят бўйича **2023 йил январь-ноябрь** ойларида ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда жами **386 344 нафар** аҳоли бандлиги таъминланди. Шундан, **211 584 нафар** аҳоли ўзини-ўзи банд қилиш орқали, **166 591 нафари** доимий ва мавсумий иш жойларига, **8 169 нафар** аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштириш, **7 336 нафари** ҳунармандчилик ҳисобига (уста-шоғидр билан бирга), **12 106 нафари** яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш ва **18 381 нафар**

(“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ва бошқа) аҳолига ер майдони ажратиш орқали бандлиги таъминланди.

Вилоят бўйича жами **76 918 нафар** фуқаролар тадбиркорлик билан шуғулланишни билдирган бўлса, **27 192 нафари** касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш истагини билдирган.

Бугунги кунга қадар жами **29 924 нафар** (115,2%), шундан **19 401 нафари** касб-ҳунарга ўқитилган.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан “Онлайн маҳалла” платформасида шакллантирилган жами қиймати **1 774,8 млрд. сўмлик**, шундан **1 230,9 млрд. сўм** ўз маблағи ва **521,3 млрд. сўм** банк кредити маблағлари ҳисобига **21 000 нафар** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган **5 200 та** лойиҳалар жойлаштирилган бўлиб, амалда **5 000 та** лойиҳада **1 156,4 млрд.сўм** маблағ ўзлаштирилиб, **20 677 нафар** ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз **5 601 нафар** аҳолига **24,9 млрд.сўм** маблағлар ҳисобидан субсидия асосида асбоб-ускуналари етказиб берилди.

2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар.

Вилоятда **30 000 нафар** аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш режалаштирилган бўлиб, уларни бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолига тадбиркорлик қилиш мақсадида 2024 йилда **1 185 млрд.сўм** кредит ажратиш.

Вилоят бўйича 2024 йилда маҳаллаларда “драйвер” йўналишларда ҳоким ёрдамчилари томонидан **4,6 мингта** лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда **22 минг** аҳолининг бандлиги таъминлаш.

3. Маҳалла ва туманларнинг янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш ҳамда драйвер соҳаларда, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш бўйича амалга оширилган ишлар; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

Ҳоким ёрдамчилари томонидан 2023 йилда ўтказилган хатловларда вилоятдаги **1126 та** маҳалланинг **286 таси** чорвачилик, **204 та** маҳалла деҳқончилик, **127 та** маҳалла боғдорчилик ва унинг турларига ҳамда бошқа йўналишларга ихтисослаштирилди.

Хусусан, Ургут тумани “**Ўрта Вағашти**”, “**Янги Вағашти**” ва “**Мустақиллик**” маҳаллалари узумчилик йўналишига, Тайлоқ тумани

“Муборак” маҳалласида 0,35 гектар ер майдонида микромарказ ташкил этилиши ҳисобига кичик ишлаб чиқариш йўналишларига ихтисослаштирилди.

2023 йилда ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда умумий қиймати **1 800 млрд.сўмлик** 5 000 та микролойиҳалар шакллантирилиб **21 мингта** қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, вилоятда **44 та микромарказлар** (*саноат, чорвачилик, ҳунармандчилик ва касаначилик йўналишида*) ташкил этилиши ҳисобига 507 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳисобига 1 декабр ҳолатига **18 381 нафар** фуқароларга E-AUKSION платформаси орқали ер майдонлари ажратиш орқали, уларнинг бандлиги таъминланди.

Шунингдек, Вилоятда “**Ҳар бир оила тадбиркор**” дастурлари доирасида **2023 йил давомида** тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига **955,0 млрд.сўмлик** кредит ажратилиши режалаштирилди.

Амалда январь-ноябр ойларида вилоят бўйича жами **48 264 нафар** фуқароларга **931,0 млрд.сўмлик** кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари томонидан берилган тавсияларга асосан йил давомида Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга жами **38.8 млрд.сўмлик субсидия маблағлари** молиялаштириш режалаштирилган бўлиб, шундан жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида **5601 нафар** фуқароларга **24,9 млрд.сўмлик** маблағлар ажратилди.

2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолига тадбиркорлик қилиш мақсадида 2024 йилда **1 000,0 млрд.сўм** кредит ажратиш.

4. 2023 йилги кутилаётган бюджет тушумлари ижроси ва 2024 йилги режалар;

2023 йил бюджет даромадлар прогнози **4 810,8 млрд.сўм** белгиланиб, йил якуни билан бюджетга **4 930,8 млрд.сўм** солиқ ва солиқсиз тушумлар тушиб, белгиланган прогнозга нисбатан **120,0 млрд.сўм** ёки **102,5 фоизга** бажарилиши кутилмоқда. (*Ҳудудлар кесимидаги жадвал илова қилинади.*)

2024 йилда бюджет даромадлари **5 904,3 млрд.сўмга** прогноз қилиниши белгиланмоқда

5. Тижорат банклари томонидан муаммоли кредитларни ундирилиши бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги

вазифалар; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

Жорий йилнинг бошига муаммоли кредит қарздорлиги **671,2 млрд.** сўми ёки кредит портфелига нисбатан 3,3 фоизни ташкил қилган.

Ушбу қарздорликни ундириш бўйича ишлаб, ўтган 11 ой давомида **429,0 млрд.** сўми (64%)ни ундирдик.

Бироқ, янгидан яна **612,5 млрд.** сўмлик муаммоли кредитлар қўшилиши ҳамда **50,6 млрд.** сўмлик ҳисоботда акс эттирилмаган кредитлар ҳисобига **1 декабр ҳолатига 871,6 млрд.** сўми (кредит портфели **24,9 трлн.** сўмнинг **3,3** фоизи) ташкил қилди.

“Йирик” муаммоли кредитлар бўйича вилоят прокуратураси масъул ходимлари билан бирга қарз олувчилар билан муҳокама қилиб ундириш чораларини ҳам кўрмоқдамиз.

Юқорида қайд этилган январ-ноябр ойларида **429,0 млрд.** сўмлик муаммоли кредитлар қуйидаги йўналишларда бартараф этилди.

-ҳудудни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларга ажратилган кредитлардан **52,8 млрд.** сўм,

-жисмоний шахсларга ажратилган кредитлардан **51,7 млрд.** сўм,

-оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлардан **128 млрд.** сўм,

-бошқа кредитлардан **196,5 млрд.** сўмлик муаммоли кредитлар бартараф этилишига эришилди.

1 декабр ҳолатига **871,6 млрд.** сўм муаммоли кредитлар қуйидаги йўналишларда қайд этилмоқда. Жумладан;

-Ҳудудни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларга ажратилган кредитлардан **174,1 млрд.** сўм (**20** фоиз);

-Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлардан **157,0 млрд.** сўм (**18** фоиз);

-Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлардан **98,4 млрд.** сўм (**11,3** фоиз):

-Кўп қаватли уй-жой қуриш учун ажратилган кредитлардан **131,8 млрд.** сўм (**15** фоиз);

-Бошқа кредитлардан **310,3 млрд.** сўм (**35,6** фоиз) муаммога айланган.

Вилоят Прокуратураси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси ва ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда жорий йил якунига қадар ҳамда 2024 йил давомида кредитлар қайтими ҳамда муаммоли кредитларни ундириш чоралари белгилаб олинди.

Жорий йил якунига қадар **1 857,8 млрд.** сўмлик ва 2024 йилда **9 000,2 млрд.** сўмлик кредитлар қайтими, шу жумладан мавжуд **871,6 млрд.** сўмлик муаммоли кредитларни ундириш бўйича ойма-ой режа-жадваллар ишлаб чиқилди.

Бажариладиган ишлар 2023 йил 24 октябрь куни Ҳалқ дупутатлари Самарқанд вилоят кенгаши муҳокамасига киритилиб, ВИ-91-99-7-0-К/23-сонли қарори билан тасдиқланди.

Кенгаш қарори асосида ишчи гуруҳига бириктирилган масъулларнинг вазифалари, масъулияти ва ҳисобдорлиги аниқ белгилиб қўйилди.

Жойларда қарздор мижозлар билан ишлаш, муаммоли кредитларни ундириш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир ҳудудга вилоят иқтисодий комплекс раҳбарлари шахсан бириктирилди.

Режа-жадвалларга мувофиқ **874,6 млрд. сўмлик** муаммоли кредитлар жорий йил якунига қадар **58,0 млрд. сўмга**, келгуси йилда **422,8 млрд. сўмга** қисқартирилади.

Бунда, **235,5 млрд. сўм** қарздор субъектларни соғломлаштириш ва ихтиёрий қайтарилиши ҳамда **639,1 млрд. сўм** мажбурий ундириш ҳисобига қопланади.

Мажбурий ундириш чоралари доирасида:

-235,3 млрд. сўмлик (4 281 та) кредитларнинг суд тартибида кўриб чиқилиши жадаллаштирилади;

-366,0 млрд. сўмлик (5 538 та) кредитларни ундириш бўйича суд қарорлари ижроси Мажбурий ижро органлари томонидан таъминланади;

-37,8 млрд. сўмлик (142 та) жиноят аломатлари мавжуд бўлган кредитлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан таъсир чоралари қўлланилади.

6. Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, ҳудудда бўш турган ва қурилиш тугулланмаган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

Самарқанд вилояти ҳудудида Хатлов натижасида аниқланган бўш турган объектлар ҳисобига, 82 та давлат мулки объектлари ва 42 та давлат улуши бор ташкилотлар, жами 124 та объектлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарорига киритилди.

Бугунги кунда мазкур объектларни тадбиркорлик субъектларига оммавий онлайн савдолар орқали сотиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, 527 та давлат мулки объектлари ва уларнинг бўш турган қисмлари тадбиркорлик субъектларига ижарга бериш мақсадида электрон савдоларга жойлаштирилган.

Жорий йилда 1 481 та бўш турган давлат мулки объектлари ва уларнинг қисмлари ижарага берилиб, 17,1 млрд. сўм ижара тўловлари ундирилди.

Жорий йилда олиб борилган хатлов натижасида аниқланган қўшимча 62 та бўш турган давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, ушбу объектларни

хусусийлаштириш дастурига киритиш бўйича дастлабки таклифлар шакллантирилган.

7. Меҳнат миграцияси йўналишида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар;

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **1085** нафар фуқаролар хорижий давлатларнинг йирик, салоҳиятли иш берувчиларига, жумладан **380** нафари Буюк Британия, **316** нафари Жанубий Корея, **282** нафари Россия Федерацияси, **39** нафари Германия, **18** нафари Туркия ва **50** нафар фуқаролар бошқа ривожланган мамлакатларга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилди.

Ташкиллаштирилган тарзда юборилаётган **18012** нафар меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиги суғурта қилинди, **278** нафарига, жумладан, **188** нафарига АТ “Микрокредитбанк” томонидан имтиёзли микрокредитлар ҳамда **90** нафарига хорижий иш берувчилар томонидан хорижий давлатга етиб олиш ва ишлаш учун рухсатномаларини расмийлаштиришлари учун фоизсиз қарзлар ажратилди.

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси доирасида Буюк Британияга қишлоқ хужалиги бўйича ўтказилган танловларда **722** нафар, худди шундай Литва давлатига юк автомобиллари ҳайдовчиси ва қурилиш йўналишида ўтказилган танловларда **246** нафар аниқ мутахассислиги бўлган ва бориш давлати тилини билган фуқароларимиз иш берувчилар томонидан танлаб олиниб, уларга ишга жойлаштириш хизмат кўрсатилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази, Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази, ўқув марказлари ва нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорликда хорижда ишлаш истагида бўлган **5279** нафар фуқаролар ўқув курсларига жалб қилиниб, касб-ҳунарга ўқитилди.

Йил бошидан, **116 мингдан ортиқ** нафар фуқароларимиз меҳнат миграциясидан ватанга қайтиб келиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари ходимлари, маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари томонидан улар бўйича мониторинг-хатлов ўтказиб, бандлик даражаси ўрганиб келинмоқда.

Хориждан қайтганларни бандлиги таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар натижасида, уларнинг **35,9 минг** нафарининг бандлиги таъминланиб, **3,1 минг** нафари бўш иш ўринларига, **1,6 минг** нафари касбга ва тадбиркорликка ўқитишга, **191** нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, **28,9** мингининг ўз-ўзини бандлигини таъминлашда, **1,7 минг** нафари тадбиркорлик соҳасида ўз ишини ташкил қилишда ва **370** нафарига субсидия ҳисобига бандлигини таъминлашда кўмаклашилди.

Шунингдек, хатловда **9,7 минг** нафари фуқаро мустақил равишда ишга жойлашганлиги, **2,3 минг** нафари ўз тадбиркорлигини бошлаганлиги,

35,0 минг нафари норасмий секторда бандлиги ҳисоби олинди.

2024 йилда амалга ошириладиган ишлар

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қўйидагилар асосий мақсад сифатида белгилаб олинган:

“Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Хавфсиз ва тинчликсевар давлат” йўналишида ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш ва хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш бўйича Ҳукуматимиз томонидан белгиланган мақсадлар ва топшириқлар-вазифаларни тўлақонли бажариш чораларини кўриш;

фуқароларни ривожланган давлатларда ишга жойлаштириш географиясини кенгайтириш, бунда Европа давлатларига малакали мутахассисларни юбориш кўламини ошириш;

хорижда ишлаш истаги бўлган фуқароларни қамраб олган ҳолда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уларни хорижий меҳнат бозорида талаб кўп кузатилаётган касбларга ва хорижий тилларга ўқитиш орқали уларнинг ташқи меҳнат бозорида рақобатбардошлиги ва салоҳиятини ошириш;

ишлаш учун шартнома асосида чет давлатларга чиқиб кетаётган фуқароларга имтиёзли микроқарзлар ажратилиши, ҳаёти ва соғлигини субсидиялар ҳисобига суғурта қилиш тадбирларини давом эттириш;

Республика ташқарисида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ва турли оғир вазиятларга тушиб қолган меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш (ахборот ва маслаҳатлар, ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий ёрдамлар кўрсатиб бориш);

хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш бўйича мақсадли тадбирларни амалга ошириш орқали аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш тарзини яхшилашга ҳисса қўшиш.

8. Муқобил энергия манбаларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16-февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли қарори билан жорий йилда Самарқанд вилоятида қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишнинг мақсадли параметрлари белгилаб берилган.

Жорий йил бошидан бугунги кунгача **812 та** ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида **12 950 кВт** (режа 10 800 кВт) қуёш панеллари ўрнатилиб, режага нисбатан **120 фоизни** ҳамда ушбу

объектларга **83,1 минг литр** (75,7 минг литр) қуёш сув иситиш ускуналари ёки режага нисбатан **110 фоизни** ташкил қилмоқда.

Табдиркорлик субъектлари бино ва иншоотларининг том қисмида **821 та 15 410 кВт** (18 500 кВт) қуёш панеллари ўрнатилиб, режага нисбатан **83,3 фоизни** ташкил қилмоқда.

Аҳоли хонадонларида **4 200 та** хонадонга **5 930 кВт** (17 550 кВт) қуёш панеллари ўрнатилиб, режага нисбатан **33,8 фоизни** ҳамда **29,6 минг литр** (20,7 минг литр) қуёш сув иситиш ускуналари ўрнатилиб, режага нисбатан **143 фоизни** ташкил қилмоқда.

2023 йилда фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уй-жойлар бўйича бугунги кунда **18 та** кўп қаватли бинода **240 кВт** (320 кВт) қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, режага нисбатан **75 фоизни** ташкил қилмоқда.

II. Инвестициялар ва маҳаллий саноатни ривожлантириш комплекси

9. 2023 йилда ишга туширилган янги инвестиция лойиҳалари, улар доирасида яратилган иш ўринлари, ўзлаштирилган янги маҳсулот турлари бўйича амалга ошириган ишлар ва 2024 йилги вазифалар

2023 йилда амалга оширилган ишлар

Вилоятда 2023 йилда умумий қиймати 2034,3 млн долларлик 1876 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 27 986 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан;

- саноат соҳасида умумий қиймати 1 242,0 млн долларлик 546 та лойиҳаларда 15 060 нафар янги иш ўринлари;
- хизмат кўрсатиш соҳасида умумий қиймати 573,5 млн долларлик 1064 та лойиҳаларда 10 402 нафар янги иш ўринлари;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий қиймати 218,8 млн долларлик 266 та лойиҳаларда 2 524 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун,

- Каттакўрғон туманидаги "Hengyuan Cement" МЧЖ ҚК томонидан қиймати 4,0 трлн. сўмлик "Цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси ишга тушуриб, 700 нафар янги иш ўринлари яратилган;
- Ургут туманидаги "Uzel Electronics" МЧЖ томонидан қиймати 53,0 млрд сўмлик "Замонавий ماشий техника ишлаб чиқариш лойиҳаси" ишга тушурилиб, 110 нафар янги иш ўринлари яратилди.

2024 йилда амалга ошириладиган ишлар

Вилоятда 2024 йил давомида умумий қиймати 2,8 млрд долларлик 1875 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши натижасида 28 400 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Жумладан;

- Саноат соҳасида умумий қиймати 2,1 млрд долларлик 555 та лойиҳаларда 15 650 нафар янги иш ўринлари;
- Хизмат кўрсатиш соҳасида умумий қиймати 462,5 млн долларлик 1066 та лойиҳаларда 10 051 нафар янги иш ўринлари;
- Қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий қиймати 237,5 млн долларлик 269 та лойиҳаларда 2 699 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Мисол учун,

- Пастдарғом туманида "Kamalak Fayz Invest Tekstil" МЧЖ томонидан

“Ип-калава ишлаб чиқариш” лойиҳаси ишга туширилиб **300 нафар** янги иш ўринлари яратилади;

- Нарпай туманида **"Platinum Metal Industry" МЧЖ ҚК** томонидан “Арматура ишлаб чиқариш” лойиҳаси ишга туширилиб **60 нафар** янги иш ўринлари яратилади;

- Иштихон туманида **"Samarqand stone trade corporation" МЧЖ ҚК** томонидан “Микрокальцит ишлаб чиқариш” лойиҳаси ишга туширилиб **40 нафар** янги иш ўринлари яратилади.

10. Вилоятда 2023 йилда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, кўпайтириш бўйича амалга ошириган ишлар ва 2024 йилги вазифалар

2023 йилда амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-459-сонли қарори ҳамда Ҳукумат комиссиясининг йиғилиш баёнларига асосан вилоятда **2023 йилда 555,3 млн доллар** миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган.

Жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари якуни билан **537,2 млн доллар** миқдордаги хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиб, режа **100,2 фоизга** бажарилди.

Декабр ойида яна **23,7 млн доллар** ўзлаштирилиб йил якуни билан жами **560,9 млн доллар** ўзлаштирилиши ва белгиланган прогноз ижроси **100,7 фоизга** бажарилиши кутилмоқда. Бу эса **2022 йилга** нисбатан **107,9 %** га ўсишни ташкил этади.

2024 йилда амалга ошириладиган ишлар

вилоятда **2024 йилда 46 та** лойиҳалар доирасида **775,0 млн доллар** миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши ва **2023 йилга** нисбатан **138 фоизга** ўсиши режалаштирилмоқда.

11. 2023 йилда экспорт прогнозини ижросини таъминлаш, маҳсулотларни брендлаштириш, сифатини ошириш ва халқаро сертификатлар олиш орқали экспорт ҳажмлари ва географиясини кенгайтириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича вазифалар

2023 йилда амалга оширилган ишлар

2023 йил якуни билан **600,0 млн доллар** (*ўтган йилга нисбатан 106%*) маҳсулотлар экспортини амалга ошириш кутилмоқда.

Шундан, саноат маҳсулотлари **424,9 млн доллар**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **175,1 млн долларни** ташкил этади.

Жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари учун **497,1 млн доллар** экспорт прогнози белгиланган, шундан **377,2 млн доллар** саноат маҳсулотлари ҳамда **119,9 млн доллар** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташкил этади.

Амалда, **2023 йил 1 декабрь** ҳолатига **532,1 млн доллар** миқдордаги маҳсулотлар экспортга чиқарилиб, 11 ойлик белгиланган прогноз **107 фоизга** (*ўтган йил мос даврига нисбатан 104% ёки 20,1 млн.долларга кўп*) бажарилган.

Шундан, **саноат маҳсулотлари экспорти 377,1 млн доллар** (100%) ва **қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 154,9 млн доллар** (129,3%)ни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобойнида **556 та** корхона томонидан жами **656 турдаги (ТИФ ТН код бўйича)** экспорти амалга оширилган.

- экспорт фаолиятига янгидан **150 та** корхона (*Мисол учун Каттақўрғон шаҳрида "The System of Copper Pipes" МЧЖ корхонаси 14,8 млн долларлик мис ва мис маҳсулотлари экспорт қилинди*) жалб қилиниб, улар томонидан **35,0 млн.долларлик** маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, АҚШ, Хитой, Саудия Арабистони ва бошқа давлатларга экспорт қилинди.

Экспорт географияси қўшимча **5 та янги давлатга** кенгайтирилди, ва **60 та** давлатга етказилди, жумладан, **Ветнам** давлатига "Elbek T.R.J" МЧЖ, "Kumush Tola" ХК корхоналари томонидан **1,4 млн долларлик** ипак маҳсулотлари етказиб берилди;

Мексика давлатига "Lord Fruits" МЧЖ томонидан **150,0 минг долларлик** ёнғоқлар етказиб берилди;

Канадага "Azia Metall Prof" МЧЖ ҚК ва "Jazmin Plyus" МЧЖ корхоналари томонидан **93,4 минг долларлик** профиллар етказиб берилди;

Марокаш давлатига "Evro Casings" МЧЖ ҚК томонидан **85,0** минг долларлик ёнғоқ ва майиз маҳсулотлари етказиб берилди;

Англия давлатига "Samarkand-Golden-Chickpeas" ОК томонидан **53,4** минг долларлик қуритилган мевалар етказиб берилган.

2024 йилда бажариладиган ишлар

2024 йилда вилоят экспорт ҳажмини **734,0** млн долларга (*ўсиш 105 фоиз*) етказиш, шундан **ҳудудий корхоналар экспорти 624,0** млн доллар (*ўсиш 104 фоиз*), **тармоқ корхоналари экспорти** ҳажми **110,0** млн доллар (*ўсиш 110 фоиз*)ни ташкил этади.

Жумладан, тўқимачилик маҳсулотлари – **190,0** млн доллар, мева-сабзавот маҳсулотлари – **180,0** млн доллар, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари - **110,0** млн доллар, қурилиш материаллари – **100,0** млн доллар, озиқ-овқат маҳсулотлари – **50,3** млн доллар, электротехника саноати маҳсулотлари – **32,0** млн доллар ва **71,7** млн долларлик бошқа турдаги саноат маҳсулотлари экспортга чиқарилиши режалаштирилган.

2024 йилда 240,0 млн доллар миқдорида экспорт амалга оширишни режалаштириб олганмиз. **2023 йилга** нисбатан **114,3%** ўсиш кўрсаткичлари таъминланади.

2024 йилда Самарқанд вилоятининг экспорт географияси **5** та давлатга кўпайиб, умумий сони **65** тага етади. (*Колумбия, АҚШ, Жанубий Корея, Панама*)

12. Ҳудуддаги хом ашё базаси ва бошқа мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2023 йилда саноат соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йил вазифалари

2023 йилда амалга оширилган ишлар

Вилоятда **6 151** та саноат корхоналари мавжуд, шундан йирик саноат корхоналари **68** тани ҳамда ўрта ва кичик саноат корхоналари **6 083** тани ташкил этади.

2022 йилда 29,4 трлн сўмлик саноат маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, **2021 йилга** нисбатан ўсиш суръати **109,0%**ни ташкил этади.

2023 йил якуни билан **34,0** трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати **106,0%**ни ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлари **Каттақўрғон шаҳрида (112,5%)**, **Иштихон** ва **Булуғур** туманларида

(110,4%) ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари ҳажмида *озик-овқат маҳсулотлари* 10,8 трлн сўм, *тўқимачилик ва трикотаж* 5,1 трлн, *металлургия саноати* 3,1 трлн сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **2022 йилда 7,2 млн сўмни** ташкил қилган, **2023 йилда 8,1 млн сўмни** ташкил этади.

Ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ **2023 йилда** саноат соҳасида умумий қиймати **14,1 трлн сўмлик 546 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб **15 060 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан,

– қурилиши материаллари саноатида умумий қиймати **8,1 трлн сўмлик 163 та** лойиҳада **3 429 нафар**;

– озиқ-овқат саноатида умумий қиймати **1,3 трлн сўмлик 96 та** лойиҳада **2 382 нафар**;

– тўқимачилик ва енгил саноати соҳасида умумий қиймати **1,3 трлн сўмлик 59 та** лойиҳада **3 758 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун,

Қурилиш материаллари саноати йўналишида **Каттақўрғон туманида** умумий лойиҳа қиймати **4 трлн 46,0 млрд сўмлик "Hengyuan Cement" МЧЖ ҚК** томонидан цемент ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш, **Самарқанд шаҳрида** умумий қиймати **1 трлн 297,5 млрд сўмлик "Azia metall prof" МЧЖ ҚК** томонидан арматура ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Текстиль ва тўқимачилик саноати йўналишида **Оқдарё туманида** умумий қиймати **100,0 млрд сўмлик "Afrasiab Jeans Textile" МЧЖ** томонидан пахтачилик кластири ва пахта тозалаш заводини ташкил этиш лойиҳалари ишга туширилган.

2024 йилда бажариладиган ишлар

2024 йил якуни билан вилоятда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **39,2 трлн сўмга** оширилиб, **2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 105,7 фоизни** ташкил этади.

Ҳудудий инвестиция дастурига доирасида **2024 йилда** саноат соҳасида умумий қиймати **1,2 млрд.долларлик 555 та** янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, **15 650 та** янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали **2024 йил якуни** билан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **105,7 фоизга ўсиши** таъминланади.

13. “Ургут” МИЗ ва туман (шаҳар)лардаги КСЗларида 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йил вазифалари

“Ургут” МИЗда

2023 йилда амалга оширилган ишлар

Вилоятдаги “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги **85 та** лойиҳалар доирасида **2023 йилда 3,8 трлн сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб **90,0 млн долларлик** маҳсулот экспорт қилинди.

Мисол учун,

МЧЖ шаклидаги **“Azia Metal Prof” қўшма корхонаси** томонидан **2 378,8 млрд сўмлик** Металл маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, **51,0 млн долларлик** саноат маҳсулотлари экспорти амалга оширилди;

“Mirankul Construction Materials LTD” МЧЖ томонидан **130,8 трлн сўмлик** Щитъ корпуслари, метал шкафлар, кора металдан салатиган бошка турдаги хар хил маҳсулотлар, кабел йулақлар, винтиляцион тизимлар, фасад. Фундамент ва навес тизимлари элементлари ва х.к;

“Kamalak Tekstil” МЧЖ томонидан **132,6 млрд сўмлик** Гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим;

“Yec Gilam” МЧЖ томонидан **84,6 млрд сўмлик** енгил саноат учун гилам ва тавтинг маҳсулотлари;

“Sam Elektro Servis” МЧЖ томонидан **74,2 млрд сўмлик** Газ плиталари ва электр духовкалар ва бошқа турли хил Замонавий ва экспортбоп маиший техника воситалари;

“Urgaz Carpet” МЧЖ томонидан **56,0 млрд сўмлик** енгил саноат учун гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

2023 йилда умумий қиймати **1600,0 млрд сўм** бўлган **12 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ва улар доирасида **80,4 млн долларлик** хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳалар асосида **1000 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун,

“Schelkovo Agrohimi-O'zbekiston” МЧЖ ҚК да умумий қиймати **372,5 млрд сўмлик** *“Ўсимликларни ҳимоялаш кимёвий воситалари”* ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, лойиҳа доирасида **29,6 млн долларлик** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, **100 та** янги иш ўринлари яратилди.

“Uzel Electronics” МЧЖ да умумий қиймати **90,6 млрд сўмлик** йиллик қуввати, маиший сув иситгичлари - 37 440 минг дона, 4 комфоркали газ плита - 46 800 минг дона, 4 комфоркали газ плита настольная - 31 200 минг дона ва Дудбўрон - 46 800 минг дона маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, лойиҳа доирасида

3,6 млн долларлик хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди ва **101 та** янги иш ўринлари яратилади.

2024 йилда амалга ошириладиган ишлар

2024 йилда “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги субъектлар томонидан умумий қиймати **250,0 млрд сўмлик 10 та** инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, **1100 та** янги иш ўринлари яратилади.

Мисол учун,

“**Saloxiddin Savdo Servis**” МЧЖнинг Ун маҳсулотлари ва полипропилен қоп ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси доирасида **23,6 млрд сўм** ўзлаштирилиб, **32 та** янги иш ўринлари яратилади.

“**Modern Uzbek Textile**” МЧЖ томонидан умумий қиймати **13,8 млрд сўмлик** Тикув ва тўкув (Поло футболкалар, эркаклар ва аёллар свитер, эркаклар ва аёллар кардиган, эркаклар кўйлаклари) ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади ва **200 та** янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида **2024 йилда 94 та** корхонада **3,9 трлн сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, **100,0 млн долларлик** маҳсулотлар экспорти амалга оширилади.

Мисол учун,

“**Urg-Chin-Holod**” МЧЖ томонидан **45,8 млрд сўмлик** Музлатгич ва совутгич ишлаб чиқарилади ва **350 минг долларлик** маҳсулотлар экспорт қилинади.

КСЗда 2023 йилда амалга оширилган ишлар

Вилоятдаги мавжуд **90 та** кичик саноат зоналаридаги **132 та** корхоналар томонидан **2023 йилда 442,1 млрд сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Мисол учун, Пайариқ тумани “Челак” МТП ҳудудидаги КСЗдаги “**Садаф Бизнес Сервис**” МЧЖ томонидан жорий йилда **28,2 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2023 йилда умумий қиймати **25,4 млрд сўмлик 21 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ва улар доирасида **231 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан,

- Пайариқ тумани “Халқабод” кичик саноат зонаси ҳудудидаги “**Oltin Tuproq Invest Servis**” МЧЖ томонидан умумий қиймати **9,5 млрд сўмлик** “Кунгабоқар ёғини” ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида **24 та** янги иш ўринлари яратилди.

- Булунғур тумани "Килдон" кичик саноат зонаси ҳудудидаги **"Kolibri" МЧЖ** томонидан умумий қиймати **6,2 млрд сўмлик** ҳар хил турдаги ичимлик сувларини ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида **20 та** янги иш ўрни яратилди.

- Тойлоқ тумани "Боғизоғон" кичик саноат зонасидаги **"Тайлоқ Ираги" МЧЖ** томонидан умумий қиймати **5,0 млрд сўмлик** Пилла маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳа доирасида **18 та** янги иш ўринлари яратилди.

- Ургут тумани "Сариқтепа" кичик саноат зонасидаги **"Hayot Bunyod Tekstil" МЧЖ** томонидан умумий қиймати **4,5 млрд сўмлик** Дока ва бўз ишлаб чиқариш лойиҳа доирасида **30 та** янги иш ўринлари яратилди.

- Тойлоқ тумани "Боғизоғон" кичик саноат зонасидаги **"Grand Perilla Nerjavika" ХК** томонидан умумий қиймати **3,0 млрд сўмлик** Том учун мўлжалланган ПЭТ қопламалар (Лексан) ишлаб чиқариш лойиҳа доирасида **15 та** янги иш ўринлари яратилди.

2024 йилда амалга ошириладиган ишлар

2024 йилда кичик саноат зоналарида умумий қиймати **102,8 млрд сўмлик 35 та** инвестиция лойиҳаси ишга туширилади ва **571 та** янги иш ўринлари яратилади.

Мисол учун,

- Пастдарғом тумани "Қорағуппа" кичик саноат зонасида **"Raxmonkulov Soxibjon Salimovich"** томонидан умумий қиймати **15,0 млрд сўмлик** Хар хил турдаги мебеллар ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида **100 та** янги иш ўринлари яратилади.

- Тойлоқ тумани "Боғизоғон" кичик саноат зонасидаги **"Agro Plus Impex" ХК** томонидан умумий қиймати **8,6 млрд сўмлик** Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, **40 та** янги иш ўринлари яратилади.

- Самарқанд тумани "Янгиобод" кичик саноат зонасидаги **"Sam Techno Invest 1" МЧЖ** томонидан умумий қиймати **7,7 млрд сўмлик** Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш (ойна тозалагичлар, автомобиль иситиш тизимлари ва магнитофонлар) лойиҳаси ишга туширилиб, **40 та** янги иш ўринлари яратилади.

- Пастдарғом тумани "Гулобод" кичик саноат зонасидаги **"Alfa Alyans" МЧЖ** томонидан умумий қиймати **5,0 млрд сўмлик** Ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, **40 та** янги иш ўринлари яратилади.

Натижада **2024 йилда** жами **820,3 млрд сўмлик** саноат

маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

14. Маҳаллий саноатни ривожлантириш, импортни камайтириш соҳасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилги вазифалар

2023 йилда амалга оширилган ишлар

2023 йилда 65 та корхонада **442 турдаги 2 трлн 68,0 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, импортни ўрнини босиш самарадорлиги **168,1 млн долларни** ташкил этиши ҳамда **66,7 млн долларлик** маҳсулотлар экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

Шундан, **457,2 млрд сўмлик 48 таси** ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича, **1,6 трлн млрд сўмлик 49 таси** янги лойиҳалар ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш дастурининг жорий йил 11 ойида 65 та корхонада **400 турдаги 1 трлн 640 млрд сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, маҳсулотлар **импорт ўрнини босиш** самарадорлиги **133,3 млн долларни** ташкил этди.

*Хусусан, корхоналар томонидан **портландцемент, юк автомобиллари учун эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар, маиший техникалар ва буюмлар, полипропилен қувурлар, фитинг, аксессуарлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.***

2023 йил якуни билан 97 та лойиҳада **2,1 трлн сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, импорт ўрнини босиш самарадорлиги **169,0 млн долларга** етказилади.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида “**Samarkand-England Eco-Medical**” МЧЖ қўшма корхонаси томонидан **7 турдаги, йилига 22,0 млн дона инфузион эритмаларни** ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиб, Республикада йилига ўртача **9,3 млн долларлик** импорт олди олинади.

Нарпай туманида “**Nba Allianz**” МЧЖ қиймати **10,2 млн доллар, йилига 12,5 минг тонна гипсокартон учун қоғоз** ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш натижасида **110 нафар** янги иш ўринлари яратилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона ишга туширилиши натижасида, **Республика бўйича йилига 10,2 млн долларлик** айнан шу турдаги маҳсулот **импорти олди олиниб,** маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳисобидан қопланмоқда.

Маҳаллийлаштириш 2024 йилда 62 та корхонада **103 та лойиҳаларда 2,1 трлн сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, **импортни**

ўрнини босиш самарадорлиги **170,0 млн** долларни ташкил этиши ҳамда **870 нафар** янги иш ўринлари яратишни белгилаб олганмиз.

Шундан, **41** таси кенгайтириш бўйича, **62** таси янги лойиҳалар ҳисобланади.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида “Azia metall prof” МЧЖ ҚК томонидан лойиҳа қиймати 486,5 млрд. сўмлик йиллик қуввати 60 000 минг тонна металлни эритиш асосида тайёрланган арматура ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси;

Ургут туманида “Electronics-Ideal” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 40,3 млрд. сўм бўлган йиллик қуввати 21 минг дона кир ювиш машиналари ва маиший чанг ютгичлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Шу билан бирга, келгуси йилда ёқилги қуйиш шахобчалари учун махсус газ ва бензин сакловчи резурвуарлар, махсус газни қуритиш сиғими, тайёр ёқилғи қуйиш мосламаси, полиэфирли ва акрил полимер ранглар (Ral Classic), 10-35кВ вакуумли ажратгичлар, қурилишда фодаланиладиган турли-ҳил фанералар, иссиқхона ва товукхоналар учун вентиляторлар ва газли иситиш печлари, шосселар ва темир йўлларда, сув йўлларида, портларда, аэродромларнинг учиш-қўниш майдонларида, автомобил тўхташ жойларида ҳаракатни бошқариш ва хавфсизлигини таъминлаш учун электр сигнал ускуналари каби бир қанча янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ўзлаштирилмоқда.

III. Капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари комплекси

15. Аҳолини янги уй-жойлар билан таъминлаш, “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этиш ва массивларни зарур инфратузилмалар билан таъминлаш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилги вазифалар бўйича; *(аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51-сонли Фармони ҳамда ушбу Фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 9 июндаги **ВМ-108-сонли** қарори ижросини таъминлаш юзасидан “Янги Ўзбекистон” массивларида жорий йил якунига қадар **69 та** кўп қаватли **2 502 ҳонадонли** уй-жойлар, шунингдек уй-жойга талаб юқори бўлган **150 та** кўп қаватли **8 959 ҳонадонли** уй-жойлар **2023 йил** якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Ушбу уй-жой массивларда яшаётган аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида **35,6 км** ичимлик ва оқава сув тармоқлари, **14 дона** трансформатор ва **18,7 км** юқори ва паст кучланишли электр тармоқлари, табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида **2 дона** газ тақсимлаш пункти **4,7 км** ўрта ва паст босимли газ қувурлари тортилди.

2024 йилда вилоятда **228 та 11 352 та** ҳонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиш режалаштирилган.

16. Аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан қамраб олиш, кўп квартирали уй-жой фонди инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилги вазифалар бўйича; *(аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):*

Самарқанд вилоятида жами **2 214 та** (78 143 та хонадон) кўп квартирали уй-жой мавжуд бўлиб уларга **33 та** бошқарув сервис ташкилотлари ҳамда **7 та** уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жумладан шаҳар ва туманлардаги **130 та** уйларнинг **34,1 минг м²** том қисмлари, **150 та** кириш йўлаклари (подеъзд), **83 та** уй-жойларнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникациялари, **60 та** уйларнинг Уй ичидаги муҳандислик тизими, **39 та** уйларнинг фасад қисмлари, **96 та** электр тақсимловчи шитларни мукамал ва жорий таъмирлаш, **40 та** лифт мосламаларини янгилаш, **29 та** кодли темир эшиклар, **44 та** тунги ёритиш мосламаларини ўрнатиш, **8 минг м²** йўлакларни бетон қоплама билан қоплаш ҳамда **14 та** болалар ўйингохлари, **6 та** умумфойдаланишдаги санитар узелларни қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Самарқанд шахрида жами **2,3 млрд.сўм** маблағлар ҳисобидан **210 та** кўп квартирали уй-жойлар таъмирланиб, шундан, **114 та** уй-жойнинг том (24,9 *минг.кв.м.*), **101 та** кириш йўлаклари, **59 та** уйнинг муҳандислик коммуникация тизими, **49 та** уйнинг ичидаги муҳандислик тизими, **21 та** фасад ва **65 та** электр тақсимловчи шитлар таъмирланди, **22 та** темир эшиклар, **35 та** тунги ёритиш мосламалари ўрнатилди. **40 та** лифт мосламалари тўлиқ янгиланди, **15 та** болалар майдончалари қурилиб, **6 500 кв.м.** йўлақлар бетон қопламаси билан қопланди.

2024 йилги вазифалар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5152-сон қарорининг 2-иловасига асосан, 21,5 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан, 183 та кўп квартирали уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш, жумладан, 93 та уйнинг том (50 *минг кв.м.*), 106 та кириш йўлаклари, 124 та кодли темир эшиклар, 298 та электр тақсимловчи шитлар ва 94 та фасад қисмини таъмирлаш;

3-иловага асосан, **2,1 млрд.сўм** ҳисобидан **14 та** болалар майдончалари, **2 078 п/м** ирригация тармоқлари, **8 минг кв.м.** йўлақларни бетонлаш, **44 та** ташқи ёритиш мосламаларини ўрнатиш ва **6 та** умумфойдаланишдаги санитар узелларни қуриш режалаштирилган.

Иссиқлик таъминоти бўйича;

Самарқанд вилояти бўйича жами **2214 та** (78 143 *хонадон*) кўп квартирали уй-жой фондининг **93 таси** марказлашган ва **21 таси** маҳаллий (локал) қозонхоналар ҳамда **520 таси** индивудал иситиш орқали иссиқлик таъминоти билан таъминланган бўлиб, шундан шаҳар ва туманларда **1 та** марказий, **12 та** маҳаллий (локал) қозонхоналар жами **13 та** қозонхоналар фаолият кўрсатиб, ҳозирги кунда **114 та** (**3084 хонадон**) кўп квартирали уйлар ва **33 та** ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик энергияси етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 декабрдаги “Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4542 қарорини бажариши бўйича Самарқанд вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК тасарруфида бўлган РК-1 марказий қозонхонасида янги (21МВт)ли **3 та** автоматик системали қозонларини ўрнатиш, **95 та** ИТП, **80 та** УТ ҳамда **15 км 400 метр** иссиқлик тармоқ қувурларини янгилаш ишлари олиб борилиб, ушбу қозонхонанинг қурилиш лойихаси тўлиқ амалга оширилиши натижасида, **93 та** кўп квартирали уйлардаги **4994 та** хонадонлар марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 306-сонли қарори билан Самарқанд шахридаги РК-2 марказий қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиниши бўйича Жаҳон

банки маблағлари эвазига **381 та** кўп қаватли уй-жойлар Саттепо, Сағдиана, Микрарайон массивларига иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув етказиб бериши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, Самарқанд вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК объектлари ва ускуналарини 2023-2024-йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича республика бюджети параметрларида маблағ ажратилиши бўйича Самарқанд вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК объектлари ва ускуналарини 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича берилган таклифга асосан **3,464 млрд.сўм** маблағ ажратилиб, тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тасдиқланган манзиллий дастурда мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича Самарқанд шаҳридаги “12-мактаб” қозонхонасига **2 дона янги қозон** ўрнатилди.

Ушбу манзилли дастур асосида Нуробод туманига **10 мВт**ли замонавий энерготежамкор қозонни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан биргаликда, “Ўзбекистанская”, “Булвар”, Регистон” “Геофизика”, “Лохутий”, “Дивизионная”, “Бўстонсарой-34”, “Г.Каримова”, “РК-3” ва “Кавалерийская” қозонхоналарига янги электрон (SEVM 32) сув ҳамда янги электрон (МОДЕМ) газ хисоблагичлар ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Вилоят “Иссиқлик манбаи” ДУКнинг 390 млн.сўм ўз маблағлари ҳисобидан Самарқанд шаҳридаги “Ўзбекистанская”, “Булвар”, Регистон” “Геофизика”, “Лохутий”, “Дивизионная”, “Бўстонсарой-34”, “Г.Каримова”, “РК-3”, “Кавалерийская” ва Нуробод тумани қозонхоналари биносини ва ускуналарини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан;

-Нуробод туманидаги қозонхонада **2 та қозон** шундан, ДКВР 20/13 ва ДКВР 6.5/13 қозонлари жорий таъмирланди.

-**250 м2** иссиқлик тармоқлари иссиқлик қопламаси билан қопланди.

-**639 м** иссиқлик ва ичимлик сув қувурлари жорий таъмирланди.

-Мавжуд иссиқлик ва ичимлик сув қувурларидаги беркитиш арматураларининг **24 таси** жорий таъмирланди.

-**51 м** иссиқлик сув қувурлари иссиқлик қопламаси билан қопланди.

-Оқова сувларини қабул қилиш насос станциясидаги **4 дона** насос агрегатлари жорий таъмирланди.

- Бундан ташқари, **130 тонна** мазут захира қилинди.

17. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилги вазифалар бўйича; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

Вилоятда **4,118 млн. аҳолининг 75,4 фоизи (3,11 млн.)** марказлашган **ичимлик суви** билан таъминланган, қолган

1,13 млн аҳоли (24,6%) альтернатив ичимлик сув манбааларидан фойдаланиб келмоқда.

Вилоятдаги мавжуд **1837 та** ичимлик сув иншоотларидан **650 таси (36,0%), 2120 та** сув қудуқларидан **710 (33 %)** ва узунлиги **6,2 минг км** ичимлик сув тармоқларининг **0,834 минг км (13,0%) таъмирталаб ҳолатга** келиб қолган.

Бундан ташқари, вилоятда жами **848,0 минг аҳоли** ёки **20,6 фоизи оқава суви** билан таъминланган.

Вилояти бўйича оқава сув тозалаш иншоотнинг умумий қуввати **170 минг м³/суткани** ташкил этади, **10 та** оқава ҳайдаш насос станциялари ва **727,7 км** оқова тармоқлари мавжуд.

2023 йил дастурлар ижроси.

2023 йилда барча дастурлар доирасидан **167 та** сув объекти ва **347,3 млрд. сўм** ажратилиб, **806,2 км** ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилиш мантаж ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятда тизим бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳалар тўғрисида.

Абу-Даби тараққиёт жамғармаси иштирокидаги “Самарқанд шаҳрида сув таъминоти тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Абу Даби тараққиёт жамғармасининг **31,5 млн АҚШ долл.** кредит маблағлари ҳисобига 2024-2026 йилларда **2 та сув иншоот** (Дагбит ва Чўпон ота) ва **6 та насос станцияси** реконструкция қилиш ҳамда **11,2 км** ичимлик сув тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Бугунгача **А.Темур** кўчасида Д-500 бўлган **2 255 метр** узунликда тармоқ монтаж қилиниб, ишлар якунланди, монтаж қилинган тармоқлар гидравлик испитаниядан ўтказилди.

Кўчанинг Гагарин кўчаси кесишмасидан бошлаб Гормолзаводга томон кўшимча тарзда Д-500 бўлган **550 метр** қувурлар монтаж қилинди, ишлар давом этмоқда.

Гагарин кўчасида диаметри Д-100 бўлган **380 метр**, Д-150 бўлган **470 метр**, Д-200 бўлган **850 метр (темир қувур)** тармоқ, Д-800 бўлган **570 метр** тармоқ монтаж қилинди, Д-1000 лик **2 470 метр** тармоқ монтаж қилинди, Д-1400 лик кожоҳ **450 метр** ўрнатилди.

Чўпон Ота сув иншоотида 6 дона сув қудуқларининг павилони (домик) бузиш ишлари якунланди. Насос станцияларини лойиҳалаштириш ишлари якунланмоқда, насосларнинг ҳажмига аниқлик киритилди ва ишлаб чиқарувчига буюртма берилмоқда.

Эрон Ислом Республикасидан ичимлик сув қувурларини (Д-200 дан Д-1400 бўлган) олиш учун буюртма берилган, ҳозиргача **2 898 метр қувурлар** Чўпон ота сув иншоотида олиб олиб келинди.

Сув иншоотларида бурғулаш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳани амалга оширилиши натижасида Самарқанд шаҳрининг **565,3 минг. нафар (100 фоиз)** аҳолисининг марказлашган ичимлик сув таъминоти ҳолати яхшиланди.

Жаҳон банки иштирокидаги “Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри ичимлик сув ва оқова сув тозалаш иншоотлари ва оқова тизимлари реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида Жаҳон банкининг **66,0 млн АҚШ долл.** кредит маблағлари хисобига 2022-2026 йилларда **20 000 м³/сутка** қувватли оқова сув тозалаш иншооти қуриш ва **3 та** сув иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда **64 км** сув тақсимлаш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, **48,9 км** оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, **1 та** оқова сув насос станциясини қуриш режалаштирилган.

Бугунгача Жаҳон банки лойиҳаларини бошқариш гуруҳи филиали ташкил этилди. Махсус техника сотиб олиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш учун 2023 йил 2 майда UNDB махсус платформаси, uzsuv.uz ва tenderweek.com сайтларида тендерэълон жойлаштирилди ҳамда 2 июндаги Харид комиссияси йиғилишида иштирокчилардан тушган **4 та** таклиф очилди.

Айни пайтда батафсил лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилишни техник назорат қилиш ва лойиҳани бошқариш бўйича консультантларни аниқлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Мазкур ишлар амалга оширилиши натижасида **2023 йил якуни билан 160 минг** аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиши, **85,9 минг** аҳолини марказлашган ичимлик суви таъминоти яхшиланаши ҳамда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиш даражаси **70,5 фоиздан 75,4 фоизга**, канализация хизмати билан таъминланиш даражаси **18,3 фоиздан 20,6 фоизга** яхшиланди.

2024 йилга 20 дона объект йилдан йилга ўтувчи объект киритилган бўлиб, мазкур объектларга **161,5 млрд.сўм** ажратилган ва **247,5 км** тармоқ ва **16 дона** иншоотларни қуриш режалаштирилган.

18. Йўл инфратузилмасини, жумладан ички йўллар ҳолатини яхшилаш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилги вазифалар бўйича; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

Самарқанд вилоятида йўл инфратузилмасини, **2023 йилда** 551,2

млрд сўм миқдорида маблағлар ўзлаштирилади ҳамда 1888,4 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида реконструкция қилиш ва 16 дона (ички йўлларда –11 дона) кўприklar таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Содир бўлган табиий офат оқибатларини бартараф этиш доирасида 4 дона кўприк ва 36,2 км узунликдаги автомобиль йўлларида 41,0 млрд.сўмлик таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, амалда 41,0 млрд.сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди.

Шу билан биргаликда вилоятдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 72,3 млрд.сўмлик жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, амалда 72,3 млрд.сўмга бажарилиб автомобиль йўлларида транспорт ва пиёдалар харакати хавфсиз таъминлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан ички йўллар ҳолатини яхшилаш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДМ буюртмачилигида жорий йилда вилоятдаги ички хўжалик йўлларида жами 640 та объектда 935,7 км узунлигидаги 437,9 млрд.сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгилаб олинган бўлиб, ушбу объектларда 437,9 млрд.сўмлик 935,7 км узунлигидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган ҳамда 640 та объектларнинг барчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб фойдаланишга топширилган.

2024 йилда ички хўжалик йўлларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-330-сонли қарорига асосан вилоятдаги ички хўжалик йўлларида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар бўйича жами 381,1 млрд.сўмлик 1 583,5 км узунлигидаги ички хўжалик йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда 41,9 млрд.сўмлик 17 дона кўприкда қурилиш-таъмирлаш белгиланган.

19. Электр энергияси инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар;

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Самарқанд худудий филиали томонидан **2023 йилда** вилоятмиз худудидаги барча электр таъминоти истеъмолчиларининг электр таъминоти яхшилаш мақсадида таъмирталаб **2941,2 км** электр узатиш тармоқлари ҳамда **1174 дона** трансформатор пунктлари, **13 дона 35-110 кВ** кучланишли куч трансформаторлари ва **13 дона 35-110 кВ** кучланишли ўчиргичлар мукамал таъмирланиши режалаштирилиб режага асосан **2941,2 км (100%)** электр узатиш тармоқлари, **1174 дона (100%)** трансформатор пунктлари, **13 дона (100%) 35-110 кВ** кучланишли куч трансформаторлари ва **13 та (100%) 35-110 кВ** ўчиргичлар **мукамал таъмирланди**. Шу билан бирга **7012,8 км** электр узатиш тармоқлари, **2102 дона** трансформатор пунктлари жорий таъмирланиши режалаштирилиб режага асосан **7012,8 км (100%)** электр узатиш тармоқлари, **2102 дона (100%)** трансформатор пунктларида **жорий**

таъмирлаш ишлари бажарилди

Самарқанд вилоятида **2023-2024 йиллар** куз-қиш мавсумини беталофат ўтказилиши учун “Худудий электр тармоқлари” АЖ Самарқанд худудий филиалида истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида барча шахар ва туман электр тармоқлари корхоналаридаги **542 нафардан** зиёд ходимлари таркибида жами **84 та** тезкор бригадалар, **48 та** автомашина ва **32 та** махсус автомашиналари шай ҳолатга келтирилган.

Шу билан бирга **2024 йилда** вилоятмиз худудидаги барча электр таъминоти истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминловчи **3003,9 км** электр узатиш тармоқлари, **1197 та** трансформатор пунктлари, **10 та** куч трансформаторлари ва **32 дона** мойли ўчиргичлар **мукаммал таъмирлаш** режалаштирилган. Шу билан бирга **7021,9 км** электр узатиш тармоқлари, **2116 дона** трансформатор пунктлари ва **129 та** подстанцияларда **жорий таъмирлаш** ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

20. Табиий газ ва электр энергиясини иқтисод қилиш, муқобил энергия манбааларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 июлдаги 294-сонли қарорига асосан, “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2023 йил 25 июл кунги 142-сонли бўйруғи ишлаб чиқилган бўлиб, юқоридаги қарор ҳамда буйруқ ижроси қатъий назоратга олиниб тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Белгиланган чора-тадбир режасига асосан, 2023 йил апрель ва 2024 йил март ойларида иқтисод режаси **195.1 млн.куб метр** режалаштирилган бўлиб, амалда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида **126,2 млн.куб метр (65 %)** табиий газ иқтисод қилинди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда ёқилғи ресурсларини иқтисод қилиш бўйича ишлаб чиқилган ташкилий-техник тадбирлар ва комплекс чора тадбирларни бажариш натижасида **2023 йил** апрел-19декабр ойлари учун иқтисод қилиш режаси **328,0 млн. кВт*соат** белгиланган бўлиб, амалда **254,4 млн.кВт*соат** ёки **77,6 фоизга** электр энергиясини иқтисод қилишга эришилган жумладан:

- Куч ва тармоқ трансформаторлари ҳамда электр узатиш тармоқларида йўқотишларни камайтириш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш, электр тармоқларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, тармоқларда модернизатсия ва реконструкция қилиш ҳисобига **97,8 млн кВт*соат**;

- Ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида қуёш панеллари ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига қуёш фотоэлектр

станциялари ўрнатиш, кўп қаватли уйларда ўрнатиладиган қурилмалар ва аҳоли истеъмолчиларига қуёш фотоэлектр станциялари ва гелиоколлекторларни ўрнатиш ҳисобига **21,4 млн кВт*соат**;

- Ёритиш чироқларини замонавий энерготежамкор лампаларга алмаштириш, бинонинг герметикли даражасини ошириш, энерготежамкор технологияларни жорий қилиш, юқори юклагич соатларда энергияни тежаш, қуёш панелларини жорий қилиш ҳисобига **135,2 млн. кВт*соат** иқтисод қилишга эришилди.

21. Транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар;

Самарқанд вилоятида жами **226 та** автотранспорт корхоналари ҳамда **12 813 та** Жисмоний шахс (ЎЎБ) лар мавжуд бўлиб, улардаги транспорт воситалари сони жами **16 540 тани** ташкил этади.

Шундан, **590 та** автобус, **185 та** микроавтобус, **15 765 та** енгил автотранспорт воситаларидир.

Вилоят бўйича жами йўловчи ташиш йўналишлари **372 тани** ташкил этиб, шундан **182 таси** автобус ва **190 таси** йўналишли таксилардир (*микроавтобус, дамас*). Ушбу йўналишларда **459 та** автобус ва **1702 та** микроавтобус ва Дамас русумли транспорт воситалари билан хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоятда жами **15 та** автостанциялар ва **907 та** оралиқ бекатлар мавжуд.

Самарқанд вилоятида **2023 йилда** йўловчилар учун қулай, хавфсиз бўлган **75 та** автобус ва **27 та** микроавтобус харид қилиниб йўналишларга жойлаштирилди.

2023 йилда 48 та янги йўналишлар ташкил этилди. Пастдарғом тумани Жума шаҳридаги “Жума АББ” МЧЖ Автобошбекати реконструкция қилинди.

22. Самарқанд вилоятида **2024 йил** давомида маҳаллий ташувчилар томонидан жами **150 та** (*100 та электробус ва 20 та автобус*) автотранспортлар харид қилиш режалаштирилган. Янги сотиб олинган автотранспортларнинг барчаси шаҳарда ташкил этилиши режалаштирилган янги йўналишга жалб қилинади. Самарқанд шаҳар транспорт ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш Бош режасига асосан ишлаб чиқилган янги йўналишлар тармоғига жамоат транспортлари босқичма-босқич брутто шартномаси асосида ҳаракатланиши режалаштирилган. Шунингдек, қишлоқларни туман марказлари билан, туман марказларини вилоят маркази билан боғловчи **12 та** йўналишлар ташкил қилиниши режалаштирилган. Чўпон-ота массивида қурилаётган Автовокзал фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

23. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича

амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар;

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича:

Вилоятнинг Самарқанд шаҳар ва Самарқанд тумани аҳолисига Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “**Мароқанд обод**” ДУК томонидан, Каттақўрғон шаҳардаги **25 та МФЙ** аҳолисига “**Каттақўрғон Обод Сервис**” МЧЖ томонидан, Каттақўрғон шаҳардаги **11 та МФЙ** аҳолисига “**Икром Насруллаев**” МЧЖ томонидан, Каттақўрғон ва Нарпай туманлари аҳолисига “**Анваржон Бизнес Инвест**” МЧЖ томонидан, Нуробод тумани аҳолисига “**Голд Маржонабегим**” МЧЖ томонидан, Пахтачи тумани аҳолисига “**Мансурбек Қўрғон бизнес**” МЧЖ томонидан, Пайариқ тумани аҳолисига “**Шоҳимардон Асқаров**” ОК томонидан, Қўшработ, Иштихон, Оқдарё, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ, Ургут, Пастдарғом туманлари аҳолисига “**ТОЗА ХУДУД**” ДУК томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Жорий йил давомида вилоятда маиший чиқиндиларни саралаб, қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи **24 та** корхона ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилиб, **264 933 тонна** чиқиндилар сараланиб олинди.

Ижтимоий соҳа объектларига, жумладан вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактабларга **50 та**, Мактабгача таълим муассасаларига **37 та**, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларига **121 та**, жами **208 та** чиқинди контейнерлари ўрнатилди.

Вилоятининг Ургут ва Тойлоқ туманлари (**1-лот**), Жомбой ва Булунғур туманлари (**2-лот**), Иштихон, Оқдарё ва Қўшработ туманлари (**3-лот**), Пастдарғом (**4-лот**) туманиларида давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бугунги кунда режалаштирилаётган давлат-хусусий шерикчилик лойиҳалари учун баҳолаш ва тендер асосида “Тоза ҳудуд” ДУК балансидаги **8 та** туманлардаги махсус автотранспорт воситалари ҳозирги кун баҳосида баҳоланган ва ишлар босқичма босқич амалга оширилмоқда.

24. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар ва 2024 йилдаги вазифалар;

Самарқанд вилоятида жорий йил куз мавсумида **6 млн 965 минг** дона кўчат экиш режалаштирилган, амалда бугунги кун ҳолатига **7 млн 294 минг дона** манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экилиб белгиланган режа **103,0 фоизга** бажарилди.

Кўчат экиш тадбирлари ўтказиш юзасидан вилоят бўйича **80 та амалий семинарлар** ўтказилди ҳамда туман (шаҳар)ларда **50 та кўчат ярмаркалари** ва савдо нуқталари ташкил этилди.

Жорий йил кузги кўчат экиш мавсумида Самарканд давлат ўрмон хўжалиги томонидан вилоятдаги ҳар бир маҳаллага (1134 та маҳалла) **226 800 туп кўчатлар берилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 820 та маҳаллага 162 минг 75 туп кўчатлар етказиб берилди** Экология вазирлигининг жамғармаси ҳисобидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига **100 минг дона (100 фоиз)** кўчатлар Самарканд давлат ўрмон хўжалиги томонидан етказиб берилиши таъминланди.

2023 йилда вилоятда **7 та** ҳудудда **28,4 гектарда “Яшил боғлар”**ни барпо этиш белгиланган.

“Яшил ҳудуд” ДУК томонидан бугунги кунда вилоятнинг **7 та** ҳудудида Самарканд шаҳар, Ургут, Нуробод, Самарканд, Пайарик, Нарпай, ва Жомбой туманларида **“Яшил боғлар”**га жами **11 минг 695 туп кўчатлар** экилди, **28,4 гектар** ер майдонда **“Яшил боғлар”** барпо этилди.

2022-2024-йилларда жами **64,15 гектар** майдонда **“Яшил жамоат парклари”**ни барпо этиш белгиланган.

Жорий йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларда йирик ишлар амалга оширилди.

Жумладан;

Оқдарё туманида Вилоят прокуратураси томонидан **20 гектар** ер майдонга боғ барпо этилиб, томчилатиб суғориш тизими яратилди.

Самарканд шаҳридаги, “Корасув” масканида **38 гектар** ер майдонга яшил боғ ташкил этилди.

2024-йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар.

2024 - йилда вилоятнинг туман (шаҳар)ларида **7 та** ҳудудда **28,4 гектарда “Яшил боғлар”** барпо этилади.

2022 – 2024 - йилларда **64,15 гектарда “Яшил жамоат парклари”** ташкил этилади.

2024-йил баҳор ва кузги кўчат экиш мавсумида **16 млн. туп** манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экилади.

Келгуси йилдан бошлаб дарахт кўчатларини экиш, ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда аҳолининг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

а) автомобиль, темир йўл, дарё ва каналлар ёқалари, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ер участкаларининг фойдаланилмаётган қисмида «яшил боғлар» ташаббускор жисмоний ва юридик шахслар ўртасида **10 йилгача** қуйидаги шартларда тўғридан-тўғри тузиладиган икки томонлама шартнома асосида барпо этилади:

Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан шартномалар тузилишини ва белгиланган тартибда ер участкалари ажратилиши таъминланади.

Экология вазирлиги томонидан 2024 йилдан бошлаб ўзининг тизимидаги ташкилотларда ёмғир сувларини тўплаш учун мембрана (резервуар)лари ташкил этилади ҳамда замонавий сув ресурсларини тежаш услублари орқали дарахт ва буталарни суғориш тизими яратилиши таъминланади.

25. Аҳолини сифатли маҳаллий ва импорт ёқилғиси билан таъминлаш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар ва 2024 йилдаги вазифалар;

Вилоятнинг жорий йилда ижтимоий соҳа объектлари ва аҳолини кўмирга бўлган жами эҳтиёжи **215,0 минг** тонна бўлиб, шундан **213,7 минг** тоннаси маҳаллий кўмир, **1,3 минг** тоннаси импорт кўмирни ташкил этади.

Жумладан:

Ижтимоий соҳа объектлари **учун 67,8 минг** тонна маҳаллий кўмир белгиланган бўлиб, амалда **67,8 минг** тонна (**100 %**) кўмир тарқатилди;

Аҳоли истеъмолчилари учун **145,9 минг** тонна маҳаллий кўмир режалаштирилган бўлиб, амалда **112,9 минг** тонна (**77 %**) аҳолига етказиб берилиб, тарқатиш жараёнлари давом этмоқда;

Бугунги кун ҳолатига кўмир омборларида **2,8 минг** тонна кўмир заҳиралари мавжуд.

Суюлтирилган газ ва газ баллонлари

815 та маҳалла ва қилшоқлардаги **491730 нафар** аҳоли истемолчиларига ҳамда **429 та** ижтимоий соҳа объектларига жами **83425 тонна** суюлтирилган газ тарқатилди. Режа-график бўйича ўз вақтида етказиб берилди.

2023 йил давомида вилоятдаги **491730 та** аҳоли истеъмолчиларга **83425 тн** суюлтирилган газ имтиёзли нархларда етказиб берилди. **10840** дона янги маиший газ баллонлари аҳоли истеъмолчиларига тарқатилди.

2024 йилда давомида вилоятдаги аҳоли истеъмолчиларига **88834 тн** суюлтирилган газ ва **7600 дона** маиший газ баллонлари етказиб бериш режалаштирилган.

“Мароканд нефт база” МЧЖда Самарканд вилоятида фаолият юритаётган халқ хўжалиги ташкилотлари ва хусусий АЁҚШларга 2023 йилда “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг **67,940 минг** тонна нефт махсулотлари биржа савдолари орқали истеъмолчиларга етказиб берилди. Жумладан Жамиятга қарашли АЁҚШларга **3,3 минг тонна** автобензин ёқилғиси, хусусий АЁҚШларга **41,2 минг тонна** автобензин ёқилғиси, халқ хўжалиги корхоналарига **1,0 минг тонна** автобензин

ёқилғиси етказиб берилди. Бундан ташқари истеъмолчиларга **8,2 минг тонна** дизел ёқилғиси етказиб берилган бўлиб, шу жумладан МЧЖ тасрруфидаги АЁҚШларга **0,5 минг тонна**, хусусий АЁҚШларга **2,6 минг тонна**, халқ хўжалиги ташкилотларига **2,4 минг тонна** дизел ёқилғиси етказиб берилган. Хозирги кунда МЧЖда **Аи-80** автобензин ёқилғиси **0,0 тонна**, дизел ёқилғиси **0,3 минг тонна** мавжуд.

2024 йил учун Аи-80 автобензин ёнилғиси 80,0 минг тонна ва дизел ёқилғиси **30,0 минг тонна** нефт махсулотларини истемолчиларга етказиб берилиши режалаштрилмоқда.

26. Давлат дастурлари (ПҚ-408, ПҚ-465, ПҚ-146, 303 млрд.сўмлик дастур ва бошқалар)да берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича (алоҳида-алоҳида ва йиғма) 2023 йилда амалга оширилган ишлар ва 2024 йилдаги вазифалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги **ПҚ-408-сонли** қарори ижроси юзасидан **2023 йил** вилоятда **582 та** объектда **394,9 млрд.сўмлик** қурилиш таъмирла ишлари олиб борилган бўлиб, жумладан:

ички йўллар ҳолатини яхшилаш юзасидан **296 та** объектда қиймати **251,8 млрд.сўмлик;**

ичимлик сув таъминоти ва оқава сув таъминотини яхшилаш борасида **189 та** объектда **112,0 млрд.сўмлик;**

электр-энергия таъминотини яхшилаш борасида **51 та** объектда қиймати **10,1 млрд.сўмлик;**

газ таъминотини яхшилаш юзасидан **5 та** объектда қиймати **0,6 млрд.сўмлик;**

мактабгача таълим объектларини қуриш ва реконструкция қилиш борасида **5 та** объектда қиймати **3,8 млрд сўмлик;**

қолган бошқа **42 та** объектларда қиймати **16,6 млрд.сўмлик** қурилиш ва таъмирлаш ишлари ўз якунига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги **ПҚ-465-сонли** қарори ижроси юзасидан **2023 йил** вилоятда **194 та** объектда **1,2 трлн.сўмлик** қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Жумладан:

автомобил йўллари ҳолатини яхшилаш борасида **51 та** объектда қиймати **197,5 млрд.сўмлик;**

ичимлик сув таъминоти ва оқава сув таъминотини яхшилаш борасида **20 та** объектда **253,6 млрд.сўмлик;**

мелорация ва ирригация объектларини реконструкция қилиш бўйича **14 та** объектда **55,1 млрд.сўмлик;**

электр-энергия таъминотини яхшилаш борасида **19 та** объектда

қиймати **138,5 млрд.сўмлик**;

ижтимоий соҳа объектларини таъминотини яхшилаш борасида **76 та** объектда қиймати **494,6 млрд.сўмлик**;

қолган бошқа **14 та** объектларда қиймати **79,7 млрд.сўмлик** қурилиш ва таъмирлаш ишлари ўз якунига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 июндаги **346-F-сонли** фармойиши ижроси юзасидан **2023 йил** вилоятда **363 та** объектда **274,5 млрд.сўмлик** қурилиш таъмирлаш ишлари амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан:

Автомобил ҳамда ички йўллар ҳолатини яхшилаш юзасидан **298 та** объектда қиймати **165,3 млрд.сўмлик**;

ичимлик сув таъминоти ва оқава сув таъминотини яхшилаш борасида **21 та** объектда **37,5 млрд.сўмлик**;

ижтимоий соҳа объектларини таъминотини яхшилаш борасида **40 та** объектда қиймати **50,1 млрд.сўмлик**;

электр-энергия таъминотини яхшилаш борасида **4 та** объектда қиймати **21,9 млрд.сўмлик** қурилиш ва таъмирлаш ишлари ўз якунига етказилди.

2024 йилда давлат дастурини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги **83-сонли** баёнига асосан Самарқанд вилоятида **128 та** объектда қиймати **1,1 трлн.сўмлик** қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Жумладан:

ижтимоий соҳа объектларида бўйича **83 та** объектда қиймати **661,9 млрд.сўмлик**;

автомобил йўллари ҳолатини яхшилаш бўйича **24 та** объектда қиймати **316,5 млрд.сўмлик**;

Ирригация ва мелорация тармоқлари ва иншоотлари бўйича **15 та** объектда **86,3 млрд.сўмлик**;

ичимлик сув таъминоти ва оқава сув таъминотини яхшилаш борасида **5 та** объектда **63,9 млрд.сўмлик**;

қолган бошқа **1 та** объектларда қиймати **400,0 млн.сўмлик** қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги **108-сонли** Раёсат мажлиси баёнига асосан вилоятда **81 та** объектда **96,3 млрд.сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши жумладан:

68 та ижтимоий соҳа объектларида қиймати **266,0 млрд.сўмлик**;

4 та ирригация тармоқлари ва иншоотлари объектларида қиймати **5,4 млрд.сўмлик**;

9 та қирғоқ бўйи ва химоя объектларида қиймати **11,1 млрд.сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

IV. Ёшлар сиёсати ва ижтимоий масалалари комплекси

I. Вилоятда узлуксиз таълим тизимида ислохотларни давом эттириш, тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш, ижтимоий соҳа учун зарур инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; *(мактабгача ва мактаб, профессионал ҳамда олий таълим бўйича аниқ сон ва рақамлар асосида ёзилиши керак):*

Умумий кўрсаткичлар.

Самарқанд вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига қарашли 1266 та мактаб (шу жумладан, 8 та махсус мактаб-интернати), 17 та “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мактабларда **31 162 та** жами синфлар мавжуд, шундан бир навбатли синфлар **20 001 тани**, икки навбатли синфлар **11 161 тани** ташкил этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган **774 861 нафар** ўқувчиларга **61 016 нафар** ўқитувчилар таълим бериб келмоқда.

Таълим **3 тилда** ўқитилади. **1 137 та** мактаб ўзбек тилида, **105 та** мактаб рус тилида, **33 та** мактаб тожик тилида таълим беради.

Вилоятда **8 та** махсус мактаб бўлиб уларда **2155 нафар** ўқувчига **411 нафар** ўқитувчи **375 нафар** тарбиячилар тарбия бериб келишади.

Вилоятимизда **17 та** ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари ва **1 та** Самарқанд шаҳридаги Президент мактаби фаолият юритади.

Мазкур таълим муассасаларида таълим олаётган **6147 нафар** ўқувчиларга **603 нафар** маҳаллий ҳамда **10 нафар** хорижий Халқаро тоифадаги мутахассислар таълим бериб келмоқда.

Ҳозирги кунда **4 034 та** мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, улардан **750 та** давлат, **65 та** хусусий, **3 088 та** оилавий ва **131 та** давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотларни ташкил этади.

Ҳудуддаги **356 760 нафар 3-7 ёшли** болалардан **252 604 нафари** (70,8%) мактабгача таълимга қамраб олинган.

Моддий техника базасини мустаҳкамлаш

2023 йилда жами **34 та** таълим муассасаларда қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Шундан **2 та** янги қурилиш, **32 та** реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада, **10 200 нафар** ўқувчи ўрни учун шарт-шароитлар яратилди. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан **170 млрд. 800 млн.** сўм маблағлар йўналтирилди.

Жорий йилнинг ўзида **1 800** қувватга эга **7 та** янги давлат мактабгача таълим ташкилоти **21 та** реконструкция, **825** қувватга эга **8 та** давлат хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти ва **8 550** қувватга эга **342 та** олавий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди.

Таълим сифатини ошириш.

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда биринчи навбатга педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг сифат таркиби алоҳида аҳамиятга эга.

Вилоятдаги жами **1266 та** умумий ўрта таълим мактабларида **61 016 нафар** педагоглар ўқувчилар таълим бериб келишади.

Уларнинг **51 371 нафар** (84%) олий маълумотли, **3428 нафари** (6%) ўрта махсус маълумотли педагоглар.

Педагогларнинг **37920 нафари** (62 %) аёл педагог ходимлар, **23 096 нафари** (38%) эркак педагог ходимлар.

Педагоглардан олий тоифали ўқитувчилар **5641 нафар** (9,4%), биринчи тоифали ўқитувчилар **11805 нафар** (19,3%), иккинчи тоифали ўқитувчилар **15691 нафар** (25,7%), мутахассис ўқитувчилар **27 879 нафар** (45,6 %) ни ташкил этади.

Шунингдек, 2023 йилда умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган **5404 нафар** чет тили фани ўқитувчилардан **1250 нафари** (23,1%) халқаро тил билиш сертификатига эга.

Бундан ташқари ўтган ўқув йилида битирган битирувчиларнинг **1150 нафари** халқаро чет тили сертификатини қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023-йил 24-август куни Оқдарё туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан **Самарқанд вилоят тажрибасини амалга ошириш** бўйича, ҳар бир туман, шаҳарларининг ихтисослашуvidан келиб чиқиб, **10 тадан** жами **160 та** мактабларда

ўқувчиларни ишчи касбларга ҳамда иккита хорижий тилга ўқитиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, 2023 йилнинг 1 сентябрда **16 та** мактаб фаолиятини бошлаган бўлса, 2024 йилнинг 1-январ ҳолатига **64 та**, 2024 йилнинг 1-сентябрга қадар **80 та** умумтаълим мактабларида ўқувчиларни иккита хорижий тил ҳамда битта касбга ўқитиш амалиётини жорий этиш мақсадида барча ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда 2023-2024-ўқув йилининг дастлабки 4 ойи давомида **“Самарқанд тажрибаси”** сифатида вилоятнинг туман (шаҳар)ларидаги мутахассис ва иккинчи тоифали ўқитувчиларга методик ёрдам берувчи **“Мобил методик гуруҳлар”** томонидан ташкил этилаётган ўқув машғулоти ҳафтанинг белгиланган кунларида офлайн ва ҳафтанинг бошқа кунларида эса онлайн шаклда олиб борилди.

Вилоят бўйича жами **7 та** умумтаълим фанлари (она тили ва адабиёт, математика, тарих, кимё, биология, физика, информатика) кесимида **2 837 нафар** педагогларга **102 нафар** тренер ўқитувчилар томонидан **16 та** туман (шаҳар)лардаги белгиланган **27 та** умумий ўрта таълим мактабларида ўқув машғулоти ташкил этилди.

“Мобил методик гуруҳлар”нинг тренер ўқитувчиларига вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан **1 млрд. 199 млн. 520 минг сўм** маблағ ажратилиб, иш ҳақи сифатида тўлаб берилмоқда

Вилоятдаги **68 та** умумтаълим мактабларида юқори синф ўқувчиларининг қобилияти ва танлови асосида таълим жараёнларини ташкил этишни тажриба-синовдан ўтказилиб, ушбу умумтаълим мактабларида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқитиш методикаси ва баҳолаш тизимлари жорий этилди.

Ўзбекистон Финландия педагогика институти билан ҳамкорликда талабаларнинг ҳафталик ўқув машғулоти **«4+2»** тартибида умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибида олиб борилиш тизими йўлга қўйилди.

2023-2024 ўқув йилидан янги ташкил этилган **8 та** умумий ўрта таълим мактабларини раҳбар ва педагог ҳодимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тизими жорий этилди.

Вилоятдаги мавжуд **17 та** ихтисослаштирилган мактабларга рейтинг кўрсаткичлари энг охирида қолиб кетган ва қизил тоифадаги

умумий ўрта таълим мактабларини бириктириш амалиёти жорий этилди.

Режа асосида барча йўналишлар бўйича ушбу мактабларда методик ёрдам кўрсатиш қўлга қўйилди.

Вилоятда 162 нафар малакали педагог ходимларни Вазир жамғармаси ҳисобидан қўшимча рағбатлантириш йўлга қўйилди. Бунда ҳар бир ўқитувчига **9 ой** давомида **5 млн.сўмдан** устамалар тўлаб келинмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки сўнги **5 йилда** мактабгача таълим ташкилотларига қамров фоизи **20.9 фоиздан 70.8 фоизга** ошган.

Сўнги **5 йилда** умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари **10 фоиздан 40,5 фоизга** ошган.

Президентимизнинг ташаббуслари ва қўллаб қувватлашлари билан ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, уларга замонавий методикаларни ўргатиш мақсадида **20 нафар** хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Зўр “класс” лойиҳаси доирасида **16 нафар** россиялик, 1 нафар Хиндистонлик ҳамда Франция давлатидан **3 нафар** француз тили малакали мутахассислар жалб қилинган.

Умумтаълим мактабларини компьютер техникалари билан таъминлаш.

Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг илғор технологиялар асосида сифатли билим олишлари учун **416 та** умумий ўрта таълим мактабларига **6 803 дона** энг замонавий компьютер техникалари етказиб берилди.

Бундан ташқари, **33 та** умумий ўрта таълим мактабига электрон доска, **32 та** умумий ўрта таълим мактаблари роботатехника воситалари билан таъминланди.

Вилоятида жами **1266 та** умумий ўрта таълим мактаблари доимий интернет тармоғига уланган бўлиб, шулардан, **834 таси 40 Мбит/с, 432 таси 100Мбит/с** тезликда интернет билан таъминланди.

III. Профессионал таълим.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда **73 та** профессионал таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда. (37 та касб-хунар мактаблари, 14 та коллеж ва 22 та техникумлар)

Ушбу **73 та** профессионал таълим муассасаларининг қуввати **56 260** ўринга мўлжалланган бўлиб ўртача **0,9** коэффициентда ишламоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд **73 та** профессионал таълим муассасаларида **162 та** касб ва мутахассисликлар бўйича жами **48 706 нафар** шундан, **25187 нафари** қизларни ташкил этади.

Касб-хунар мактабларида **23468 нафар** шундан қизлар сони **6722 нафар**, коллежларда **5186 нафар** шундан қизлар сони **4944 нафар**, техникумларда **20052 нафар** шундан қизлар сони **13521 нафар** ўрта бўғин кадрлар тайёрланмоқда.

Касб-хунар мактаблари таклифлари ва меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2023-2024 ўқув йилида касб-хунар мактабларига қўшимча равишда **23 та янги касблар**, жумладан 9-синфни битирадиган **қизлар учун 7 та** янги касблар киритилди.

Жумладан, “Ипакчи”, “Боғбон” “Ёқилғи қуйиш шаҳобчаси оператори,” “Геологик кузатув ва қидирув ишлари ишчиси”, “Маиший техника жиҳозларини таъмирлаш”, “Оқава сув ва сув таъминоти тизимларидан фойдаланиш ва монтаж қилиш устаси”, “Асаларичи”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш лаборанти”, “Автомобил электр ва электрон жиҳозларига хизмат кўрсатиш”, “Автомобил кузовини таъмирлаш”, “Электрик” касблари янгидан киритилди;

Жумладан, қизлар учун компьютер графикаси ва дизайн оператори, сотувчи, назоратчи-кассир, сартарош (модельер), ошпаз, новвой, банк назоратчиси” тўқиш-тикиш жиҳозлари оператори касблари янгидан киритилди.

Вилоят профессионал таълим муассасаларида жами **3181 нафар** (асосий штатда 2465 нафар) (шундан 716 нафари ишлаб чиқариш таълими усталари) педагог кадрлар фаолият юритмоқда.

Жумладан, **1646 нафари** касб-хунар мактабларида (шундан 675 нафари ишлаб чиқариш таълими усталари), **481 нафари** коллежларда, **1054 нафари** техникумларда (шундан 41 нафари ишлаб чиқариш таълими усталари) фаолият юритмоқда.

Шулардан, Илмий салоҳият педагог кадрларга нисбатан (2465 нафарга нисбатан 685 нафар) **27,7 % ни** ташкил этади. **28 нафари** (1.1%) илмий даражали (фан доктори 7 нафар, фан номзоди 21

нафар), **65 нафари** (2.6%) бош ўқитувчи, **176 (7.1%) нафари** етакчи ўқитувчи ҳамда **416 нафари** (16.8%) катта ўқитувчилардир.

2023/2024 ўқув йили учун вилоятдаги **37 та** касб-ҳунар мактабларига **1 198 та** корхона ва ташкилотлардан 2025 йилгача яратиладиган **13 262 та** иш ўринларига буюртмалар портфели шакллантирилди.

Вилоятдаги **37 та** касб-ҳунар мактабларига **45 та** касб бўйича **12374 нафар** (шундан 11891 нафар кундузги таълим шаклда, 483 нафар дуал таълим шаклда) **9-синф** битирувчилари қабул қилинди.

Жорий йилда вилоятдаги коллежларга 2722 нафар ўқувчилар (кундузги таълим шаклида 707 нафар, сиртқи таълим шаклида 1504 нафар ва дуал таълим шаклида 511 нафар) қабул қилинди. **Техникумларга 5471 нафар ўқувчилар** (кундузги таълим шаклида 3906 нафар, сиртқи таълим шаклида 1094 нафар ва дуал таълим шаклида 471 нафар) ўқувчилар қабул қилинди.

Дуал таълим шакли бўйича 2022/2023 ўқув йилида **18 та** таълим муассасасига **1201 нафар**, 2023/2024 ўқув йилида **25 та** таълим муассасасига **1048 нафар** ўқувчилар қабул қилинди.

(11 та касб-ҳунар мактабига 483 нафар, 11та коллежга 491 нафар, 3 та техникумга 74 нафар)

17 та профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа ўқув курсларида **957 нафар** ишсиз ёшлар ҳамда хотин қизлар ўқитилиб, уларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

Ўқитувчилар томонидан **554 та** ўқитиш материаллари яратилган бўлиб, шундан, **97 таси** Республикада оммалаштирилди.

III. Худудда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

“Ёшлар дафтари” тизими орқали 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар:

2023 йил давомида амалга оширилган ишлар:

Хатлов ва ўрганишлар натижасида “Ёшлар дафтари” электрон платформасига **41 232 нафар** ёшлар киритилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2023 йил **15 декабрь** ҳолатига **33 586 нафар** (81,4%) ёшларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирда **7 646 нафар** (18.6 %) ёшлар дафтарда қолмоқда.

Жумладан:

1 321 нафар ёшларга бир марталик моддий ёрдам учун **3 млрд 738 млн. сўм**;

260 нафар ёшларга ҳайдовчиликка ўқитиш учун **320 млн. сўм**,

2 293 нафар ёшларга асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари ажратиш учун **6 млрд. 217 млн. сўм**;

6 627 нафар ёшларга таълим тўлов-контракти учун **14 млрд 356 млн. сўм**;

831 нафар ёшларга замонавий касб, Ай-Ти ва хорижий тил ўқув курси компенсацияси учун **1 млрд 506 млн. сўм**;

2 618 нафар ёшларнинг даволаниш билан боғлиқ ҳаражатлари учун **2 млрд 418 млн. сўм**;

1 119 нафар ёшларнинг сафарбарлик чақируви резерви ҳаражатлари учун **6 млрд сўм**;

239 нафар ёшларнинг турар жой ижараси, ижара ҳаражати учун **250 млн. сўм**;

59 нафар ёшларнинг мактаб формаси ва ўқув қуроллари учун **88 млн. сўм**;

221 нафар ёшларнинг фуқаролик паспорти бадалини қоплаш учун **50 млн. сўм**;

1 808 нафар ёшларнинг ёшлар фестиваллари, форумлар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни молиялаштириш учун **4 млрд 721 млн. сўм**;

2 104 нафар ёшларнинг **2 млрд 915 млн. сўм**лик бошқа йўналишда

10 075 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилган

1911 нафарига 38,9 млрд сўмлик кредитлар ажратилган;

2 100 нафарига (770 га) ер майдонлари ажратилган амалий ёрдам кўрсатилиб “**Ёшлар дафтари**”дан чиқарилди.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан жами **51 млрд. 380 млн. сўм** жамғарма маблағлари шакллантирилган. Шундан, **44 млрд. 211 млн. сўм** маблағ **21 минг 586 нафар** ёшларни қўллаб-қувватлаш учун сарфланди.

Ёшлар етакчилари фаолияти юзасидан.

Вилоятда **1 126 та** маҳалла мавжуд бўлиб, ҳозирда **1 118 та** маҳаллада ёшлар етакчилари ишламоқда (шундан 144 нафари аёл) **8 та** вакансия мавжуд.

Ёшлар етакчиларининг **764 нафари 30 ёшгача, 354 нафари 30 ёшдан юқори, 657 нафари олий, 335 нафари** тугалланмаган олий, **126 нафари** ўрта махсус маълумотли ҳисобланади.

Эркак ёшлар етакчиларининг **758 нафари** ҳарбий хизматни ўтаган (шундан 516 нафари СЧР).

Ҳозирги кунда **29 нафар** ёшлар етакчилари турли хил кўкрак нишон ва мукофотлар билан тақдирланган (шундан 13 нафари давлат мукофотини билан), **16 нафарида** хорижий тил сертификати мавжуд.

Лавозим жорий этилган буён (19.01.2022) **274 нафар, 2023 йилни ўзида эса 133 нафар** ёшлар етакчилари лавозимни тарк этган бўлса, **178 нафари** бошқа ишга ўтган, **69 нафари** юқори лавозимга ишга ўтган, **33 нафари** иш режими ва саломатлик ҳолати оғирлигидан,

59 нафари оилавий ҳолати тўғри келмаган, **29 нафари** чет элга кетган, **19 нафари** ротация қилинган, **20 нафари** лавозимга нолойиқ деб топилган.

“Оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлаш йўналишида.

2023 йилнинг **11** апрел куни Давлатимиз раҳбари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижроси юзасидан **“Ёшлар баланси”**га асосан **14-30** ёшдаги **1 млн. 72 минг нафар** ёшлар **“қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга** ажратилди.

Жумладан:

- **455 минг 352 нафар ёшлар (42%) “яшил”,**
- **617 минг 065 нафар ёшлар (58%) “сарик”**
- **28 минг 324 нафар ёшлар (2,6%) “қизил” тоифага мансуб.**

“Қизил” тоифага мансуб бўлган ёшлар қуйидаги мезонлар бўйича ажратилди:

1. Пробация назоратидагилар **1 745 нафар**;
2. Профилактик ҳисобда турганлар **1 658 нафар**;
3. *Жиноят содир этишга мойил бўлганлар (Ёт ғоялар таъсирига тушиб қолганлар сони) **377 нафар**;
4. Нотинч оила фарзандлари **2 316 нафар**;
5. Миграциядан қайтиб келганлар **7 765 нафар**;
6. Оилавий ажрим ёқасидагилар **655 нафар**;
7. Мунтазам дарс қолдирувчилар **579 нафар**;
8. Гиёҳванд ва психотроп моддаларини истеъмол қилувчилар **66 нафар**;
9. Ногиронлар **10 739 нафар**;
10. Сурункали касаллиги бўйича рўйхатда турувчилар **1 855 нафар**;
11. Етимлар **569 нафар**

“Қизил” тоифага мансуб бўлган ёшлар 588 нафар вилоят, туман (шаҳар)лар корхона, ташкилот ва идора раҳбарлари ва ўринбосарларига (шундан **71** таси вилоят ташкилоти) бириктирилди.

Ушбу тоифага мансуб ёшлар билан ишлаш мақсадида **28 324** та банддан иборат маҳаллабай, секторбай, туманбай, шунингдек, **44** та банддан иборат вилоят йўл хариталари ишлаб чиқилди.

28 324 нафар ёшларга хат юборилди, шунингдек **28 324 нафар**нинг муаммолари “Йўл харита”ларига киритилди.

Жами **28 043 нафар** (99 %) ёшларга ёрдам кўрсатилди.

Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларининг бандлигига кўмаклашиш ҳамда “Ёшлар бандлик дастури”нинг ижроси юзасидан.

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида:

Самарқанд вилоятида **1126 та** маҳалласидаги **14-30** ёшдаги ёшлар таҳлил қилиниб маҳалла-сектор-туман(шаҳар)-вилоят бандлик дастурлари ишлаб чиқилди.

Самарқанд вилоятида “Ёшлар бандлик дастури” орқали жами **56 085 нафар** (шундан 31 557 нафар ишсиз ёшлар, 24 528 нафари мактаб битирувчилари) ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш белгиланган.

Бугунги кун ҳолатига кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида, **54 373 нафар** (96.9 %) (шундан 23 242 нафари мактаб битирувчилари) ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминланиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб даромад манбаига эга бўлиши учун шароитлар яратилди.

Жумладан; қуйидаги йўналишларда ёшлар бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

20 814 нафар ёшлар доимий иш ўринларига жойлаштирилди.

7 735 нафар ёшлар касб-ҳунарларга ўқитилди.

2 777 нафар ёшларга субсидия асосида асбоб-ускуна ажратилди.

4 514 нафар ёшларга **1350 гектар** ер майдони ажратилди.

3 871 нафар ёшларга **7 млрд 742 млн** сўм кредит ажратилди.

8 742 нафар ёшлар **1 742 нафар** уста ҳунармандларга бириктирилди.

3 736 нафар ёшлар тадбиркорлик лойиҳалари ҳисобига янги яратиладиган иш ўринларига жойлаштирилди.

2 184 нафар ёшлар бошқа йўналишда (мактаб битирувчилари хусусий ОТМга ўқишга кирган) бандлиги таъминланди.

Хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш бўйича.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида жами **31 502 нафар** ёшлар чет мамлакатларга турли мақсадларда (ўқиш, иш) чиқиб кетишган.

Вилоятдаги барча маҳалла ёшлар етакчилари ҳамда профилактика инспекторлари томонидан ҳудуд **сектор раҳбарлари** бошчилигида ҳар куни ижтимоий тармоқлар орқали **онлайн мулоқотлар** ташкил этилиб уларни қийнаётган муаммолар ечими юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда. Жорий йил давомида хориждаги ёшлар билан **354** маротаба онлайн мулоқот ўтказилиб, мулоқот давомида **1500 нафар** ёшлардан турли мазмундаги таклиф ва муаммолар билдирилган бўлиб, ушбу муоммалар **сектор раҳбарлари томонидан ҳал этилди.**

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ёшлар етакчилари томонидан **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 92-сонли** ҳамда **149-сонли Қарор** талабларидан келиб чиқиб **7 минг 255 нафардан** ортиқ **АҚШ, Жанубий Корея, Япония, БАА, Россия, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон** Республикалари ва бошқа хорижий мамлакатлардаги ёшларимиз билан доимий **онлайн мулоқотлар ташкил этилмоқда.**

Жорий йил бошидан бугунги кунга қадар ёшлар етакчилари томонидан **2 125 маротаба** онлайн мулоқот ташкил қилинди.

(Малумот учун **АҚШда (2 405 нафар)** меҳнат қилаётган ёшлар ойига **2 500-3 500\$**, **Жанубий Корея (463 нафар)** ва **Япония (398 нафар)** давлатларида меҳнат қилаётган ёшлар ойига **1 800-2 200\$** ҳамда **Россия (23 389 нафар)** ва **Туркия (1 472 нафар)** давлатларида меҳнат қилаётган ёшларимиз ойига **500-1000\$** дан ойлик олаётганлиги аниқланган.

Амалга оширилган тарғибот тадбирлари ва онлайн мулоқотлар натижасида жорий йилда хорижда юрган **9 328 нафар** ёшлар ватанга қайтарилиб, муносиб иш ўринларига жойлаштирилди.

Хусусан, **750 нафар** ёшларга такрорий экин экиш учун **375 гектар** ер майдонлари ажратилган.

Хориждаги ёшларни туман(шаҳар)лар кесимида қуйидагича ҳисобини юритишимиз мумкин;

Хусусан, Самарқанд шаҳар-**3798 нафар**, Каттакўрғон шаҳри-**933 нафар**, Булунғур тумани-**2310 нафар**, Жомбой тумани-**1590 нафар**, Иштихон тумани-**1724 нафар**, Каттакўрғон тумани-**3819 нафар**, Нарпай тумани-**982 нафар**, Нуробод тумани-**1397 нафар**, Оқдарё туман-**918 нафар**, Пайариқ тумани-**2674 нафар**, Пастдарғом тумани-**3514 нафар**, Пахтачи тумани-**755 нафар**, Самарқанд тумани-**2186 нафар**, Тойлоқ туман-**1261 нафар**, Ургут тумани-**2815 нафар**, Қўшработ тумани-**826 нафарни** ташкил қилади.

“Беш ташаббус олимпиадаси” ижро ҳолати.

Жорий йилнинг март-июнь ойлари давомида “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг **1-мавсумида** стол тенниси, шашка, енгил атлетика, стритбол, стритворкаут спорт мусобақалари, киберспорт, Ёшлар рақс, тикувчилик, қандолатчилик, ошпазлик, ҳунармандчилик ва сартарошлик танловларининг маҳалла-сектор-туман-вилоят босқичлари ўтказилиб, **802 850 нафар** ёшлар қамраб олинди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” ва параолимпиадасининг республика босқичида умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти жамоаси **48 та медал (21 та олтин, 12 та кумуш, 15 та бронза)** билан фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Вилоят миқёсидаги натижаларга кўра **1 ўрин Самарқанд** шаҳри, **2 ўрин Каттақўрғон** шаҳри, **3 ўрин Булунғур** тумани энг юқори натижани эгаллаган бўлса, **Қўшрабат** тумани вилоят рейтингининг энг қуйи поғонасидан жой олди.

Шунингдек, иккинчи мавсумда **4 йўналишда, 11-30 ёш** тоифасидаги умумтаълим мактаблари, профессионал таълим ва олий таълим муассасалари ҳамда маҳалла ёшлари ўртасида “Волейбол”, “Кураш”, “Гимнастрада”, “Миллий ва замонавий чолғу”, “Заковат”, “Ёш китобхон”, “Паралимиада”, “Шахмат”, “Шашка”, “Стол тенниси”, “Енгил атлетика”, “Мини футбол”, “ҚВЗ” бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсуми доирасида танлов ва спорт мусобақаларини маҳалла ва таълим муассасалари йўналишида юқори савияда ташкил этиш мақсадида **Булунғур** тумани

“Фозил Йўлдош” маҳалласида намунавий тадбирлар ташки қилиниб “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсумига старт берилди.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсумига жами **799 754 нафар** ёшлар қамраб олинди.

Шундан,

494 418 нафар маҳалла ёшлари

283 808 нафари умумтаълим мактаблари ўқувчилари

8 950 нафари профессионал таълим муассасалари ўқувчилари

12 578 нафари олий таълим муассасалари талабалари қамраб

олинди.

Шунингдек, маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган “Ёш китобхон” танлови ҳам ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиниб, **98 145 нафар** ёшлар қамраб олинди.

Ҳозирги кунда маҳалла ёшлари ўртасида “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсуми доирасидаги мусобақалар ва кўрик-танловларнинг маҳалла-сектор-туман(шаҳар)-ҳудудий ва республика босқичлари якунланиб, **Самарқанд** вилояти жамоаси

9 та медал (4 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза) билан тўртинчи ўринни қўлга киритди.

Вилоят миқёсидаги натижаларга кўра **1 ўрин Ургут тумани, 2 ўрин Жомбой тумани, 3 ўрин Каттақўрғон шаҳри** энг юқори натижани эгаллаган бўлса, **Булунғур** тумани вилоят рейтингининг энг қуйи поғонасидан жой олди.

2024 ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР:

“Оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлаш йўналиши бўйича.

Вилоятда 24 247 нафар ёшлар ушбу тоифага киритилиб, **6 177 нафарининг** ишсизлик бўйича муаммосини, **4 642 нафарининг** даволаниш бўйича муаммосини, **2 093 нафарининг** Касб ва ҳорижий тилга ўқиш бўйича муаммосини ва **9 335 нафарининг** бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш режалаштирилган.

Ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича.

33 272 нафар ёшларни “Ёшлар бандлик дастури” орқали қамраб олиб, **5 941 нафар** ёшлар доимий иш ўринларига, **4 516 нафар** ёшларни касб-ҳунарларга ўқитиш, **2 061 нафар** ёшларни тадбиркорликка ўқитиш, **2 553 нафар** ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, **3 736 нафар** ёшларга субсидия ажратиш, **3 141 нафар** ёшларга ер майдони ажратиш, **3 732 нафар** ёшларга кредит ажратиш, **5 669 нафар** ёшларни янги яратиладиган иш ўринларига жойлаштириш режалаштирилган.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича.

Таълим билан қамраб олинадиганлар **21 642 нафар**, Доимий иш ўринларига жойлаштириладиганлар **5 806 нафар**, Касб-ҳунарларга ўқитиладиганлар **3 788 нафар**, Тадбиркорликка ўқитиладиганлар **2 150 нафар**, Замонавий касбларга ўқитиладиганлар **2 122 нафар**, Субсидия ажратиладиганлар **3 060 нафар**, Ер майдони ажратиладиганлар **1 815 нафар**, Кредит ажратиладиганлар **2 884 нафар** ва **3 805 нафар** битирувчи ёшларни янги яратиладиган иш ўринларига жойлаштириш режалаштирилган.

Хориждаги ёшлар билан ишлаш бўйича.

2024 йилда Миграциядан қайтариладиган ёшлар хориждаги ёшлар билан ишлаш йўналишида чет давлатлардаги ёшлар хатловдан ўтказилиб, жами **31 817 нафар** ёшларни ватанга қайтариб, банлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Шунингдек, **2 450 та** Онлайн учрашувлар, **8 565 нафар** миграциядаги ёшнинг ота-онаси билан Сектор раҳбарларининг учрашувлари ўтказилади. Миграциядаги ёшларга **14 582 та** иш ўринлари таклиф этилади.

Норасмий банд ёшларга ўзини-ўзи банд қилиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш йўналишида жами 76 026 нафар ёшларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, расмий секторга ўтказилиб, бандлигини таъминлашга кўмаклашилади.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга кўмаклашиш бўйича.

“Ёшлар дафтари” электрон платформасига 36 811 нафар ёшлар киритилиб, **58 млрд. 365 млн. сўмлик** амалий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

Жумладан, **3 818 нафар** ёшларни Замонавий касб, ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, **2 139 нафар** ёшларнинг Илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларида ўқиш харажатларини қоплаш, **4 683 нафар** ёшларга Меҳнат қуроли ёки асбоб-ускуна учун субсидия ажратиш, **7 865 нафар** ёшларнинг Таълим муассасасидаги контрактини қоплаб бериш, **4 245 нафар** ёшларга Тиббий хизмат кўрсатиш ва **14 061 нафар** ёшларга бошқа ижтимоий кўмаклар кўрсатиш режалаштирилган.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш бўйича.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш йўналишида жиноятчиликка мойиллиги бор бўлган **4 843 нафар** ёшлар рўйхати шакллантирилиб, **“Ҳаракатлар режаси”** ишлаб чиқилади ҳамда жиноятчиликка мойиллиги бўлган **4 843 нафар** ёшларнинг жиноятчилик қилишининг олдини олиш чоралари кўрилади.

Хусусан, 4 850 маротаба муҳокама йиғилишлари ўтказилади, **3 400 маротаба** индивидуал суҳбатлар ташкил этилади, **4 425 маротаба** профилактик ва психологик суҳбатлар ўтказилади.

Маҳаллаларда ёшларни “Беш ташаббус олимпиадаси”га жалб этиш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича.

Жами қамраб олинadиган ёшлар сони **962 550 нафар**;

“Беш ташаббус олимпиадаси” орқали қамраб олинadиган ёшлар сони **750 000 нафар**;

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар орқали қамраб олинadиган ёшлар сони **100 000 нафар**;

Бошқа лойиҳа ва тадбирлар орқали қамраб олинadиган ёшлар сони **112 000 нафар**.

Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш.

Жами қаамраб олинадиган ёшлар сони жами **708 210 нафар** ёшлар қамраб олинади.

Жумладан, **"Ибрат фарзандлари"** Youtube платформаси орқали **194 786 нафар**, **"Ibrat Academy"** мобил иловаси орқали **169 846 нафар**, **"UzChess"** лойиҳасига **128 503 нафар**, волонтерлик ва лидерлик лойиҳаларга **98 570 нафар** ҳамда интеллектуал ўйинларга **116 506 нафар** ёшларни кенг жалб қилиш чоралари кўрилади.

IV. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш, фармацевтика саноатини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳаси учун зарур инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак):

2023 йилда амалга оширилаётган ишлар

Вилоятнинг **4 млн. 118 минг 471 нафар** аҳолисига соғлиқни сақлаш тизимидаги **338 та** муассасалар томонидан тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Жами ўринлар сони **12032 та**. Ушбу тиббиёт муассасаларида жами **8040 минг нафар** шифокор (вакант **540 ст.**) ва **29 732 нафар** ҳамширалар фаолият олиб бормоқда.

Бирламчи тиббиёт бўғинини мутлақо янги ёндашувлар асосида тубдан ўзгартиришга киришилди, ҳар бир маҳаллада **"хонадонбай"** ишлайдиган **1 960 та тиббий бригадалари** ташкил этилди, аҳолига сифатли тиббий ёрдамни кенгайтириш мақсадида, **бирламчи тизимга 2 500 та ўрта тиббиёт ходимлари** учун штатлар ажратилди, қишлоқларда жойлашган **43 та оилавий поликлиника** янги замонавий **УЗИ** ва **ЭКГ аппаратлари** билан таъминланди, қишлоқ ва маҳаллаларда **8 турдаги янги тиббий хизматлар** йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ўтган даврда **сифатли тиббий хизматларни "маҳаллагача тушириш"** бўйича муҳим қадамлар қўйилди, жумладан, **6 та** оилавий шифокор пункти (Пахтачи туман "Кўрпа" ОШП Жомбой туман "Чаллақурғон" ОШП, Нарпай туман "Самарқанд" ва "Хужақурғон" ОШПлар, Пастдарғом тумани "Самарқанд" ОШП ва Ургут тумани "Бобур" ОШП) **4 та** оилавий поликлиник (Каттақурғон туман "Зарафшон" ОП, Пастдарғом "Фаровон" ОП, Пахтачи туман "Зиёвуддин" ОП ва Каттақурғон шаҳар 1-сон ОП) тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари маҳалларда бўш турган бинолар, шифокор уйи ва тез ёрдам шаҳобчаларида қўшимча **30 та** маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилди.

Натижада вилоятда **2023 йил 1 октябрь** ҳолатига **162** та оилавий шифокорлик пункти, **67** та оилавий поликлиника, **240** та МТП, **16** та КТМП фаолияти таъминланди;

Хабарингиз бор, 2017 йилда **187** та ҚВПлар мақбуллаштирилган. Шундан **64** таси “**103**”шаҳобчасига, **101** таси “**Шифокор учун уй-жой**”сифатида фойдаланилган.

Келгуси йилларда ушбу муассасалар фаолиятини қайта ташкил этиш чоралари кўрилади.

2023 йил якунига қадар яна **2** та оилавий шифокорлик пункти, **1** та оилавий поликлиника, **10** та МТП очилиши режалаштирилган.

Натижада яна **150** минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди.

Вилоятдаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига “**бир қадам**” тамойили асосида тиббий хизматлар яқинлаштирилди.

Жумладан,

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларигача 3 км масофада жойлашган маҳаллалар 66 фоизга етказилди (750 та маҳалла), 3-5 км гача 25 фоиз (2 80 та маҳалла)ни ташкил этади. (жами 91 фоиз)

Шунингдек, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларигача бўлган масофа **5-10 км гача 65 (6 фоиз) та** ва **10 км** дан зиёд **31 та (3 фоиз)** маҳаллада маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда ва келгусида яна **70 та** маҳаллада тиббиёт муассасалари ташкил этишга эҳтиёж бор.

2023 йилда Вилоятда фаолият кўрсатаётган **16 та** кўп тармоқли марказий поликлиникадан **3 таси** (Иштихон, Тайлоқ Пайариқ Челак филиали), **66 та** оилавий поликлиникадан **3 таси** (Пахтачи туман Тошкенжаев ОП, Самарқанд туман 33-сон ОП, Самарқанд шаҳар 3-сон ОП) **162 та** оилавий шифокорлик пунктдан **6 таси** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури йўналиши бўйича таъмирланиб топширилди, ундан ташқари **10 та** оилавий шифокорлик пункти ва оилавий поликлиникалар бошқа манбалар хисобидан таъмирланиб, иш фаолиятини бошлади.

Уларга **15 турдаги** асбоб ускуналар етказиб берилди, яна **6 турдаги** асбоб-ускуналар харид қилинади ва етказиб берилади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳар **2000 нафар** аҳолига **1 та**, жами Вилоят бўйича **1960 та** тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, оилавий шифокорга ёрдам берадиган умумий амалиёт ҳамшираси, патронаж ҳамширалари, патронаж доялар жамланди.

шифокор олди кўрик хоналари ташкил этилиб, умумий амалиёт ҳамшираси лавозими жорий қилинди ва оилавий шифокорнинг **40 фоиз** юкланмаси ўрта тиббиёт ходимлари томонидан бажарилиши белгиланди;

амалиётда кам самара берган аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий кўриклари ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича **даврий профилактик кўриklar** ва **тиббий скрининг** текширувлари ўтказилиши йўлга қўйилди;

оммавий патронаж кўриklarини мақбуллаштириб, янгиланган мақсадли патронаж тизими – **универсал-прогрессив патронаж** модели жорий қилинди ва **85 минг 344 нафардан** зиёд ҳомиладор, **350 минг . нафар** 5 ёшгача болалар, **96 минг нафар** ногиронлиги бўлган шахслар универсал-прогрессив патронаж билан қамраб олинди.

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари ва вилоят шифохоналарига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши учун **йўлланма** бевосита оилавий шифокор томонидан берилиши йўлга қўйилди;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида **кундузги стационар** иш вақти соат 20:00 га қадар узайтирилади ҳамда уларда ишловчи тиббиёт ходимлари учун 2022 йил 1 июндан бошлаб қўшимча устама ҳақ тўлаш белгиланди, натижада жами ажратилган **2059 та** ўринларда **70 минг нафар** беморга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кундузги шифохонасида уйдан ажралмаган ҳолда даволаниш имкони яратилди.

олис ва чекка ҳудудларга шифокорларни жалб этиш мақсадида олис ҳудудлар рўйхатлари **28 тадан 33 тага қадар кенгайтирилди** (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 августдаги 510-сонли қарори);

«Қишлоқ шифокори» дастури жорий этилди, бунда олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақиға қўшимча **2 миллион сўм** миқдорида ҳар ойлик устама берилиши;

уларга ўзи ишлаётган олис ва чекка ҳудуддан ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг **50 фоизгача** қисми, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши;

олис ва чекка ҳудудларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилиниши белгиланди.

Натижада олис ҳудудга **56 та** шифокор жалб этилди. Уларга. **852.6 млн. сўм** қўшимча маблағ тўлаб берилди.

Ҳозирда бирламчи бўғин **120 турдаги** дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлов материаллари билан таъминланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Унга кўра оилавий шифокорлик пунктларида **68 турдаги нозология, 15 турдаги лаборатория** (амалда 5 турдаги эди), **15 турдаги инструментал текширувлар** (амалда 10 турдаги), **78 турдаги дори дармонлар** бўлиши;

Оилавий поликлиникаларда **85 турдаги нозология, 15 турдаги лаборатория** (амалда 10 турдаги эди), **23 турдаги инструментал текширувлар** (амалда 15 турдаги), **90 турдаги дори дармонлар** бўлиши;

Кўп тармоқли марказий поликлиникада **110 турдаги нозология, 22 турдаги лаборатория, 28 турдаги инструментал текширувлар, 137 турдаги дори дармонлар** бўлиши;

Туман/шаҳар марказий шифохоналарида **257 турдаги нозология, 46 турдаги лаборатория, 28 турдаги инструментал текширувлар, 234 турдаги дори дармонлар** бўлиши назарда тутилди.

Ўтган даврда тиббиёт бригадаларининг **1465 нафар** шифокорлари ва **5 минг нафар** ўрта тиббиёт ходимлари қисқа курсларда ўқитилди ва маҳаллий тренерлар тайёрланиб, “каскад” услубида ўқитишлар давом этмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида оилавий шифокорлик пунктларига 1 аҳолига нисбатан қатновлар 2023 йилнинг 11 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,5 дан 1,7 га қадар ошди** (2022 йил 9 ойида **19,9 млн. та**, 2023 йил мос даврида **23,2 млн. та**);

Оилавий поликлиникаларга қатновлар **1,5 дан 1,6 га қадар** (2022 йил 11 ойида **26,7 млн. та**, 2023 йил 11 ойида **27,2 млн. та**);

Кўп тармоқли поликлиникаларда **8,8 дан 10,1 га қадар** (2022 йил 11 ойда **81 млн. та**, 2023 йил 11 ойида **96,6 млн. та**) ошган бўлса, “103” тез тиббий ёрдамга мурожаатлар **8,1 млн. тадан 7,9 млн. тага қадар, яъни (150,6 мингтага камайган).**

Туғиш ёшидаги 749 минг (74 фоиз) нафар аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб **663 минг** нафарида турли даражада экстрагенитал касалликлар аниқланди, уларнинг **110 минг (11фоиз)** нафари стационар шароитда ва **445 минг. (67 фоиз)** нафари амбулатор шароитда даволанди.

Вилоятда ўтган 9 ой давомида **75 820 нафар туғилиш** қайд этилган (2022 йил мос даврида **69 650 минг**) бўлиб, ўтган йилга нисбатан **6260 тага (8.9 фоиз) ошган**.

Оналар ўлими. Вилоятда 2023 йил 9 оyi давомида оналар ўлими **кўрсаткичи** 100 минг тирик туғилишга нисбатан **11,8** қайд этилиб, 2022 йилнинг шу даврида ушбу **кўрсаткич 8,6 тенг** бўлган. Оналар ўлими **кўрсаткичи Самарқанд вилоятида 8,6 дан (11,8) га ошган. Пастдарғом туманида 37,5 га. Пахтачи туманида 30,5 га. Нарпай туманида 25,3 га.**

Гўдақлар ўлими 2022 йил 11 ойда интенсив **кўрсаткичи 7,3 га** тенг бўлиб, 2023 йил шу даврида интенсив **кўрсаткичи 5.6 га камайган.**

40 ва ундан катта ёшдаги **1 млн 399 018 минг. нафар** аҳолидан **1 млн 030 198 нафар** (80,6 фоизи) юқумли бўлмаган касалликлар бўйича скринингдан ўтказилди. Уларнинг **11 426 минг нафарида** юрак қон-томир касаллиги, **2 787 минг нафарида** қандли диабет касаллиги **ҳаётида биринчи мартда** аниқланди.

910 минг 888 нафар (85,6 фоиз) 18-40 ёшли аҳоли профилактик тиббий кўриклардан ўтказилди. Уларнинг **42 223 нафари амбулатор** шароитда, **11 531 минг нафари** стационар соғломлаштирилди.

678 833 нафар аёлларнинг 565 794 нафари (83 фоиз) онкоскрининг текширувидан ўтказилди (ҳар 2 йилда 1 марта ўтказилади) ва натижада **151 нафар (0,02 фоиз) аёлларда** хавфли ўсма касаллиги аниқланган, улардан **80 нафари (52 фоиз)** нафари эрта босқичда аниқланган.

3-18 ёшли 5 777 нафар болалар гематоонкологик скрининг текширувларидан ўтказилди. Скрининг натижасида **69 нафар** болаларда гематоонкологик касаллик аниқланди.

6-23 ойлик бўлган **35 564 нафар** болалар микронутриентлар билан таъминланди;

Республика бўйича **98 055 нафар** болаларда **13 турдаги** вакциналар билан **98 фоизи** эмланди;

спинал мушак атрофияси билан касалланган **14 нафар** (эҳтиёжга кўра **100 фоиз**) болаларни даволаш мақсадида **279 қадоқ** дори воситалари етказиб берилди;

Шунингдек, **кохлеар имплантация операциялари** ўтказилиши лозим бўлган **96 нафар** болалар рўйхати шакллантирилиб, **42 нафар (44 фоиз)** болаларда **операциялар** ўтказилди. **42 нафар** болаларда **нутқ процессорлари** алмаштириши режалаштирилди.

Ўтган даврда **955 041** нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўрта мактаб ўқувчиларидан **800 866** нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Жумладан:

мактабгача таълим ташкилотларидаги жами **224 002** нафар тарбияланувчилардан **194 644** нафари (**86,6 фоиз**) тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг **36 505** нафарида (**18 фоиз**) турли хил касалликлар аниқланди. Касаллик аниқланган болаларнинг **26 776** нафарида (**73,3 фоиз**) соғломлаштириш ишлари ўтказилди.

Шунингдек, 731 039 нафар мактаб ўқувчиларининг **606 222** млн нафари (**84,0 фоиз**) тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг **153 722** нафарида (**19 фоиз**) турли хил касалликлар аниқланди. Касаллик аниқланган болаларнинг **135 246** нафарида (**88 фоиз**) соғломлаштириш ишлари ўтказилди.

Шу билан бирга, болаларни микронутриент препаратлари ва витамин-минераллар билан таъминлаш орқали соғлом ўсиш ва ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1 млн. 34 минг нафар 3-15 ёшдаги болалардан **1 млн. 3 минг нафар** (**97,6 фоиз**) болаларга **88 569 қадок, 673 111. нафар** ҳомиладор ва эмизувчи аёлларга йод препаратлари;

673 111 нафар (97 фоиз) 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларга **77 746 қадок** темир препаратлари, **834 186 дона** фолий кислотаси препарати тарқатилди;

Ихтисослашган тиббий хизмат:

Республика даражасида амалга ошириладиган **261 турдаги** жарроҳлик амалиётларидан **243 таси** вилоят даражасидаги шифохоналарда амалга оширилганлиги сабабли **5000 нафардан** ортиқ беморлар ҳудуднинг ўзида даволанди.

Вилоят даражасида амалга ошириладиган **243 турдаги** жарроҳлик амалиётларидан **65 таси** туман даражасидаги шифохоналарда амалга оширилганлиги сабабли **500 нафардан** ортиқ беморлар туманда даволанган.

Ҳозирги кунга қадар республика даражасидаги шифохоналарда юқори-технологик мураккаб операцияга муҳтож бўлган **350 нафарга** яқин беморларимиз мавжуд (*2 йил олдин ушбу кўрсаткич 5000 нафардан ортиқ эди*).

“Маҳалла” жамғармаси томонидан ажратилган **7,3 млрд сўм** маблағ эвазига имтиёзсиз, ижтимоий химояга муҳтож ва юқори

технологик оператив муолажаларни талаб қиладиган **289 нафар** беморларга **бепул** хирургик амалиётлар ўтказилди.

“**Самарқанд тажрибаси**”. Барча 16 та шаҳар/туманларда Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда юқори-технологик операцияларга мухтож эҳтиёжманд беморлар аниқланиб маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан бепул операция қилинди. Мисол учун, 2023 йилининг 6 ойида **энг оғир ҳудудлар** танлаб олиниб эҳтиёжманд аҳоли учун **3 млрд. сўм** ажратилди (1,2 млрд. сўм эҳтиёжманд хотин-қизлар учун, Нурабод (1,1 млрд. сўм) ва Иштихон туманлари (0,7 млрд. сўм) учун).

Биргина вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида **10 миллиард сўм** маблағ эвазига, давлат муассасаларида биринчилардан бўлиб иммуногенетика, молекуляр ва цитогенетика лабораторияси ташкил қилинди. Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари билан ҳамкорликда **2 нафар** беморда ўзак хўжайраси трансплантацияси (илик кўчириш) муваффақиятли бажарилди.

Хусусий тиббиёт

Вилоятимизда хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти ҳам ривожланиб бормоқда. Улар сони вилоятимизда ўтган йилдагидан **20 тага** кўпайиб, жами **656 тага** етди. Бундан ташқари, **2 та** муассаса давлат-хусусий шериклик асосида иш бошлади. Мазкур муассасаларда замонавий ускуналар ёрдамида ва хорижлик малакали мутахассислар билан ҳамкорликда ташхис қўйиш ва даволаш имкониятлари кенгайиб борапти.

Соғлом турмуш тарзи.

Вилоятда 2023 йилда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракати”ни Каттақурғон шаҳар (Қушховуз МФЙ) ва Иштихон туманида (Зарбулоқ МФЙ) танлаб олинган маҳалларда тажриба сифатида амалга оширилиб бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Ушбу ҳаракат 2024 йилда бутун вилоят ҳудудига тадбиқ этилиши режалаштирилмоқда.

Моддий-техника базаси.

Ичимлик суви билан боғлиқ муаммо Қўшробод туманида **6 та**, Пахтачи туманида **2 та**, Пайариқ туманида **4 та**, Нурабод туманида **6 та** тиббиёт муассасаларида аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПҚ-257 сон қарорига асосан 2022-2025 йиллар давомида **34 та** тиббиёт муассасаларини **ичимлик суви** билан таъминлаш режалаштирилган. 2022 йилда **8 та** муассасани ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган ва барчаси таъминланган. 2023 йилда

8 та муассасани ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар **8 та** муассаса ичимлик суви билан таъминланди.

2024-2025 йилларда **18 та** муассаса ичимлик суви билан таъминланиши режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган жиҳозлаш табелига кўра бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари **35 турдаги** тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, 2019-2021 йилларда Осиё тараққиёт банки томонидан **43 та оилавий поликлиника** янги замонавий **УЗИ** ва **ЭКГ** аппаратлари билан таъминланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 июлдаги “Корея экспорт-импорт банки билан ҳамкорликда “Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 252-сонли қарорига мувофиқ **ЕДСФ лойиҳаси** доирасида жами **10 млн. долларлик** қўшимча **35 турдаги** юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган (16 дона С-ARM рентген ускунаси, 3 дона рақамли стационар рентгенография ускунаси принтери билан, 10 дона УТТ (доплер+кардиодатчик билан), 1 дона ЭЭГ, 15 дона видеобронхоскоп+видеогастроскоп, 8 дона лапароскоп, 15 дона наркоз аппарати, 16 дона плазмали стерилизатор, 29 дона ЛОР комбайн, 3 дона эндоскопик қурилма Лор учун, 3 дона Лор микроскоп, 2 дона лор жарроҳлик тиббий ускуналар тўплами).

Шу кеча-кундузда Осиё тараққиёт банкининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида **6 турдаги 60 дона** умумий қиймати **0,5 млн. долларлик** тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланади.

Рақамлаштириш. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида рақамлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида 2021 йиллар давомида **50 та**, 2022-2023 йиллар давомида **374 та** давлат тиббиёт муассасалари ички локал тармоқ билан тўлиқ таъминланди.

Республикада йўлга қўйилган “электрон поликлиника” тизимида **350 дан** ортиқ бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ишламоқда. 2023 йил 1 октябрь ҳолатига **4 млн** дан ортиқ аҳоли электрон ахборот тизими орқали **БТСЁМ** ларига бириктирилди.

Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида жами **27 та** тиббий ҳисоб

шаклларида биринчи босқичда 16 та тиббий ҳисоб шакллари, иккинчи босқичда 11 та шакллари қоғоз шаклида юритишни жорий йил якунига қадар рақамлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Бугунги кунда **Электрон ахборот тизимида** орқали **кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик ҳисоботларни** олиш имконияти яратилди.

10-Халқаро касалликлар таснифи бўйича **барча турдаги касалликлар** бўйича ҳисоботларни электрон дастурда **кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик ва йиллик** тайёрлаш имкониятлари мавжуд.

Молиявий ислохотлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.05.2022 йилдаги ПФ-136-сон Фармонига асосан Тиббиёт жамғармасига умумий харажатларининг **10 фоизи** (*бирламчи, шошилинч, ТТЁ, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган йўналишдаги муассасалар*) ва қолган муассасаларга эса **5 фоиз** этиб белгиланди ва улардан **75 фоизи** ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилди.

Аввалги тартибларда эса 5 фоизгача ажратилиб, (ҳақиқатда эса 3-4 фоизи ажратилган) улардан бор йўғи 25 фоизигина рағбатлантиришга йўналтирилган эди.

Ходимларга устама ва рағбатлантириш тўловларини тўланиши.

Вилоят миқёсида мазкур тўловларни муассасалар кесимида ўтган 9 ой мобайнида тўланиши ўрганилганда жами **9 632 нафар** ходимга самара кўрсатган ходимларга бериладиган **75 ва 100 фоизлик** устама учун **23,2 млрд. сўм**;

136 нафар ёш салоҳиятли шифоркорларга **1 млн. сўмлик** устама учун **625,2 млн. сўм**;

178 нафар кундузги стационарда соат **20-00** гача ишлаганлиги учун **30 фоизлик** устама учун **735,4 млн. сўм**;

56 нафар олис ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга **2 миллион сўмлик** устама учун **852,6 млн. сўм**;

99 нафар юқори технологик операцияларни ўтказганлиги учун **25 фоизлик** устама учун **265,1 млн. сўм**;

51 нафар илмий даражаси учун **30-60 фоизгача** устама учун **249,4 млн. сўм** тўлаб берилган.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида қуйидаги ишлар **амалга оширилиши режалаштирилди.**

Биринчидан,

2024 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилади;

Иккинчидан,

Ихтисослашган тиббий хизматларни янада яхшилаш мақсадида янги турдаги жарроҳлик амалиётлари жорий этилади, жумладан болаларда суюк кўмиги ва буйрак трансплантацияси, катталарда жигар трансплантацияси вилоят шифокорлари томонидан мустақил амалга оширилади.

Учинчидан,

Келгусида 150 қатновга мўлжалланган вилоят ўсмирлар ва талабалар поликлиникасини ташкил этилади.

Тўртинчидан,

Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар йили 40 ёшдан ошган 1.1 млн нафар аҳолини юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет касалликларини эрта аниқлаш мақсадида скрининг ўтказилади, 500 минг. нафар аёлларда онкоскрининг, 36 минг нафар диабет, 50 минг юрак-қон томир касаллигини даволаш ва 11 минг нафар онкологик беморларни даволаш.

Натижада касалликларни эрта аниқлаш 70 фоизга етказилади. Юқумли бўлмаган касалликлардан ногиронлик ва эрта ўлим 2.5 баробар камайтиради.

Бешинчидан,

Каттақурғон шаҳрида замонавий кардиология маркази ташкил этилиб, атрофдаги ҳудуд аҳолисига сифатли кардиологик ва кардиожароҳлик хизматлари йўлга қўйилади.

Олтинчидан,

Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида туман (шаҳар)ларда фаолият кўрсатётган шифокорларни малакасини чет давлатларда ошириш мунтазам равишда йўлга қўйилади.

Еттинчидан,

Аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маҳаллаларда эрталабки бадантарбия ва кечки сайрларни ташкиллаштириш, нотўғри овқатланадиган аҳоли улушини 32 фоизга, етарлича жисмоний фаолликка эга бўлмаган аҳоли улушини 22 фоизга камайтириш режалаштирилган.

Саккизинчидан, таълим муассасаларига таркибида трансёғ, туз ва шакар миқдори кўп бўлган маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш, сотилишини чеклаш, болаларни антигельминт ва йод препаратлари

билан таъминлаш, мактаб муассасаларига тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи машғулотларини киритиш

Тўққизинчидан. Ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига масъуллигини ошириш мақсадида, ОАВ, ижтимоий тармоқда соғлом турмуш тарзи ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш, тиббиётни ёритадиган журналистларни ўқитиш, маҳаллада саломатлик бурчаги ва фитобарларни ташкил этиш, фуқароларнинг ўзи ва фарзанди саломатлигига масъуллигини белгилаш, “Саломатлик алифбоси” қўлланмасини яратиш ва хонадонларга тарқатиш ва бунинг **натижасида** аҳоли орасида тиббий маданият ошади.

Ўнинчидан. Ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига масъуллигини ошириш мақсадида, ОАВ, ижтимоий тармоқда соғлом турмуш тарзи ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш, тиббиётни ёритадиган журналистларни ўқитиш, маҳаллада саломатлик бурчаги ва фитобарларни ташкил этиш, фуқароларнинг ўзи ва фарзанди саломатлигига масъуллигини белгилаш, “Саломатлик алифбоси” қўлланмасини яратиш ва хонадонларга тарқатиш ва бунинг **натижасида** аҳоли орасида тиббий маданият ошади.

Ўнинчидан. **486 минг. нафар 55** ва ундан катта ёшдаги аҳолини ҳар йили профилактик кўриқдан ўтказиш. “Кексалик гашти” енгил спорт мусобақаларини ўтказиб бориш.

Аҳолининг кенг қатламларини спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, ҳудудда спортни ривожлантириш ҳамда спорт учун зарурий инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; (аниқ сон ва рақамлар асосида):

Самарқанд вилоятида **24 та** олимпия, **4 та** миллий, **1 та** қишки спорт турлари, **32 та** ноолимпия спорт тури бўйича федерация, **1 та** Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси вилоят бўлими, **2 та** жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда **1 та** спорт кенгаши жами

65 та спорт ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

2023 йил давомида туман (шаҳар)лар кесимида **4 та** чоракка тақсимланган ҳолда жами **688 та** (шундан, 1-чорак 162 та, 2-чорак 170 та, 3-чорак 176 та, 4-чорак 180 та) спорт йўналишида ташкил этилган маҳаллий, республика ва халқаро тадбирларнинг ташкил этилиши белгиланган бўлиб, амалда **782 та** (11-ой давомида режага нисбатдан 94 та ортиқ, ёки 105,3%) спорт тадбирлари ташкил этилди.

Самарқанд вилоятида жорий йил бошидан бугунги кунга қадар спорт соҳасида самарали ишлар ташкил қилинди, шунингдек вилоятимиз спортчилари томонидан Ўзбекистон чемпионати (кубоглари)да **4957 та** (1388 та олтин, 1268 та кумуш, 1701 та бронза), Жаҳон, Осиё ва халқаро спорт мусобақаларда спорт мактаби шуғулланувчилари **627 та** (208 та олтин, 179 та кумуш, 240 та бронза) медални қўлга киритди.

Шунингдек, Жорий йил **23 сентябрь – 8 октябрь** кунлари Ханчжоу шаҳрида **XIX ёзги Осиё ўйинлари** бўлиб ўтди ва унда **45 та мамлакат** спорт

жамоаларидан **12 000** нафарга яқин спортчилар иштирок этди. Бунда, Ўзбекистон делегацияси **32 та олимпия** ва **6 та ноолимпия** спорт тури бўйича жами **390 нафар** спортчи қатнашди.

Ушбу мусобақаларда вилоятимиздан **48 нафар** спортчи иштирок этишди.

Осиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси **22 та олтин, 18 та кумуш** ва **31 та бронза** медалларини қўлга киритди (жами 71 медаль). Бу тарихдаги энг яхши натижамиз бўлди (аввалги энг яхши натижамиз: **20 та олтин, 24 та кумуш** ва **25 та бронза** — 2018 йил).

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон **5-ўринни** эгаллади (Хусусан, 1-ўрин **Хитой**, 2-ўрин **Япония**, 3-ўрин **Жанубий Корея**, 4-ўрин **Ҳиндистон**).

Жумладан, Ушбу халқаро спорт мусобақасида **вилоят** спортчилари томонидан **жами 13 та медал** (5 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза)ни қўлга киритди.

Маълумот учун:

олтин медал-дзюдо Диёра Келдиярова (24.09.2023 й.);

олтин медал-академик эшкак эшиш (M4- дастури) Шехроз Ҳакимов, Даврожон Давронов, Дилшоджон Худойбердиев (25.09.2023 й.);

олтин медал-енгил атлетика Шарифа Давронова (04.10.2023 й.);

олтин медал-бадий гимнастика (жамоавий дастур) Тахмина Икромова ва Вилана Савадян (06.10.2023 й.);

олтин медал-бадий гимнастика (яккаликнинг кўпкураш дастур) Тахмина Икромова (07.10.2023 й.);

кумуш медал-академик эшкак эшиш (M2 дастури) Шехроз Ҳакимов ва Дилшоджон Худойбердиев (24.09.2023 й.);

кумуш медал-академик эшкак эшиш (LW2x жуфтлик дастури) Тагматова Малика (24.09.2023 й.);

кумуш медал-академик эшкак эшиш (M4x дастури) Шаҳзод Нурматов, Собиржон Сафаралиев (25.09.2023 й.);

кумуш медал-дзюдо Бобонов Давлат (26.09.2023 й.);

кумуш медал-дзюдо (жамоавий дастур) Бобонов Давлат ва Келдиярова Диёра (27.09.2023 й.);

бронза медал-академик эшкак эшиш (LW2x жуфтлик дастури) Шаҳзод Нурматов ва Собиржон Сафаралиев (24.09.2023 й.);
бронза медал-бокс Нигина Уктамова (03.10.2023 й.);
бронза медал-шахмат (жамоавий) Жаҳонгир Вахидов (07.10.2023 й.).

Жорий йил **22-28 октябрь** кунлари Ханчжоу шаҳрида **IV ёзги Параосиё ўйинлари** бўлиб ўтди ва унда **42 та мамлакат** спорт жамоаларидан **4 000 нафарга** яқин спортчилар иштирок этди. Бунда, Ўзбекистон делегацияси **11 та паралимпия** спорт тури бўйича жами **108 нафар** спортчи қатнашди.

Ушбу мусобақаларда вилоятимиздан **12 нафар** спортчи иштирок этишди.

Параосиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси **25 та** олтин, **24 та** кумуш ва **30 та** бронза медалларини қўлга киритди (жами 79 медаль). Эътиборлиси, бу Ўзбекистон делегациясининг Пара Осиё ўйинлари тарихида медаллар сони бўйича энг яхши натижаси бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон **8-ўринни** эгаллади (Хусусан, 1-ўрин **Хитой**, 2-ўрин **Эрон**, 3-ўрин **Япония**, 4-ўрин **Жанубий Корея**, 5-ўрин **Ҳиндистон**, 6-ўрин **Индонезия**, 7-ўрин **Таиланд**).

Жумладан, Ушбу халқаро спорт мусобақасида **вилоят** спортчилари томонидан **жами 8 та** медал (2 та олтин, 1 та кумуш, 5 та бронза)ни қўлга киритди.

Маълумот учун:

олтин медал-пара-дзюдо Кемрон Нуриллоев (23.10.2023 й.);

олтин медал- пара-енгил атлетика Куборро Ҳақимова (27.10.2023 й.);

бронза медал-пара-енгил атлетика Сарвар Азимов (23.10.2023 й.);

бронза медал-пара-таэквондо Санжар Мухторов (23.10.2023 й.);

бронза медал-пара-енгил атлетика Урганч Эгамназаров (23.10.2023 й.);

бронза медал- пара-дзюдо Улжон Амриева (23.10.2023 й.);

бронза медал-пара-енгил атлетика Ҳусниддин Норбеков (25.10.2023 й.);

бронза медал-пара-академик эшкак эшиш Гулчирой Эсонбоева (28.10.2023 й.).

2023 йилнинг 11 ой давомида Самарқанд **6 та халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилди.**

Жумладан;

- **25 – 30 апрел** кунлари Самарқанд эшкак эшиш каналида байдарка ва каноода эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳамда параканоода эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатини;

- **24 - 29 апрел** кунлари Самарқанд шаҳрининг Динамо теннис мажмуасида ИТФ туркумига кирувчи ITF J-30 ўсмирлар қизлар ўртасида халқаро мусобақаси;

- **9 – 11 июн** кунлари Самарқанд эшкак эшиш каналида триатлон бўйича “2023 Asia Triathlon Cup Samarkand” халқаро мусобақаси ва Ўзбекистон чемпионати;

- **26 – 30 июн** кунлари Самарқанд шаҳри (Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби)да баскетбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасида Осиё чемпионатида саралаш (квалификация турнири) мусобақалари;

- **15 – 17 сентябр** кунлари Самарқанд эшкак эшиш каналида триатлон бўйича “**Challenge Samarkand**” халқаро мусобақаси ва Ўзбекистон чемпионати;

- **4 – 5 ноябр** кунлари Самарқанд шаҳрида “**Samarkand Marathon**” халқаро марафони юқори савияда ташкил этилди.

2023 йил **11 ой** давомида Ўзбекистон чемпионати (кубоги)да **4957 та** (1388 та олтин, 1268 та кумуш, 1701 та бронза), жаҳон, Осиё ва халқаро спорт мусобақаларда вилоят спортчилари **627 та** (208 та олтин, 179 та кумуш, 240 та бронза) медални қўлга киритди.

Маълумот учун.

Жорий йилнинг **4 – 14 август** кунлари **Минск** шаҳри (**Беларуссия**)да “**II-МДХ ўйинлари**” спорт мусобақасида **41 нафар** вилоят спортчилари иштирок этиб, **17 та** (4 та олтин, 2 та кумуш, 11 та бронза) медални қўлга киритди.

Жорий йилнинг **23 сентябрь – 8 октябрь** кунлари **Ханчжоу** шаҳри (**Хитой**)да **XIX ёзги Осиё ўйинлари**да **48 нафар** вилоят спортчилари иштирок этиб, **13 та** (5 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза) медални қўлга киритди.

Жорий йилнинг **23-29 октябрь** кунлари **Ханчжоу** шаҳри (**Хитой**)да **IV ПараОсиё ўйинлари**да **12 нафар** вилоят спортчилари иштирок этиб, **8 та** (2 та олтин, 1 та кумуш, 5 та бронза) медални қўлга киритди.

Спорт турлари бўйича вилоятимиздан Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибига 2023 йил учун **1232 нафар** (асосий таркибга

750 нафар, захира таркибга 482 нафар) спортчи қабул қилинган.

Бугунги кунда вилоятда **12 та** Паралимпия спорт турлари (спортнинг пара-дзюдо, пара енгил-атлетика, паурлефтинг, парасузиш, пара-каноэ, пара-таэквондо, пара-бадминтон, пара-стол тенниси, пара-камондан отиш....) мавжуд бўлиб, ушбу спорт турларида **504 нафар** (шундан 112 нафари қизлар) ёшлар шуғулланиб келишмоқдалар уларга **51 нафар малакали мураббийлар** машғулотлар олиб боришмоқда.

Самарқанд вилояти бўйича Олимпия ва Паралимпия ўйинларига ҳудудий Дастури ишлаб чиқилган ва амалга тадбиқ этилган.

Бугунги кунда **2024 йил Париж Олимпия ва Паралимпия ўйинларига** вилоятимиздан **9 та** спорт тури бўйича **19 нафар** спортчилари, Паралимпия бўйича **4 нафар** спортчилар **2 та** параспорт турлари бўйича номзод сифатида саралаб олиниб, уларга зарур шарт-шароитлар яратилган.

Маълумот учун.

олимпия ўйинлари

бадий гимнастика бўйича - Тахмина Икромова;

юнон-рум кураши бўйича - Ислон Бахромов;

бокс бўйича - Нигина Ўктамова.

паралимпия ўйинлари

параенгил атлетика - Хусниддин Норбеков;

параенгил атлетика - Кубаро Ҳакимова;

параенгил атлетика - Урганчбек Эгамназаров.

Жумладан Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган номзод спортчиларга барча зарур шароитларга эга бўлган асосий ва ёрдамчи спорт базалари сифатида **34 та** спорт иншоотлари бириктирилган.

Қурилиш соҳасида

Вилоятда спортни ривожлантириш мақсадида 2022 йилда Самарқанд шаҳри, "Қорасув" массивида **154 ўринли** ҳамда **154 ётоқ ўринли Футбол маҳорати мактаби** қуриб фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларига Республика бюджетидан **11 млрд. 300 млн.** сўм маблағ ажратилди.

2023 йилда **Иштихон тумани спорт мактабига** қарашли стадионда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **3,5 млрд.** сўмлик қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди.

1 млрд. 140 млн. сўмлик "Опен бюджет" маблағлари ҳисобидан барпо этилаётган **Қўшрабат тумани спорт мактаби** асосий биносининг қурилиши айни вақтда давом этмоқда.

Нарпай тумани спорт мактабини жиҳозлаш учун **560 млн.** сўм маблағ ажратилди.

Инвестиция дастури асосида **Булунғур туман спорт мактаби учун 3 млрд. сўмлик** маблағ эвазига янги енгил кострукциядан 18x30 ўлчамдаги спорт зал қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Республика бюджети ҳисобидан 2023 йилда **25 та** Workout майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилди. **16 та** спорт майдончаларини қуриш ишлари бошланган. 2023-2025

йилларда Самарқанд гимнастика маркази учун **160 ўринли** ётоқхона, **140 ўринли** ошхона, 42x66 м ўлчамдаги **1 та** спорт залини қуриш режалаштирилган. Айни вақтда қурилиш ишлари давом этмоқда.

“Беш ташаббус олимпиадаси”:

Самарқанд вилоятида умумий аҳоли сони **4 137 867** нафарни ташкил этиб, шундан **7-30** ёшлилар сони **1 700 735** нафарни ташкил этади.

2023-йилнинг 1-апрелдан 22-июнга қадар “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг 1-мавсумига старт берилди. Спортнинг стритбол, воркоут, шахмат, шашка, енгил атлетика, футбол ва мини-футбол ҳамда пара спорт тулари бўйича **4-босқичли спорт мусобақалари** вилоятнинг барча туман (шаҳар)ларида юқори савияда ўтказилди. Ушбу мусобақаларга жами **1 126 та** маҳаллалардан **347 538** нафар маҳалла ёшлари қамраб олинди.

Вилоят босқичида ғолиб бўлган жамоаларнинг **89** нафари республика босқичида иштирок этиб, спорт турлари бўйича **16 та** олтин, **9 та** кумуш ва **12 та** бронза медалларни қўлга киритди. Самарқанд вилояти жами **37 та** медал билан умум жамоа ҳисобида **1-ўринни** қўлга киритишди.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг **2-мавсуми мусобақалари жорий йилнинг 11-сентябрдан 4-декабрига қадар ўтказилди.** Спортнинг волейбол, кураш, гимнастрада, футбол ва мини футбол тулари бўйича беш босқичда барча туман (шаҳар)лардаги **1126 та** маҳаллалардан **97 715** нафар ёшлар қамраб олинди.

Вилоят босқичида ғолиб бўлган жамоаларнинг **93** нафари республика финал босқичида иштирок этиб, шундан спорт турлари бўйича **3 та** олтин, **1 та** кумуш ва **2 та** бронза медалларни қўлга киритди. **2-мавсумда Самарқанд вилояти жами 6 та медал билан умум жамоа ҳисобида 3-ўринни** қўлга киритди.

2023-йил “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг умумий натижалари якунига кўра, Самарқанд вилояти 1-ўринни эгаллади.

“Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5148-сон қарорига асосан бу йил биринчи марта аҳолининг кенг қатламидан ихтиёрий ва махсус талаблар бўйича **“Жисмоний тайёргарлик даражаси”** спорт синовлари қабул қилинмоқда.

Биринчи босқичда, мазкур спорт синовларига турли идора ва ташкилот ходимлари қамраб олинди.

Вилоятимиздаги давлат идоралари ва ташкилотларининг **7 000** нафар ходимлари спорт синовларида иштирок этиш истагини билдириб, my.sport.uz платформасида "Жисмоний тайёргарлик даражаси" спорт синовларини топшириш учун ариза қолдиришди.

Биринчи босқичда вилоятимизнинг **16** та туман-шаҳарларидаги **247** та давлат идоралари ва ташкилотларда ишловчи **6 959** нафардан ортиқ ходимлар "Спорт синовлари"ни топширди ҳамда норматив талабларини бажарган ходимлар сертификат олишди.

Иккинчи босқичда вилоятда танланган **32** та умумий ўрта таълим мактабларининг my.sport.uz платформаси орқали ариза келиб тушган

8 469 нафар ўқувчилардан "ихтиёрий талаблар" асосида "**Жисмоний тайёргарлик даражаси**" спорт синовлари қабул қилинди.

"Махсус талаблар"ни бажариш учун аҳолидан **2 541** та ариза тушди. Махсус талабларни бажарган **47** нафар иштирокчилар рағбатлантирилди.

Оммавий спорт тадбирлари:

Жорий йилда **1 271** та мактабгача ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг қувноқ стартлар, шашка, енгил атлетика, стол тенниси, мини футбол ҳамда волейбол турларидан мусобақалар ўтказилди. Ушбу спорт тадбирларига жами **58 282** нафар ўқувчи ёшлар жалб қилинди.

71 та профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спортнинг шашка, шахмат ва волейбол турларидан мусобақалар ўтказилди. Мазкур мусобақаларда **1 242** нафар ўқувчилар иштирок этишди.

15 та олий таълим муассасалари талабалари ўртасида спортнинг мини футбол, стол тенниси, волейбол, стритбол ва енгил атлетика турларидан ўтказилган мусобақаларга **12 795** нафар талабалар жалб қилинди.

Аҳолининг турли ёш қатлами ўртасида "Барча рекордлар бизники", "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида спорт тадбирлари, "Футболимиз келажаги", "Маҳаллада футбол", "Чарм тўп", "Ҳоким кубоги", "Раҳбар кубоги" "Рекорддан-янги рекордга!", "Гиёҳванд моддаларга қарши!", ҳамда "Муҳими ғалаба қозониш эмас, балки қатнашиш!" шиорлари остида оммавий мусобақалар ташкил этилди.

2023-йилда ўтказилган оммавий спорт тадбирларига жами: 517 512 нафар ёшлар жалб қилинди. Шунингдек, "Янги нафас", "Саве Арал" номли оммавий югуриш мусобақаларида **35** минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари фаол иштирок этишди.

Самарқанд вилоятида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида Каттакўрғон тумани “Чўянчи” маҳалласи, Иштихон тумани “Чиғатой” маҳалласи, Пастдарғом тумани “Олтиқаҳрамон” маҳалласи, Оқдарё тумани “Янгиқўрғон” маҳалласи, Нарпай тумани “Салавот” маҳаллаларида “Конституция халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!” шиори остида спортнинг юриш ва югуриш турлари бўйича тадбирлар юқори савияда ташкил этилиб, ушбу тадбирларда **8 000** минг нафар аҳоли вакиллари жалб этилди.

2023 йилда ўтказилган оммавий спорт тадбирларига вилоят аҳолисининг 26 фоизи (1 080 719 нафар) қамраб олинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари комплекси

Вилоятнинг жами ер майдони **420,5** минг гектарни, шундан сувли ерлар **259,9** минг гектарни, лалми ерлар **242,2** минг гектарни, лалми ерлар **178,3** минг гектарни ташкил қилади.

Ушбу ерлардан самарали фойдаланиш ҳисобига вилоятмизнинг **4,2** млн. нафар аҳолисини йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш энг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби ва эҳтиёжнинг қондирилиши қуйидигача:

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Талаб	Ишлаб чиқариш	%	Фарқи +,-
Картошка	Тн	355	709	199	354
Пиёз	Тн	136,7	210	153	73,3
Сабзи	Тн	136,2	195	143	58,8
Ўсимлик мойи	Тн	82,4	162,3	196,9	79,9
Гўшт	Тн	123730	162400	131,2	1500,2
Парранда гўшти	Тн	37368	178000	476,3	140632
Тухум	Млн. дона	864	1489	172,3	625
Сут	Тн	1289000	1532794	119	243794
Балиқ	Тн	29000	31500	108,6	2500
Гўшт	Тн	123730	162400	131,2	1500,2
Ун	Тн	571,2	842,9	147,5	271,2

Вилоятда 2023 йил картошка билан **3 та**, пиёз билан **6 та**, ун билан **3 та**, ўсимлик мойи билан **4 та**, гўшт билан **2 та**, парранда гўшти билан **3 та**, тухум билан **2 та**, сут билан **14 та** туман ўзини-ўзи таъминлайдиган туманлар қаторига қўшилди.

Аҳолининг ушбу эҳтиёжини қондириш, ошиқча етиштирилган маҳсулотларни бошқа вилоятларга сотиш ҳамда экспортни кўпайтириш мақсадида қуйидаги йўналишларда иш олиб борилмоқда.

1. Ерларни ўзлаштириш, ерга-ер қўшиш.

Ерларни ўзлаштириш, ерга-ер қўшиш, шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш учун:

Кейинги беш йилда ўзлаштирилган майдонлар **84,4 минг** гектарга (шундан қайта фойдаланишга киритилган сувли ерлар **16139 га**, ўзлаштирилган лалми ерлар **68237 га**) етказилиб, жами **4549 дона** тик қудуқлар қазилди.

Бугунги кунда ўзлаштирилган майдонлардан йилига **1 млн** тоннадан ошиқ ёки **700 млрд.сўм** атрофида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Энг асосийси, **8 мингдан** ошиқ аҳолининг бандлиги таъминланди.

2023 йилда жами **6420 гектар** ўзлаштирилди, шундан **665 гектари** сувли ерлардан қайта фойдаланишга киритилган бўлса, **5755 гектар** лалми ерлар ўзлаштирилди.

Бунинг учун, **141,24 млрд.** сўмлик ишлар бажарилиб, **214 дона** тик қудуқлар қазилди. Ушбу ўзлаштирилган ерларга **2,8 минг** гектарда янги боғлар ҳамда **3,3 минг** гектарда янги узумзорлар барпо қилинди, **1,2 минг** та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда **2024 йилда** ҳам бу ишлар давом эттирилиб, **6871 гектар** ерларни, шундан **26 гектар** сувли ерларни фойдаланишга киритиш, **6845 гектар** лалми ерларни ўзлаштириш ҳамда **230 дона** тик қудуқларни қазитиш ишлари амалга оширилади, бунинг учун **219,9 млрд.** сўм маблағ киритиш белгиланган.

Вилоятда **2024-2026 йилларда** яна **21,44 минг** гектар ерлар фойдаланишга киритилиб, йилига қўшимча **321,5 минг** тонна ёки **670 млрд.** сўмлик маҳсулот етиштирилади.

Дала чети- вилоятдаги **9713 та** фермер хўжаликларининг **3980 гектар** дала четларига жами **13,4 млн.** кўчат экилади, шундан **5541 дона** тут, **728 минг дона** узум, **4965 минг дона** терак, **2187 минг** дона олча, бодом ва бошқа иқтисодий даромад берадиган дарахт кўчатлари ҳамда **570 гектари** сабзавот, ошқовоқ каби экинлари экилди.

Мисол учун, Булунғур туманидаги “Шохжахон ЖСД” фермер хўжалиги дала четида 60 сотик ошқовоқ экиб, 19 тонна ҳосил олди ёки 23, млн. сўм даромад қилди.

Дала чети- вилоятдаги **9713 та** фермер хўжаликларининг **3980 гектар** дала четларига жами **13,4 млн.** кўчат экилади, шундан **5541 дона** тут, **728 минг дона** узум, **4965 минг дона** терак, **2187 минг** дона олча, бодом ва бошқа иқтисодий даромад берадиган дарахт кўчатлари ҳамда **570 гектари** сабзавот, ошқовоқ каби экинлари экилди.

Мисол учун, Булунғур туманидаги “Шохжахон ЖСД” фермер хўжалиги дала четида 60 сотик ошқовоқ экиб, 19 тонна ҳосил олди ёки 23, млн. сўм даромад қилди.

Ушбу дала четларини фойдаланишга киритиш орқали **9949 нафар** аҳолининг бандлиги таъминланиб, келгусида **301,4 млрд.** сўм даромад олиниши кутилмоқда.

Суғориш тармоқлари- суғориш тармоқлари атрофидаги **3058 гектар** гектар бўш ерларни фойдаланишга киритиш ҳамда сув омборларида **4500 гектар** ерларни тизим ташкилотлари ишчилари ва аҳолига бўлиб бериш ҳисобига **51 минг та** янги иш ўринлари яратилади ёки шунча хонадоннинг оилавий даромади ошишига эришилади.

2. Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтириш.

2023 йилда жами 6,0 млн. тонна ёки **52,3 трлн.** сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Шундан, **1 млн 943 минг тонна** сабзавот (*322,7 минг тонна пиёз, 280 минг тонна сабзи*), **174,0 минг.** тонна полиз, **931 минг тонна** картошка, **66,2 минг тонна** дуккакли (*45,6 минг тонна мош, 20,6 минг тонна фасол*), **15 минг тонна** мойли экинлар ҳосили, **390,6 минг тонна** мева йиғиштириб олинди. Бундан ташқари, **2,5 млн. тонна** чорва озуқаси, **22 тонна** доривор ўсимликлар етиштирилди.

Бундан ташқари, **1,5 млн. тонна** чорва озуқаси, **22 тонна** доривор ўсимликлар етиштирилди.

Ҳосилдорликнинг оширилиши ҳисобига, ўтган йилга нисбатан **26,9 минг тонна** сабзавот, (*шундан 12,2 минг тонна пиёз, 14,7 минг тонна сабзи*), **15,8 минг тонна** полиз, **13,1 минг тонна** картошка, **1,7 минг тонна** мойли, **9,6 минг тонна** дуккакли, **16,8 минг тонна** мева ва узум (*шундан 10 минг тонна мева, 6,8 минг тонна узум*) ҳосили кўп етиштирилди.

Шунга яраша олинган даромад ҳам **2,6 трлн.** сўмга ошишига эришилди.

Ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қуйидаги манбаалар ҳисобидан етиштирилди.

Хусусан, **259,7 минг гектар** асосий майдонларда **2,968 млн.** тонна, **7,3 минг гектар** боғ-токзорлар орасидан **162,3 минг тонна**, **25,2 минг гектар** томорқа ерларидан **765,3 минг тонна**, **27753 гектар** тўқсонбосди экинларидан **408 минг тонна**, **82060 минг гектар** такрорий экинлардан **2 млн. тонна**, **33,5 минг гектар** лалми ерлардан **149,9 минг тонна**, **16,9 минг гектар** деҳқон хўжалиги ерларидан

193,2 минг тонна, 474 гектар иссиқхоналардан **24,4 минг тонна, 570 гектар** дала четларидан **6,5 минг тонна** сабзавот, полиз, ҳосили йиғиштириб олинди.

2024 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни **104,8 фоизга** ошириш кўзда тутилмоқда.

2024 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни **105,5 фоизга** ошириш кўзда тутилмоқда.

3. Мевали боғ ва узумзорлар барпо қилиш бўйича.

Боғ майдонлари **2018 йилдаги** 18 минг гектардан **36 минг гектарга** (+18 минг), узумзорлар 26 минг гектардан **43 минг гектарга** (+17 минг) етказилди.

2023 йилда **3000 гектар** боғ ва **8100 гектар** узумзорлар барпо қилинди.

2024 йилда **3000 гектар** боғ ва **12000 гектар** узумзорлар барпо қилинади.

Вилоятда **2030 йилгача** яна **12 минг гектарда** интенсив боғлар, **11 минг гектарда** янги узумзорлар барпо этилади. Натижада, 2030 йилга бориб, интенсив боғ майдонлари **48 минг гектарга**, узумзорлар **54 минг гектарга** етказилади.

4. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш.

2018 йилга нисбатан қорамол **169,2 минг** бошга ёки 111,0 фоизга, қўй-эчкилар **254,4 минг** бошга ёки 110,6 фоизга, балиқ хавзалари **280 гектарга** ёки 103,0 фоизга, асалари оилалари **69684 тага** ёки 346 фоизга ўсишга эришилди.

Натижада, ўтган йилга нисбатан қорамоллар **53,3 минг** бошга, (103,2 %), қўй-эчкилар **66,0 минг** бошга (102,6 %), паррандалар **2,2 млн.** бошга (116,4%), балиқчилик сунъий сув хавзалари **2,1 минг** гектарга (100,0%), асалари оилалари **11294 тага** (113,0 %) етказилди.

Бугунги кунда, вилоятда **876 та** қорамолчилик, **155 та** қўй-эчкичилик, **213 та** паррандачилик, **513 та** балиқчилик, **62 та** асаларичилик хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Улар томонидан кейинги **беш йил давомида** четдан **37,8 минг** бош насли қорамол, **57,1 минг** бош қўй-эчки олиб келинди.

Шундан, **2023 йилда** четдан **1,2 минг** бош насли қорамол, **9,0 минг** бош қўй-эчки олиб келинди.

Соҳада наслчиликни яхшилаш мақсадида асосан **Абердин ангус, симментал, герофорт, голштин, қора ола қорамол зотлари, хисори, эдилбой, арашан, допер каби** қўй зотлари келтирилмоқда.

Вилоятда **2023 йилда** қиймати **1,1 трлн.** сўмлик **458 та** чорвачилик лойихалари, шундан қорамолчиликда **388 та**, қўй-эчкичиликда **10 та**, паррандачиликда **25 та**, балиқчиликда **29 та**, асаларичиликда **5 та** ташкил этилди.

*Мисол учун, Нуробод туманидаги “Боротбой Нуробод далалари” фермер хўжалигида тухумчилик йўналишида паррандачилик комплекси ишга туширилиб, **100 минг бош** парранда боқиш йўлга қўйилди.*

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш ҳисобига **2023 йилда 329,1 минг тонна** (107,5%) гўшт, шундан **166,0 минг тонна** (118,5 %) парранда гўшти, **1464,1 минг тонна** (107,4 %) сут, **1,5 млн. дона** (116,7 %) тухум, **28,0 минг тонна** (167,6 %) балиқ, **2,5 минг тонна** (211,7 %) асал етиштирилди.

2024 йилда гўшт ишлаб чиқариш **101,6 фоизга**, парранда гўшти **106,7 фоизга**, тухум **107,0 фоизга**, балиқ **112,5 фоизга**, асал **108,0 фоизга** етказиш мўлжалланмоқда.

-чорвачилик (сутчилик) йўналишида лойиха қиймати **10,5 минг мол бош** сонига мўлжалланган **чорвачилик комплексларини ташкил қилиш** ва **1,1 минг нафар** янги иш ўринларини яратиш;

-асаларичилик йўналишида **24 минг дона асалари** оилаларини **2,4 минг нафар фермерларга** етказиб бериш ва **2,4 минг нафар** янги иш ўринларини яратиш;

5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда экспортга чиқариш бўйича.

Вилоятимизда қуввати **182 минг тонналик 187 та сақлаш омборхоналари** мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг **27 фоизини** сақлаш имконияти бор.

2023 йилда қуввати **15,7 минг тонналик 16 та** сақлаш омборлари ташкил қилинди. Натижада, сақлаш қуввати **2018 йилдаги 8 фоиздан, 2023 йилда 27 фоизга** етказилди.

Мисол учун, Ургут туманида “SUN FRUITS GARDEN” МЧЖ томонидан 1000 тонна, Нарпай туманида “НАРПАЙ ХОЛОД” МЧЖ томонидан 1000 тонна, Тойлоқ туманида MUBINA OYDIN KUZMUNCHOQLARI” МЧЖ томонидан 600 тонна, Самарқанд туманида “ТО’ҮСҲИБЕК AGRO MEVA” фермер хўжалиги томонидан 500 тонна сақлаш сиғимлари ишга туширилди.

Вилоятда **2024 йилда** ҳам қуввати **4,6 минг тонналик 8 та** сақлаш омборлари ишга туширилади.

Вилоятда умумий қуввати **3 784 минг тонна** бўлган **2 235 та қайта ишлаш корхоналари** мавжуд бўлиб, шундан қуввати **1 153 минг тонналик 251 та** мева-сабзавотни, қуввати **48,1 минг тонналик 124 та** гўшти, қуввати **473,1 минг тонналик 180 та** сутни, қуввати **2 109 минг тонналик 1 680 та** бошқа йўналишдаги қайта ишлаш қувватлари мавжуд.

Шундан, **2023 йилда** қуввати **70 минг тонна** бўлган **61 та** қайта ишлаш корхоналари, шундан **18 минг тонналик 27 та** мева-сабзавотни, қуввати **1000 тонналик 1 та** гўшти, қуввати **4 минг тонналик 6 та** сутни, қуввати **47 минг тонналик 27 та** бошқа йўналишдаги қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди.

Мисол учун, Нуробод туманида "SAMARQAND MILK" МЧЖ томонидан қуввати 5 минг тонна "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш ва экспорт фаолиятини йўлга қўйиш бўйича;

Нарпай туманида "HUMO MILL" МЧЖ томонидан қуввати 5 минг тонна бўлган "Ун ишлаб чиқаришни ташкил этиш" ва "GOKLE GOLDEN EXPORT IMPORT" МЧЖ қўшма корхонаси томонидан қуввати 300 тонна бўлган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспортга йўналтириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳлари ташкил этилди.

Мавжуд қувватлар маҳсулотнинг **27 фоизини**, шундан мева-сабзавотнинг **34 фоизини**, гўштининг **15 фоизини**, сутнинг **35 фоизини**, бошқа маҳсулотларнинг **23 фоизини** қайта ишлайди.

Янги қувватларнинг ишга туширилиши натижасида маҳсулотларни қайта ишлаш 2018 йилдаги 16 фоиздан, **2023 йилда 27 фоизга етказилди.**

2024 йилда ҳам қуввати **31,2 минг тонналик 62 та**, шундан **11,4 минг тонналик 18 та** мева-сабзавотни, қуввати **2 минг тонналик 3 та** гўшти, қуввати **3,2 минг тонналик 8 та** сутни, қуввати **14,6 минг тонналик 33 та** бошқа йўналишдаги қайта ишлаш корхоналари ташкил этилади.

Вилоятимизда қуввати **212 минг тонналик 11 та агрологистика марказлари** мавжуд бўлиб, шундан 2023 йилда Самарқанд туманида "PARVEZ-FAREZ" МЧЖ томонидан қуввати йиллик **2 минг тонна** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш имкониятига эга агрологистика маркази ишга туширилди.

Вилоятда **2024 йилда** ҳам қуввати **3 минг тонналик 1 та** агрологистика марказлари ишга туширилади.

Вилоятда **2023 йил 175 млн.** долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилиниб, 2018 йилга нисбатан **43 фоизга**

(98 минг тоннага), 2022 йилга нисбатан **6 фоизга** (9 минг тоннага) ўсишга эришилди.

Экспорт географияси 2018 йилга нисбатан **52 давлатга**, 2022 йилга нисбатан **5 давлатга** кўпайиб, бугунги кунда дунёнинг **156 та** давлатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.

Мисол учун, Россия, Германия, Австралия, Австрия, Бахрайн, Беларус, Гана, Гонконг, Гренландия, Грузия, Эрон, Испания, Козогистон, Хитой, Корея, Мексика, Монако, Непал, Мўғулистон, Бирл. Араб амирликлари, Янги Зеландия, Покистон, Уммон, Руминия, Саудия Арабистони, Сербия, Сингапур, Сурия, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тайван, Тунис, Туркменистон, Туркия, Швеция давлатларига

6. Пахтачилик ва соҳада кластер фаолияти бўйича.

Вилоятимизда **10 та** пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият кўрсатиб келмоқда. **2023 йилда 70414 гектар** майдонда пахта етиштирилиб, **274,2 минг тонна** ёки шартномавий режага нисбатан **103,5 фоизга** бажарилди. Ҳосилдорлик ҳар гектарда ўртача **38,9 центнерни** ташкил қилди.

-2020 йилда пахтада ўртача ҳосилдорлик 27 центнер бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 33,8 центнерни, **2023 йилда 38,9 центнерни ташкил қилди.**

-қўл меҳнати 96 фоиздан, **20 фоизга камайишига** эришилди, хусусан **2018 йилда** пахтанинг 4,4 фоизи машиналар ёрдамида териб олинган бўлса, бу кўрсаткич **2023 йилда 22 фоизни** ташкил қилди, мавсумда **54 та** пахта териш машиналари қатнашди.

2024 йилда вилоятда 29 минг 786 гектар Бухоро-102, 19 минг 606 гектар Султон, 9 минг 632 гектар С-82-86, 7 минг 970 гектар Омад ҳамда 1993 гектар янги навлари экиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги **7 та** пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан қиймати **286 млрд** сўмлик **21 та** янги лойиҳалар ишга туширилиб, қўшимча **673 та** доимий янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги **7 та** пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан қиймати **286 млрд** сўмлик **21 та** янги лойиҳалар ишга туширилиб, қўшимча **673 та** доимий янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун, “Kattaqo'rg'on Cluster” МЧЖ қиймати 50 млрд сўмлик 3 минг тн қувватга эга тайёр маҳсулот, “Мароқанд Сифат” МЧЖ

қиймати 6,8 млрд сўмлик 1 минг тн ип-калава, “Самарқанд Камалак Инвест Текстил” МЧЖ қиймати 29 млрд сўмлик 15 минг тн қувватга эга чигитни қайта ишлаш, “Самарқанд Камалак Инвест Текстил” МЧЖ қиймати 7 млрд сўмлик 500 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекси ишга туширилди.

Натижада, **пахтани дастлабки қайта ишлаш 127 минг тоннага (145 %), ип-калава ишлаб чиқариш 56,2 минг тоннага (76 %), мато ишлаб чиқариш 41,4 минг тоннага (56 %), матони бўяш ва пардозлаш 35,5 минг тоннага (48 %) ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 28 минг тоннага (40 %) етказилди.**

Шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш бўйича **5 минг нафар** ортиқ янги иш ўринлари яратилди (*доимий 2,2 минг нафари ва мавсумий 2,7 минг нафари*).

Вилоятда **26 минг гектар** майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, шундан, **8,1 минг гектарда томчилатиб, 890 гектарда ёмғирлатиб, 141 гектар дискрет** усулда суғориш ва **16 650 гектар** майдонлар **лазерли ускуналар ёрдамида текислаш** ишлари бажарилди.

пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан 5 минг гектарда томчилатиб суғориш жорий қилинди, 4,3 минг гектар лазерли ускуна ёрдамида текисланди, 487 гектар қайта фойдаланишга киритилди ҳамда 17,2 млрд.сўмлик 174 та янги техникалар харид қилинди.

Келгуси йилда **55 минг гектар** майдонларда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, қўшимча **105 та лазер текислаш ускуналари** олиб келинади.

Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерлар ва фермер хўжаликлари томонидан **3,5 минг км** ариқ ва каналларда **бетонлаштириш ишлари** амалга оширилмоқда.

Вилоятда **6,4 минг гектар** лалми майдонлар қайта фойдаланишга киритилиб, **2,8 минг гектарида** янги боғ ва **3,3 минг гектарида** узумзорлар баро этилди ҳамда **350 гектар** майдонга доривор каврак экинлари экилиши таъминланди.

Нуробод 1,5 минг га, Қўшработ 1,3 минг га, Каттақўрғон 1,2 минг га, Булунғур 800 га, Пайариқ 750 га, Пахтачи 300 га, Нарпай 300 га, Иштихон 250 га.

Бундан ташқари, жорий йил куз ойларида **14,5 минг гектар**

майдонда янги узумзорлар, шундан, **4,3 минг** гектари лалми, дала четлари, темир йўл ва коллектор атрофлари, **2,8 минг** гектари эски яроқсиз боғ-токзорлар ўрнига, **5,1 минг** гектари очиқ майдонларга ҳамда **2,3 минг** гектари аҳоли ҳонадонларида барпо этилди.

Пайариқ 2,5 минг га, Булунғур 1,7 минг га, Иштихон 1,5 минг га, Каттақўрғон 1,4 минг га, Урғут 1,4 минг га, Нуробод 1,4 минг га, Пахтачи 1,3 минг га, Пастдарғом 1,1 минг га, Қўшработ 1,1 минг га, Нарпай 336 га, Жомбой 246 га, Самарқанд 246 га, Тайлоқ 196 га, Оқдарё 109 га.

2023-2024 йилларда “Мароканд Сифат” МЧЖ томонидан **10 минг** гектар лалми майдонларда ўрмон ёнғоғи (фундук) плантацияларини ташкил этиш белгиланган.

Бугунги кунда Туркиянинг “Улу-чинар” ва “Мурат Куркмас” фермер хўжаликларида етиштирилган **100 минг** дона (*Дели сабах, Грейсун ёғлиси, Тумбул навлари*) олиб келиш бўйича келишувлар имзоланди.

Шу билан бирга, бугунги кунда **6,1 минг** гектар майдон кам таъминланган аҳолига тарқатилиши натижасида **22 минг** нафардан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Нарпай туманида “Мароканд Сифат” МЧЖ ҳамда Иштихон туманида “Мароканд Сифат Текстиль” МЧЖ томонидан тупроқ анализи лабораториялари ташкил этилди ҳамда 2024 йилда яна **7 та** туманда тупроқ анализи лабораториялари ташкил этилади.

Каттақўрғон туманида “Амина голд инвест” МЧЖ, “Kattakurgan g'alla cluster” МЧЖ, “Kattaqo'rg'on claster” МЧЖ 1 донадан, Пайариқ туманида “Пайариқ кластер” МЧЖ, “Payariq yangiyer tekstil” МЧЖлар 1 донадан, Пастдарғом туманида “Samarqand kamalak invest tekstil” МЧЖ ҳамда “Амин инвест Интернейшнл” МЧЖларда 1 донадан.

Келгусида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- оборотдан чиққан ер майдонларини қайта оборотга киритиш мақсадида, **19,4 минг** гектар ер майдони ўзлаштирилиши ҳисобига **58,2 минг** янги иш ўринлари ҳамда **6,1 минг** гектар ер майдони ишсиз аҳолига тарқатилиши ҳисобига **21,8 минг** янги иш ўринлари яратилади;

- узумчиликни ривожлантириш мақсадида, **13,6 минг** гектар узумзорлар, Пистачиликни ривожлантириш мақсадада, **10,5 минг** гектар пистазорлар ва ўрмон ёнғоғи (фундук) етиштириш мақсадида **10,0 минг** гектар ёнғоқзорлар ташкил этилади ва ушбу соҳаларга **88,3 минг** янги иш ўринлари яратилади;

- кооперация усулида сабзаёт маҳсулотлари етиштириш учун **3,0 минг гектар**, иссиқхоналар ташкил этиш учун **0,2 минг гектар** майдон ажратилади;

- пилла боқувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида оилавий пудрат асосида аҳолига бириктирилган тутзорлар қатор ораларидан экинлар (*тўқсонбости*) экиш ҳамда тутзорлар озуқадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади;

- ипак қурти уруғчилигини ривожлантириш мақсадида етакчи хорижий давлатларнинг нуфузли илмий марказ ва уруғчилик компаниялари билан **ипак қуртининг серҳосил ва касалликларга чидамли зотлари яратилади**;

Бу борада, ипакчилик тармоғига маҳаллий ва хорижий инвесторлар кенг жалб қилиниб, янги турдаги ва юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобида экспорт хажмлари оширилади.

- қишлоқ хўжалиги ер майдонларини доимий анализдан ўтказиб бориш мақсадида, **8 та** тупроқ анализи лабораториялари ва етиштирилган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш учун **11 та** янги **саноат корхоналари** ишга туширилади;

- соғлиқни сақлаш ва илм маърифат йўналишини ривожлантириш мақсадида, **11 та** хусусий даволаш муассасалари ҳамда **10 та** хусусий мактаб ва болалар боғчалари ишга туширилади;

- аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узликсиз таъминлаш мақсадида, **11,1 минг** бошли чорвачилик комплекслари ҳамда **39,7 минг** асалари уялари олиб келинади;

- соҳанинг барча босқичларида илм-фан, инновация ва **хорижий тажрибаларни** жорий этган ҳолда таннархни пасайтириш ва **ҳосилдорликни ошириб бориш** чоралари кўрилади.

7. Ғаллачилик бўйича.

2023 йилда **139,1 минг гектар**, шундан **108,1 минг гектар** сувли ҳамда **31 минг гектар** лалми майдонлардан жами **776,2 минг тонна** дон ўриб олинди, сувли майдонларда бир гектарда **ўртача ҳосилдорлик 73,8 центнерни** (*ўтган йилга нисбатан 6 центнер кўп*) ташкил қилди. Жумладан, **Пахтачи, Каттақўрғон, Иштихон, Нарпай, Оқдарё ва Пастдарғом** туманларида ғаллада **юқори ҳосилдорликка** эришилиб, ўртача **75-80 центнерни** ташкил этди ёки **2018 йилга** нисбатан ҳосилдорлик ўртача **28 центнерга** ошишига эришилди.

Вилоят бўйича 128 та (3%) фермер хўжаликлари 100 центнердан

юқори, 335 та (7%) фермер хўжаликлари 90 центнердан 100 центнергача, 516 та (11%) фермер хўжаликлари 80 центнердан 90 центнергача ҳосил олишга эришдилар.

Йиғиб олинган ғалланинг **117 минг тоннаси давлат захирасига, 126 минг тоннаси ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан биржа савдоларига чиқариш** мақсадида вақтинча сақлаш учун жамғарилди. Шунингдек, **2024 йил ғалла ҳосили учун 20,9 минг тонна сифатли уруғлик захираси яратилди.**

Ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ихтиёрида **449 минг тоннадан ошиқ дон қолди.** Шундан, **6,5 минг тонна дон,** шунингдек

520 минг дона сомон пресс кластерлар ва фермерлар томонидан оталиққа олинган **26 мингга** яқин **эҳтиёжманд оилага бепул тарқатилди.**

Кейинги беш йилда вилоятда ўзини сара уруғлик билан таъминлаш йўлга қўйилди. **Кейинги беш йилда** вилоятда ўзини сара уруғлик билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ўтган йили, ғалланинг **Фарбома, Жасмина, Тимирязевка -150, Велена ва Елена каби янги** ҳосилдор навлари экилди.

Пиллачиликни ривожлантириш.

Вилоятда 11 та пиллачилик кластерлари томонидан 2023 йил 3341,7 тонна пилла хом ашёси етиштирилиб, шартномавий режа 100,5 фоизга бажарилди ёки 2018 йилга нисбатан 891,7 тоннага ёки 136,4 фоизга ўсишга эришилди.

Пиллачиликни ривожлантиришда биринчи навбатда озуқа базасининг мустаҳкамланганлиги асос бўлди. Хусусан, 2023 йил баҳор ва куз мавсумларида 11,1 млн. дона тут кўчатлари экилди.

2024 йилда 11,5 млн. дона тут кўчатлари экиш ҳамда 840 гектарда тут плантациялари ташкил этиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда, пиллачилик соҳасида 11 та пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатади, 2023 йилда 2,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1,9 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

2024 йилда пиллачиликда қиймати 2 млн. долларлик 2 та янги пиллани қайта ишлаш корхоналари ишга туширилади, 160 та янги иш ўринлари ташкил қилинади.

Мисол учун;

-Жомбой туманидаги "Жомбой Силк-Р" МЧЖ томонидан қуввати 82 тонналик, қиймати 1,8 млн. доллар бўлган хом ипак ва ипак момиғи ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

-Булунғур туманидаги "Зар Олтин Пилла" МЧЖ томонидан қуввати 50 тонналик, қиймати 1,4 млн. долларлик хом ипак ва ипак

момиғи ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

8. Қишлоқ хўжалиги лойиҳалари.

2023 йилда қишлоқ хўжалигида умумий қиймати **3,4 трлн. сўмлик 251 та** лойиҳалар амалга оширилди. Шундан, **60.1 млн. долларлик хорижий кредит ҳамда 8,9 млн. долларлик хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.** Хусусан:

- мева-сабзавотчиликда- **55 та** (926,5 млрд. сўмлик);
- қорамолчиликда- **58 та** (539,7 млрд. сўмлик);
- қўй-эчкичиликда- **4 та** (7,0 млрд. сўмлик);
- паррандачиликда- **15 та** (60,7 млрд. сўмлик);
- балиқчиликда- **13 та** (13,8 млрд. сўмлик);
- асаларичиликда- **1 та** (1,2 млрд. сўмлик);
- қайта ишлаш гўшт сут- **25 та** (839,1 млрд. сўмлик);
- бошқа йўналишларда- **10 та** (195,8 млрд. сўмлик)

Мисол учун:

- Самарқанд туманидаги "Sam New Style Shoes" МЧЖ да 2 млн долл.га 1 500 тн мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳамда 1 500 тн музлатгичли омборхона қувватларини ишга туширилиб, 40 та янги иш ўринлари яратилди;

- Жомбой туманидаги "PUREMILKY PRODUCTS" МЧЖ томонидан Чорвачиликни ривожлантириш йўналишида умумий қиймати 6 млн.долл хорижий инвестиция ҳисобига ишга туширилиб, 10 та янги иш ўринлари яратилди.

Булунғур туманидаги "Дами Амир Агро" ФХ томонидан қорамолчилик йўналишида умумий қиймати 15,8 млрд сўмлик шундан, 10,8 млрд сўм банк кредит маблағлари ҳисобига Австрия давлатидан 2000 бош симментал зотли насли моллар олиб келиниб лойиҳа амалга оширилди.

- Каттақўрғон туманидаги "Каттақўрғон Чарм" МЧЖ томонидан қорамолчилик йўналишида умумий қиймати 32,0 млрд сўмлик шундан, 30,0 млрд сўм банк кредит маблағлари ҳисобига Австрия давлатидан 800 бош симментал зотли насли моллар олиб келиниб лойиҳа амалга оширилди.

2024 йилда ҳам қишлоқ хўжалигида қиймати **4,1 трлн. сўмлик 310 та** лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

9. Сув хўжалиги.

Вилоятимиз Зарафшон дарёси ҳамда ички сой-булоқ ва кичик сел сув омборлари орқали сув билан таъминланади.

(Жами 3128 млн. м3, Зарафшон дарёсидан 2778 млн.м3, сув омборлар ва сойлардан 114 млн.м3, ер ости сувларидан 47 млн.м3 ва қайтадан ишлатиладиган (Зовур) сувлардан 188,5 млн.м3)

Вилоятда **2023 йил** суғориш мавсумида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун жами **3128 млн.м3** сувга талаб бўлиб, бу йилги кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш учун **2290,5 млн.м3** сув лимити ажратилган, сув етишмовчилиги **800-830 млн. м3**ни ташкил қилади.

Қолваерса, мавжуд **1962 км** каналларнинг **625,1 км** қисми, **11200 км** ички ариқларнинг **1330,8 км** қисми бетонлаштирилмаган. Натижада, олинаётган сувнинг **33 фоизи** ёки **978,4 млн. м3** сув йўқотилмоқда.

Ушбу сув танқислигини ҳамда сув йўқотилишининг олдини олиш учун:

Канал ва ички ариқларни бетонлаштириш бўйича.

-вилоятдаги жами **2393 км**, шундан **93 км** магистрал каналларни ҳамда **2300 км.** ички ариқларни бетонлаштириш белгилаб олинди;

Вилоятда **2023-2024 йилларда** каналларни бетонлаштириш ҳисобига **569,0 млн. м3** сувни иқтисод қилишга эришилади.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича.

Ўтган йиллар давомида вилоятда **128,8 минг** гектар ёки **34 фоиз** майдонда (*69,6 минг гектар томчилатиб, 2,8 минг гектар ёмғирлатиб, 141 гектарда дискерт, 15,8 минг гектарда эгилувчан 966 гектарда плёнка тўшаб суғориш технологиялари, 39,4 минг гектарда лазерли ер текислаш*) сув тежовчи технологиялар жорий қилинган.

Бунинг натижасида, **240,0 млн.м3** сув, **28,5 млн. кВт** электр энергия,

30 млрд. сўм маблағ иқтисод қилишга эришилди.

Шундан, **2023 йилда 29935 гектарда** сув тежовчи технологиялар, шундан **8132 гектарда** томчилатиб, **890 гектарда** ёмғирлатиб,

141 гектарда дискерт, **2100 гектар** эгилувчан қувур, **966 гектарда** плёнка тўшаб суғориш технологиялари жорий қилинди, **17,7 минг гектарда** лазерли ер текислаш тадбирлари амалга оширилди.

Бунинг натижасида, **79,0 млн. м3** сув иқтисод қилишга эришилди.

54 883 гектар майдонда **сув тежовчи** технологиялар жорий қилинади.

(шундан, **10500 га томчилатиб суғориш**, **17000 га ёмғирлатиб суғориш**, **2600 га дискрет суғориш** ва **24783 га лазерли текислаш**).

2024 йилда 54,8 минг гектарда, шундан **10,5 минг гектарда томчилатиб**, **17 минг гектарда ёмғирлатиб**, **2,6 минг гектарда дискрет усулда суғориш** ҳамда **24,7 минг гектарда лазерли ер текислаш** тадбирларини амалга ошириш белгилаб олинди.

Ушбу майдонларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳисобига **155 млн. м3** сув иқтисод қилишга эришилади.

2024 йил якунига бориб сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар **183,6 минг гектарга** етказилади ёки сувли майдонларнинг **48 фоизига** чиқади.

Бундан ташқари, сувли майдонларда тўлиқ лазерли ер текислаш тадбирларини амалга ошириш учун пахтачилик туманларидаги ҳар бир сувдан фойданувчилар уюшмаларида камида 1 тадан, **жами 45 та** лазерли ер текислагичлар сотиб олиш кўзда тутилган.

Сув етказиб бериш харажатларини камайтириш бўйича.

Вилоятда **жами 94 та**, насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли **бўлиб** уларнинг бир йиллик электр энергия сарфи **107.4 млн. кВт/соатни**, харажат эса **101.8 млрд. сўмни** ташкил қилади.

Бугунги кунда, давлат ҳисобидаги насос станцияларининг **30 таси** 40 йилдан ортиқ, **50 таси** 30 йилдан ортиқ, **2 таси** 20 йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу кунгача, **12 та** насос станциялари давлат-хусусий шерикликка берилиб, **жами 13,1 млрд. сўмлик** инвестиция маблағлари киритилди.

Вилоятда **35 та**, шундан **2023 йилда 15 та** ҳамда **2024 йилда 20 та** насос станцияларини давлат-хусусий шерикликка бериш белгиланган бўлиб, натижада **8,3 млн. кВт/соат** электр энергия ва **8,3 млрд. сўм** маблағ иқтисод қилиб қолинади.

Мисол учун, Каттақурғон туманидаги “Жалоер”, “Шўр”, “Қоракулча”, “Бўстон”, “Қозоқовул” Пайариқ туманидаги “Туркистон”, “Ўзбекистон”, “Пахтакор”, “Новали”, Пахтачи туманидаги “Қайнарбулоқ-1” “Қайнарбулоқ-2”, “Зарафшон-1” “Зарафшон-2” “Навбахор-1”, “Навбахор-2”, насос станцияси давлат хусусий шерикликка берилади.

Сув ҳисобини юритиш бўйича.

Вилоятда **ўтган йиллар** давомида сув ўлчаш постларида **708 дона** (режа 710 та) **“Ақлли сув”**, **66 дона** (режа 66) **“Дайвер”** ҳамда ва **2 дона** (режа 2 дона) йирик сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди. Сув ўлчаш постларига ўрнатилган “Ақлли сув” сув ўлчаш қурилмалари орқали сув миқдорини онлайн назорат қилиш, “Дайвер” қурилмалари орқали ерларнинг шўрланиши ва минераллашганлик даражасини ҳамда сизот сувлар сатхини онлайн мониторинг қилиш имконияти яратилди.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш учун **жами 9,203 млрд. сўм** маблағ маҳаллий бюджетдан ажратиб берилди.

Ирригация-мелиорация тадбирлари.

Вилоятда 2023 йилда қиймати 61 117,5 млрд. сўмлик ирригация-мелиорация тадбирлари, шундан 35449,5 млн сўмлик ирригация ҳамда 10474,9 млн сўмлик мелиорация тадбирлари амалга оширилди. Ушбу маблағларнинг 61 117,5 млрд. сўми республика бюджетидан ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига, 27.4 км канал, 1 дона 100 млн.м³ сувомбор 1,5 км дамба. 4 дона шаршара 513,1 км зовур тозаланди. Натижада, 3 минг гектар ернинг сув таъминоти ҳамда 17,1 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

2023 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан 2024-йилда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш тўғрисида” 83/13-сонли баёнига асосан 2024-йилда сув хўжалигида ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларига 322 млрд. Сўм маблағ ажратилган, шундан 250.7 млрд. сум ирригация ҳамда 71.3 млрд. сўм мелиорация тадбирларини амалга ошириш белгиланган бўлиб бу тадбирлар амалга оширилганда 58.3 минг гекар ерларнинг сув таъминоти ҳамда 12.5 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

10. Қишлоқ хўжалиги техникалари.

Вилоятда жами 24,6 минг та қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари, жумладан 586 та хайдов трактори, 36 та пахта териш машинаси, 256 та ғалла ўриш комбайни, 1544 та культиватор, 865 та чигит экиш сеялкаси, 219 та замонавий ғалла экиш сеялкаси ва бошқа техника ва агрегатлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг 24 фоизи 5 йилдан буён, 30 фоизи 10 йилдан буён, 35 фоизи 20 йилдан буён, 11 фоизи 30 ва ундан ортиқ йиллардан буён фойдаланиб келинмоқда.

2023 йилда қиймати 162,1 млрд. сўмлик 633 та техника ва агрегатлар, шундан 3 та пахта териш машинаси, 22 та ғалла ўриш комбайни, 33 та хайдов трактори, 15 та культиватор, 8 та чигит экиш сеялкаси, 11 та ғалла экиш сеялкаси, 541 та бошқа турдаги техника ва агрегатлар сотиб олинди.

Кейинги 5 йил давомида 1,1 трлн. сўмлик 3090 та қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари харид қилинди.

2024 йилда ҳам қиймати 113,2 млрд. сўмлик 336 дона қишлоқ хўжалиги техника агрегатлари сотиб олинди кўзда тутилган.

11. Аҳоли томорқасини ривожлантириш.

Вилоятда **846 та МФЙ**даги **631,4 минг** томорқа ер эгаларида **69,6 минг** гектар ер майдонлари мавжуд бўлиб, ушбу майдонлардан йил давомида **2 млн. 263 минг тонна** тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб келинмоқда. Томорқа ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

2019-2023 йиллар давомида **869 гектарда 75.5 минг та** ихчам иссиқхоналар қурилиб, томорқаларда **75.5 минг та** иш ўрни яратилган.

187 та сув таъминоти оғир бўлган МФЙларда **25 та** кичик ҳажмли, **250 та** катта ҳажмли жами **275 та** артезиан қудуқлар қазилиб, уларга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш учун Жамғармадан **31 млрд 800 млн сўм** субсидия маблағлари ажратиб берилган.

Натижада **7526 та** томорқа ер эгаларининг **827.9 гектар** ер майдони сув билан таъминланган.

Аҳоли томорқаларини ривожлантириш мақсадида мотокультиватор, иссиқхона, инкубатор, боғдорчилик, узумчилик, лимончилик, музлатгич, қуритиш ускунаси, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик артезиан қудуқ, минитрактор ва бошқа йўналишларга **120.9 млрд. сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.

2023 йил давомида **69.6 минг** гектар томорқанинг **57.7 минг** гектарига эртаки, **34.8 минг** гектарига ўртаки (такрорий), **29.4 минг** гектарига тўқсонбости усулида сабзаёт экинлари экилиб, **2 млн 263 минг** тонна озиқ овқат маҳсулотлари етиштирилди.

12.4 минг та томорқа ер эгаларинининг **162.1 гектар** майдонига **12 минг443 та** ихчам иссиқхоналар қурилиб **2-3 марта** хосил олиш имконияти яратилди.

Мисол учун, Пахтачи туманидаги “Қувондиқ” МФЙда Эгамбердиева Нодира томорқасида 8 сотихли ихчам иссиқхона қурилган бўлиб йилига 2-3 марта хосил олиб 65-70 млн сўм даромад олади.

89 та артезиан қудуқлар қазилиб, бунинг учун **11.2 млрд** сўм субсидия маблағлари ажратилган, **290.4 гектар** томорқа майдонлари сув билан таъминланган.

Мисол учун, Самарқанд туманидаги “Равонак” МФЙда талабгор Халимов Абдуходи томонидан қазилган артезиан қудуқ учун 150 млн сўм субсидия маблағи ажратилган. 30 та томорқа ер эгаларининг 2.8 гектар майдонларини сув таъминоти яхшиланди.

“**Бир маҳалла – бир маҳсулот**” тамойили асосида тамойили асосида томорқада йилига 2-3 марта маҳсулот етиштиришга ихтисослашган маҳаллалар сони 588 та шундан: 178 та маҳалла 4 минг 40 гектар сабзавотчилик, 76 та маҳалла 1 минг 920 гектар картошкачилик, 24 та маҳалла 744 гектар полиз, 236 та маҳалла 4 минг 845 гектар мевачилик ва боғдорчилик, 12 та маҳалла 222 гектар резавор мевалар, 62 та маҳалла 9 минг 824 хонадон чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланишга ихтисослаштирилди.

152 та кичик ҳажмли музлатгич ва **38 та** қуритиш ускуналари ишга туширилди.

2024 йилда вилоятнинг **69.6 минг** гектар томорқанинг **58.9 гектарига** эртаки, **35.8 минг** гектарига ўртаки (такрорий), **41.9 гектарига** тўқсонбости усулида сабзавот экинлари экиш белгиланган. Натижада **2 млн 504 минг** тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади.

13857 та томорқа ер эгаларинининг **249.4 гектар** майдонига **13857 та** ихчам иссиқхоналар қурилади.

Бундан ташқари **80 та** кичик ҳажмли музлатгич ва **110 та** қуритиш ускуналари ишга туширилади.

60 та сув таъминоти оғир МФЙда **74 та** артезиан қудуқ қазилиб фойдаланишга топширилади ва уларга сарфланган харажатлар учун **9 млрд.** сўм субсидия маблағлари ажратилади. Натижада **2197 та** томорқа ер эгаларининг **249.6 гектар** экин майдонлари сув билан таъминланади.

583 та маҳалла сабзавотчилик, картошкачилик, мевачилик-боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик йўналишларида бир маҳалла-бир маҳсулот тамойили асосида ихтисослаштирилади.

12. Қишлоқ хўжалигида янги лойиҳалар ва иновациялар.

Қишлоқ хўжалигида янги иновацияларни жорий қилиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

-сабзавот ва полиз экинларини етиштириш бўйича 3,9 минг гектар майдонда сабзавот экинлари, шу жумладан **1,1 минг гектар** памидор, **123 гектар** бодиринг, **1,1 минг гектар** ширин қалампир, **526 гектар** карам, **603 гектар** пиёз **264 гектар** сабзи ҳамда **246 гектар** кукатлар экилди.

-картошкачиликда -Картошкадан юқори ҳосил олиш мақсадида унинг уругчилик тизимини такомиллаштирилиб “Ин-Витро”усулида юқори авлодли уруглик картошка етиштиришнинг тизими яратилади.

Мисол учун Оқдарё туманидаги “GS-BIO SAMARKAND”ОК Жанубий Корея корхонасида юқори авлодли картошка уруғларини етиштириш йўлга қўйилади.

Маълумот учун Жами 118 гектар шундан 12 сотих “Ин-Витро” лабораторияси ташкил этилиб 6 гектарда замонавий иссиқхона ва 100 гектар очиқ майдонларда уруғлик картошканинг PICASSO SANTA NEWSKY ҳамда корейнинг SYMI навларининг супер-супер элита уруғларини етиштириш ташкил этилади.

Уруғлик картошканинг бу тизимда етиштирилиши ҳисобига гектаридан олинадиган картошка ҳосили 45- 50 тоннага етказилади ва хориждан уруглик картошкани республикага олиб келиш хажми қисқартилиб валюта маблағларининг иқтисод қилинишига эришилади.

2024 йилдан бошлаб уруғлик картошка етиштиришни кўпайтириш мақсадида Булунғур туманидан ер майдонлари ажратилиб берилади

Мисол учун туманнинг Хўжамазгил худудидан 100 гектар экин майдони картошканинг юқори авлодли уруғларини етиштириш учун ажратилади

Шунингдек Тошкент Давлат Аграр Университети самарқанд филиалида “Картошка уруғчилиги маркази” ташкил этилиб картошка етиштиришда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши йўлга қўйилиб картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ўртасида ҳамкорлик тизими йўлга қўйилади.

-гидропоника усулида чорва озуқаси етиштириш чорвачиликда **31 та** хўжаликда йўлга қўйилди. Мисол учун, **Каттақўрғон туманидаги** “Ўктам Махмудов Нурли даласи” фермер хўжалиги томонидан бир кунда **0,3 тонна** гидропоника усулида чорва озуқаси етиштириш йўлга қўйилди.

-паррандачиликда тухум йўналишидаги паррандаларнинг замонавий юқори маҳсулдор кросслардан Ломанн ва Браун(Германия) зотлари саноат паррандачилигида боқилиши йўлга

қўйилган бўлса, аҳоли ҳонадонларида эса Қорашаҳзода зотлари парвариши йўлга қўйилди.

-балиқчиликда Патдарғом туманидаги “Пўлат балиқлари” МЧЖ томонидан интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича балиқчилик кластери ташкил этилди. Бугунги кунда кластер томонидан Хитой технологияси усулида ҳар 1 гектардан 100 тонна балиқ маҳсулоти етиштирувчи 4,5 гектар интенсив сув хавзаси, ярим интенсив технологияси асосида 300 тонна, жами 750 тонна балиқ маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган балиқчилик сув хавзаси ишга туширилди.

-асаларичиликда узоқ йиллардан буён асалари уялари ва жихозлари ёғоч материаллардан тайёрланиб келинаётган бўлса, бугунги кунга келиб, **“Орзу Олим Дилмурод” фермер хўжалиги** томонидан янги замонавий технологиялар асосида пенопласт материаллардан асалари уялари таёрланмоқда.

-қишлоқ хўжалиги экинларини экишдан тортиб, маҳсулот етиштиришгача бўлган жараёнлар тўлиқ агро платформа электрон дастури орқали қайд қилиб борилиши йўлга қўйилди

ғаллачиликда 1 та Каттақўрғон туманида “Каттаминг уруғчилик кластери” фаолияти йўлга қўйилди.

Кластер томонидан жамғарилган уруғлик донни саралаш, дорилаш ва қадоқлаш мақсадида Туркия давлатидан келтирилган янги технологиялар билан жихозланиб, йилига 2,6 минг тонна уруғлик дон тайёрланмоқда.

13. Ерлар деградациясини олдини олиш.

Ерга органик ўғит ишлатилмаслиги, экинларни илдиз-пояси билан тўлиқ йиғиштириб олиб кетилиши натижасида тупроқда органик биомассанинг камайиши, минерал ўғитлардан ортиқча фойдаланиш, шўрни вақтида сифатли ювмаслик, коллектор-зовурларни тозаламаслик, биомелоратор (жийда ва бошқ.) дарахтларни ўтказмаслик, дала четларига ихота дарахтларини экмаслик, иқлимнинг экстремал ўзгариши (қурғоқчилик), тупроқларнинг саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ва химикатлардан ортиқча фойдаланиш, яйловларда чорва молларини ҳаддан ортиқ кўп ўтлатиш натижасида ерлар, айниқса ерлар деградацияга учрамоқда.

2023 йилда деградациянинг олдини олиш учун гумус миқдори 1%дан кам бўлган, **11,7 минг гектар** майдонга **253,4 минг тонна** органик ўғит солинди, кучсиз шўрланган майдонлар **100 гектарга** камайтирилди, **17,6 минг гектар** яйловнинг ҳолати яхшиланди, **1000 гектарга** яйлов ўсимликлари уруғликлари экилди, **400 гектарда** ихотазорлар, ўрмон минтақалари **3,2 минг гектарга** кўпайди.

14. Қишлоқ хўжалигида иш ўринлари ташкил этилиши ҳамда аҳоли даромадларининг ошиши.

Вилоят аҳолисининг **287,8 минг нафари** қишлоқ хўжалигида банд ҳисобланади.

Агрокластерларда- 5,5 минг та, фермер хўжаликларида 15,0 минг та, деҳқон хўжалигида- 98,5 минг та, такрорий экин ҳисобига- 65,0 минг та, томрқада- 37,2 минг та, пиллачиликда 65,3 минг та, сув хўжалигида 536 та, ўрмон хўжалигида- 549 та

2024 йилда ҳам қишлоқ хўжалигида **242,2 минг та** янги иш ўринлари, шундан **17,4 минг та** доимий, **224,8 мингта** мавсумий иш ўринлари яратилади.

Агрокластерларда- 3,5 минг та, фермер хўжаликларида 150 минг та, деҳқон хўжалигида- 160 минг та, такрорий экин ҳисобига- 24,2 минг та, томорқада- 310 минг та, пиллачиликда 70,3 минг та, сув хўжалигида 820 минг та

Қишлоқ хўжалигида аҳолининг ерга бўлган муносабати ўзгариши билан, йилига 2 марта ва ундан ортиқ ҳосил олинишига эришилиши, ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига 2018 йилдаги ҳар гектардан олинган **8-10 млн. сўм** даромаддан, бугун **45-50 млн. сўм** даромадга эришилди.

15. Қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар ва субсидиялар.

Вилоятда **2023 йилда** жами **1,7 трлн. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди. Шундан:

- пахтачиликка- **863,3 млрд. сўм;**
- ғаллачиликка- **522,7 млрд. сўм;**
- сув тежовчи технологиялар жорий қилишга - **41,9 млрд. сўм;**
- чорвачиликка- **21,3 млрд. сўм;**
- бошқа мақсадлар учун- **315,1 млрд. сўм.**

2023 йилда жами 14,5 млрд. сўм субсидиялар ажратилди, шундан:

- сув тежовчи технологиялар жорий қилишга- 3,3 млрд. сўм;**
- тик қудуқлар қозишга- 11,2 млрд. сўм.**

Келгусида ҳам қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш, соҳада янги инавацион ишланмаларни кенг қўллаш давом эттирилади.

VI. Туризм

Вилоят туризм салоҳиятини ривожлантириш ва самарали фойдаланиш, ички туризмни қўллаб-қувватлаш, туризм инфратузилма объектларини барпо этиш, янги инвестиция лойиҳаларини фойдаланишга топшириш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; *(аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак)*

Сайёҳлар оқими бўйича.

Вилоятга 2022 йил давомида **1204** минг нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилган бўлса, **2023** йил давомида **2 150** минг нафардан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюришди.

Йиллик режа **2104** минг нафар *(йиллик режага нисбатин 102 %)*га кўп. Шунингдек, 2022 йилда **4 млн. 247** минг нафар маҳаллий сайёҳлар ташрифи кузатилган бўлса, 2023 йил давомида **4 млн 500** минг нафар маҳаллий сайёҳлар ташриф буюришди.

Бугунги кунда, **2 150** минг нафар хорижий туристлар ташрифи ҳисобига, туризм хизматлари экспорти **405 млн. долларини** ташкил этмоқда.

Жойлаштириш воситаларини ташкил этиш бўйича.

2023 йил давомида тарғибот ишлари натижасида **25** та меҳмонхона, **35** та хостел, **53** та оилавий меҳмон уйи ҳамда **2** та даволаниш ва **1** та дам олиш маскани фаолияти ташкил этилди.

Албатта, кундан-кунга ташрифи кўпаяётган сайёҳларни қабул қилиш ва зарур шарт-шароитлар яратиб беришимиз лозим бўлади.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, вилоятда **2021 йилда 296 та (7 469 ўринли)** жойлаштириш воситалари (меҳмонхона, оилавий меҳмон уйлари кабилар) мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони **600 тага, ўринлари сони 16 286 тага** етказилди.

(сўнги 2 йилда жойлаштириш воситалари сони 2.02 баробарга ўринлар сони 2.1 баробарга ошган)

Бугунги кунда хорижий сайёҳларни тўлиқ жойлаштириш қувватига эга бўлдик.

Маълумот учун, 600 та жойлаштириш воситалари, шундан:
164 та меҳмонхона (10 799 ўринли),
301 та оилавий меҳмон уйи (3 337 ўринли),
85 та хостел (2 180 ўринли),

Туристтик компаниялар ва маршрутлар бўйича.

2023 йил давомида **97 та** туркомпаниялар фаолияти йўлга қўйилиб, **30 та** янги турмаршрутлар ишлаб чиқилди. **Туркомпаниялар** сони 2022 йилда ташкил қилинган даврга нисбатан **97 тага** кўпайиб, уларнинг сони **315 тага** етказилди.

Сайёҳларни жалб этиш бўйича.

Вилоятимизга 2023 йилда **2 150 минг** нафар хорижий туристларни жалб қилиш орқали **405 млн.** доллар туризм хизматлар экспортини амалга ошириш мақсадида туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда хорижий ва маҳаллий ташриф буюрувчиларни олиб қолиш бўйича **5 кунлик** маршрутли туризм халқаси (“**туристик учбурчак**”) ишлаб чиқилди.

- Вилоятга маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш мақсадида жорий йил давомида 300 ортиқ фестивалъ, концерт ва туризм тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, Сайёҳларга вилоятдаги **315 та** туроператорлар, **450 та** гид-таржимонлар, **115 та** туристик синфга мансуб автобуслар ва **110 та микроавтобуслар** туризм хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шу билан бирга, сайёҳлар учун **17 та** туризм ахборот марказлари фаолият юритиб келмоқда.

2023 йилда Туристтик объектларга олиб борувчи **63 та** йўл кўрсаткич белгилари ўрнатилди ва **24 та** туризм объектларида **Wi-Fi** зона ташкил қилинди.

Вилоятдаги туроператорлик субъектлари томонидан “**Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саёҳати**”, “**Кексалар туризм ойлиги**”, “**Ёшлар**” ва “**Меҳнат**” жамоаларидан иборат **2324 мингдан** ортиқ маҳаллий аҳолининг Республика бўйлаб саёҳатлари ташкил этилди.

Ишга тушган туризм лойиҳалари бўйича.

2023 йилда жами **67 та 1 трлн. 549 млрд. 200 млн сўмлик** туризм соҳасида ҳудудий инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши натижасида **1026 нафар янги иш ўринлари** ва туризмга ёндош хизмат кўрсатиш объектларида ҳамда ЯТТлар билан бирга **5,8 мингдан** ортиқ иш ўринлари яратилди.

Жумладан,

1. Самарқанд туманида “**SAMARKAND TOURISTIC CENTRE**” МЧЖ томонида халқаро ва йирик тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган ва жаҳон стандарти талабига жавоб берадиган ЭКСПО маркази

фойдаланишга топиширилди. Марказнинг умумий ер майдони **4 га**, қуввати **1000 нафар** одамни қабул қила олади. Бугунги кунга қадар **15 дан** зиёд халқаро тадбирлар ва ярмаркалар ҳамда **25 га** яқин маҳаллий республика даражасида форумлар ва кўрғазмалар ташкил этилди. Яратилган иш ўринлар сони **25 та**.

2. Самарқанд шаҳрида **"PRESTIGE SULTAN" МЧЖ** томонидан ўзгача қиёфада шарқона услубда қурилган йирик 4 юлдузли **"SULTAN PALACE"** меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Меҳмонхонанинг ер майдони **1.5 га**, қуввати кунига **100 нафар** сайёҳларни қабул қила олади, қўшимча қулайликлари ресторан **2 та**, ёзги ва қишги чўмилиш хавза(басейн ва сауна лари **3 та** ҳамда трансфер хизматларини ташкил этган. Яратилган иш ўринлар сони 20 та

3. Самарқанд шаҳри Университет хиёбонидаги **"REKARTZU" МЧЖ** томондан XIX-XX аср архитектураси услубида қурилган йирик 4 йулдузли **GRAND PLAZA** меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Меҳмонхонани хорижий ҳамкори REKARTZ бренди билан шартнома тузилиб, ҳамкорлик қилиниб келинмоқда. Меҳмонхонанинг ер майдони 0.80 га, қуввати кунига **102 нафар** сайёҳларни қабул қила олади, қўшимча қулайликлари ресторан ва терасса 2 та, сауна ва басейн ҳамда трансфер хизматларини ташкил этган. Яратилган иш ўринлар сони **25 та**

4. Самарқанд шаҳрида **"SXF CONSTRUCTION GROUP" МЧЖ** томонидан ташкил этилган **"FESTIVAL MALL"** йирик савдо комплекси фаолияти йўлга қўйилди. Йирик савдо кўнгилочар марказида 50 дан ортиқ замонавий савдо нуқта(boutique)лар, **20 га яқин ресторан, кафе ва фуд кортлар**, 2 та болалар учун ўйингоҳ ҳамда 2 та замонавий кинотеатрлар ташкил этилган. Яратилган иш ўринлар сони 150 та

5. Самарқанд туманида **"INTRAMED" МЧЖ** томонидан қуллай, замонавий ва барча стандарт талабига жавоб берадиган тиббиёт маркази фойдаланишга топширилди. Тиббиёт марказининг умумий ер майдони **8 га**, қуввати **500 нафар** одамни қабул қила олади. Марказда **10 га** яқин хорижий Буюк Британия, Германия, Италия, Австрия, Турция, Япония, Полша ва Россия мамлакатларнинг тиббиёт соҳа вакиллари профессорлари билан ҳамкорлигида ишларни ташкил этган. Тиббиёт мажмуасида 30га барча жаҳон стандартига жавоб берадиган тиббиёт техника ва ускуналар билан жиҳозланган.Марказда бугунги кунда 70 га яқин барча турдаги касаликлар аниқлаш ва уларни даволаш учун шарт шaroитлар ташкил этилган. Қуввати **250 нафар** беморни қабул қиладиган 2 та корпусдан иборат меҳмонхона барпо этилди. Яратилган иш ўринлар сони **100 та**

6. Самарқанд шаҳрида **"BAGIZAGAN" МЧЖ** томонидан ташкил этилган **"BOGIZAGON"** меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Меҳмонхонанинг умумий ер майдони **0,50 га**, қуввати **50** нафар сайёҳни қабул қилади. Қўшимча қулайликлари меҳмонхонада ресторан ва винонинг барча турларини истеъмол қилиб кўриш учун вино тамадихонасига эга бўлган ягона меҳмонхона ҳисобланади. Қўшимча хизматлари Тайлоқ туманида жойлашган Боғзағон вино заводи тарихи билан танишиш, узумзорни кўриш, вино тайёрлаш жараёни билан танишиш ва саёҳат қилиш хизмати йўлга қўйилган.

“Туризм кўчаси”ни ташкил этиш бўйича.

Самарқанд шаҳридаги **Бозоров кўчасида кафе, фаст-фуд, супермаркет, автотураргоҳ, бепул Wi-Fi зоналари**, ташкил этилиб, туризм кўчасига айлантириш бўйича қарор қабул қилиниб, узунлиги **800 метр** бўлган туризм кўчаси ташкил этилди.

Махсус солиқ режими жорий этилган маҳаллаларни ривожлантириш бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27-январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон Қарорига асосан Самарқанд вилоятининг Ургут тумани 11 та МФЙ, “Кенагас” “Баҳрин” “Бешкон” “Қоратепа” “Ипак Йўли” “Терсак” “Омонқўтон” “Чор-Чинор” “Сўфиён” “Етти уйлик” ва “Хўжайдуқ” маҳалла фуқаролар йиғинларида туризм маҳалларига айлантириш ишлари амалга оширилмоқда

Туризм қишлоғи ва туризм маҳалласи бўйича.

Муҳтарам юртбошимизнинг **2023 йил 26 апрелдаги “Республикада туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-135-сонли қарори** ижроси бўйича вилоятнинг туризм салоҳияти юқори бўлган Самарқанд шаҳридаги “Боғибаланд” маҳалласига **“Туризм маҳалласи”**, Ургут туманидаги “Терсак” қишлоғига **“Туризм қишлоғи”** мақоми берилди.

Самарқанд шаҳридаги “Боғибаланд” туризм маҳалласида зиёрат туризм (Хўжа Исҳоқи Валий зиёратгоҳи), саноат туризми (SAG гиламлари заводи ва шоуруми), археологик туризми (Қизлартепа археологик ёдгорлиги), тиббёт туризми (Бионур мед сервис тиббиёт маскани), этнотуризм, агротуризм каби туризм йўналишлари бўйича туризм объектлари ҳамда дам олиш масканлари, меҳмон уйлари, овқатлантириш шаҳобчалари, туризм ахборот маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Ургут тумани тоғ ён бағрида жойлашган Терсак қишлоғида дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун барча имкониятлар яратилган, қадимги буюмлар сақланадиган музей ташкил этилган. Шунингдек, қадимги деҳқончилик урф-

одатлари, миллий таомлар тайёрлаш жараёнлари билан танишиш имконияти мавжуд. Тошдан тошга урилиб келаётган шаршарани томоша қилиш учун уюштирилган махсус экскурсия унутилмас завқ бағишлайди шунингдек тоғ бўйлаб экскурсия миллий таомлар мастеркласси, меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилган.

Вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2024 йилдаги вазифалар ва режалар

1. **2024 йилда 80 та янги жойлаштириш воситалари (23 та меҳмонхона, 15 та хостел ва 40 та оилавий меҳмон уйлари) ташкил этилади ва уларнинг умумий сони 680 та ҳамда ўринлар сони 18 066 мингтага, туроператор сони 330 тага, шунингдек, 10 та туристик автобус ва 15 та микроавтобуслар олиб келиниб, уларнинг умумий сони 250 тага, маҳаллий туристлар 5 млн, хорижий туристлар сони 2,5 млн.га, туризм хизматлари экскорти 500 млн. долларга етказилади.**

Шу билан бирга,

1. Нуробод тумани “Оқсой” МФЙ ҳудудида 2024 йил 4-чорагида “Самарқанд Канат Йўллари” МЧЖ томонидан **10,0 га эр** майдонида қиймати **13,5 млн АҚШ** доллариغا тенг сайёҳларга хизмат кўрсатиш маркази, узунлиги **1,5 км** бўлган осма-дор йўли лойиҳаси фойдаланишга топширилади.

Лойиҳага мувофиқ ҳудудда **1 та** автотураргоҳ, **1 та** маъмурий бино, **2 та** осма-дор йўли станцияси, **1 та** суний шаршара, **1 та** кузатув башниyasi, **1 та** меҳмонхона, **1 та** ёзги ва қишги бассейн, **1 та** болалар ўйингоҳи, **1 та** сноубординг трассаси, **2 та** ресторан ва кафе, **1 та** от спорти клуби, **1 та** соғломлаштириш (спа,сауна,банйива фитобар) маркази, шале услубидаги коттеджлар, дам олиш ва балиқ овлаш объектлари ташкил этилади. Ушбу лойиҳа ишга тушгандан сўнг **200 та янги иш ўринлари** яратилади ва бир вақтнинг ўзида **800 нафар** сайёҳларга хизмат кўрсатади.

2. Самарқанд шаҳрида 2024 йил 4-чорагида "Qorako'l Stroy Engineering" МЧЖ томонидан 4-юлдузли меҳмонхона фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Меҳмонхона 150 та хона 300 ўринли, ва ресторан ва кафелар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари фойдаланишга топширилади. Меҳмонхонага франшиза асосида “Wyndham” бренди жалб этилади.

5. Вилоятда йил давомида **40 дан** ортиқ **Халқаро ва маҳаллий туризм фестиваллари ўтказилади**, хорижий ва маҳаллий ОАВ вакиллари учун **15 та инфо-тур** ташкил этилади ҳамда қўшимча вилоятга **500** минг турист жалб қилинади.

Маданият соҳаси.

2023 йил якунлари натижадорлиги:

Самарқанди вилояти Маданият бошқармаси тасарруфида **жами 119 та (4 та театр, 1 та ихтисослаштирилган ҳамда 33 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 80 та маданият маркази, 1 та кўзи ожизлар кутубхонаси (16 та филиали), Ўзбекистон давлат филармонияси, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, кинематография агентлиги вилоят бўлимлари, “Мақом” ансамбли, миллий маданий марказлар)** ташкилот ва муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятдаги **80 та** маданият марказларида **535 нафар** ходимлар фаолият олиб бормоқда. Шундан **205 нафари (38%) олий, 135 нафари (26%) тўлиқсиз олий, 195 нафари (36%) ўрта** махсус маълумотли ходимлардир. Маданият марказларида **496 та** мусиқа ва санъат йўналишларида тўгараклар мавжуд бўлиб, тўгаракларга **5798 нафар** ҳаваскорлар жалб этилган. Шу билан бирга туман ва шаҳар маданият марказлари қошида **29 та** ҳаваскорлик жамоалари ташкил этилган.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маданият муассасалари томонидан **3069 та** маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилган бўлиб, ушбу тадбирларга **1211840 нафар** аҳоли жалб қилинган.

Вилоятда 2016-2023 йиллар давомида маданият марказларини янгидан қуриш (**3 та**), реконструкция (**8 та**) ҳамда капитал таъмирланган маданият марказлари (**11 та**), аҳолига маданий хизмат кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жумладан: 2023 йилда **Ургут** туман **78-сон “Боғишамол”** маданият маркази таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари жорий йилда ташаббускор тадбиркорлар томонидан Самарқанд шаҳри ва Ургут туманида **2-тадан**, Нарпай ҳамда Пахтачи туманларида **1 тадан** маданият марказларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган.

Самарқанд шаҳар, Нарпай, Қўшработ, Ургут, Булунғур, Нуробод, Самарқанд, Каттақўрғон, Пайариқ туман маданият бўлимлари Дамас автотранспорт воситаси билан таъминланди.

Маданият вазирлиги томонидан **7 номдаги 289 та** мусиқа чолғулари ва ўқув қўлланмалар маданият марказларига топширилди.

Самарқанд вилоятида мавжуд 4 та театрларига **“Дўстлик клуби”** ҳамда ташаббускор тадбиркорлар томонидан **2023 йил** давомида кўрсатилган ҳомийлик маблағлар ҳисобидан **3 472,0 млн** сўм маблағлар ажратилган.

2023 йилнинг ўтган даври давомида вилоятимиз маданият ва санъат йўналиши бўйича Халқаро ва Республика танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Жумладан:

Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган **“Шенси ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида бўлиб ўтган адабиёт ва санъат фестивали”**да Самарқанд вилояти жамоаси фаол иштирок этди.

1-4 ноябр кунлари Озарбайжон Республикаси Баку шаҳрида бўлиб ўтган **ТУРКСОЙ I-Халқаро театрлар фестивалида** Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг **“Лайли ва Мажнун”** спектакли **“Энг яхши спектакл”** номинацияси ғолиби;

Андижон вилоятида ташкил этилган **“Дунё садолари” халқаро фестивалида** Жафарова Диёра фахрли 1-ўрин;

Навоий вилоятида бўлиб ўтган **“Нурли наволар” халқаро фестивалида** Пайариқ тумани **“Чинор”** фольклор этнографик халқ ансамбли **“Энг яхши ўз ҳудудини талқин этган жамоа”** номинацияси ғолиби;

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган **“НАВРЎ САДОЛАРИ” кўп овозли ансамбл ва оркестрларининг IX-халқаро танловида** Самарқанд вилояти Ўзбек халқ чолғу созлар оркестри **1-ўринни**;

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган **“Ҳаваскор ижодкор ёшлар театр-студиялари”** кўрик-фестивалида Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби 11-синф ўқувчиси Гаипова Севинч **“ЭНГ ЯХШИ АЁЛ РОЛИ УЧУН”** номинацияси ғолиби;

Андижон вилоятида бўлиб ўтган **“Келажак болалар фольклор жамоалари”** Республика фестивалида Ургут тумани **“Бешқарсак издошлари”** болалар фольклор-этнографик жамоаси **1-ўрин**;

Жиззах шаҳрида Ўзбекистон давлат филармониясининг ҳудудий бўлимлари қошидаги жамоалар ўртасида республика танловида Самарқанд вилояти жамоаси **“Энг яхши филармония жамоаси”** номинацияси ғолиби;

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган **“III халқаро Бахшичилик фестивали”**да Булунғур тумани **“Чавқи”** фольклор этнографик халқ жамоаси иштирок этди ва Маданият вазирлигининг махсус дипломи билан тақдирланди;

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган **“Истеъдодлар камалаги”** имконияти чекланган ёшлар кўрик-танловининг республика босқичида Самарқанд вилоятдан 2 нафар иштирокчи фахрли 1-ўрин;

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган **“Бойчечак” болалар, “Парвоз” ўсмирлар, “Ифтихор” ёшлар саънати кўрик-танловининг** республика босқичида Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар Маданият бўлими қошида ташкил этилган **“Бойчечак” болалар рақс жамоаси 1-ўринларни** қўлга киритди.

Бундан ташқари вилоят театрлари томонидан 2023 йил бир қатор **халқаро гастрол сафарлари** амалга оширилди.

Самарқанд вилоят драма театри – Озарбайжон давлатининг Баку ва Шуша шаҳарларида, **Қозоғистон давлатининг** Сайрам вилоятида.

Самарқанд вилоят рус драма театри - Белорусия давлатининг Брест, Қозоғистоннинг Чимкент ва Тарас вилоятларда.

Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри- Қозоғистон давлатининг Чимкент вилоятида, Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида.

Каттақўрғон шаҳар драма театри – Тожикистон давлатининг Душанбе шаҳрида, **Қозоғистон давлатининг** Бишкек шаҳрида ва **Қирғизистон давлатининг** Олмата шаҳрида гастрол сафарларида бўлиб қайтишди.

2024 йилдаги устувор вазифалар:

1. Таъмирталаб маданият марказларнинг **21** тасини ташаббускор тадбиркорларга бириктириб бериш орқали таъмирлаш.
2. Таъмирталаб бўлган Тойлоқ туман 73-сонли Ёшлик маданият маркази, Самарқанд туман 69-сонли “Регистон маданият марказларини тадбиркорларни жалб қилган ҳолда давлат хусусий шериклик асосида бериш.
3. 2024 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Пайариқ туман **53-сон** Гулдиёр маркази биноси учун маҳаллий бюджетдан **140 000** млн.сўм маблағ ажратиш орқали таъмирлаш ишларини якунига етказиш.
4. Вилоятда “**Маданият кунлари**” тадбирларини ташкилий ва бадиий жиҳатдан юқори савияда ташкил этиш.

VII. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари комплекси

16. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; *(аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак)*

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича **2023 йилда жами 41 маротаба** суд жараёнларида оила ва хотин-қизлар бўлими вакилларининг иштироки таъминланди ва **2 нафар** кафиллик асосида озод қилинди.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш бўйича **2236 нафар** хотин-қизлар захира кадрлар номзадлигига олинди. Улар орасидан раҳбарлик лавозимларига муносиб, кучли билим ва салоҳиятга эга **279 нафар** хотин-қизларнинг мамалакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаоллигини ошириш учун бошқарув лавозимлари борасидаги билим ва малакасини ошириш номзод сифатида тавсия этилди. Улар орасидан **10 нафар** хотин-қизлар Давлат бошқаруви Академиясида ташкил этилган “**Раҳбар аёллар мактаби**” да малака ошириб қайтишди. Мазкур номзодларнинг барчаси бугунги кунда ўз лавозимларида меҳнат қилиб келишмоқда.

Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан, Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба қизлар орасидан лидер қизларни саралаб олиш ва уларни раҳбарликка тайёрлаш, улар билан семинар тренинглар ўтказиш юзасидан вилоят ҳудудидаги ОТМлардан лидер қизлар захирасини яратиш мақсадида, вилоят Олий таълим, фаън ва инновациялар бошқармасига **2023 йил 7 октябрь** куни **07-520-сонли** хат юборилди, мазкур хатга асосан **440 нафар** захира лидер қизлар рўйхати яратилди. Бугунги кунда уларнинг вилоятдаги ижтимоий-сиёсий соҳалардаги тарғибот тадбирларида иштироки таъминланмоқда. Жорий йил давомида **109 маротаба** раҳбар аёллар учрашуви, семинар-тренинглар ўтказилди.

Келгуси йилда мамалакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаоллигини ошириш учун бошқарув лавозимлари борасидаги билим ва малакасини ошириш номзод сифатида **20 нафарининг** малакасини ошириш режалаштирилган.

2. Хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-

қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш йўналишида.

Вилоят бўйича 2023 йилда ишлаш истаги мавжуд бўлган **54 минг 923 нафар** хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича режага мувофиқ ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган режага мувофиқ, **83 203 нафар ишсиз хотин-қизларнинг** бандлиги таъминланди. **Жумладан, 14 186 нафари** доимий ишга жойлаштирилган, **4 068 нафари** жамоат ишига жалб этилди. Хусусан, ўтган давр давомида **2 968 нафар** хотин-қизлар субсидиялар (тадбиркорлик, томорқа ва бошқалар) ажратиш орқали бандлиги таъминланган. Касб-хунарга қайта тайёрлаш ва ўқитиш учун жами **8 099 нафар** хотин-қизларни ўқитиш режалаштирилган бўлиб, шундан **15 312 нафари** касб-хунарларга ўқитилди. Тадбиркорлик фаолиятини янги бошламоқчи ва ўз фаолиятини кенгайтirmoқчи бўлган **26730 нафар** хотин-қизларга **427,4 млрд.сўм** кредит пул маблағлари ажратиб берилди.

3.Аёллар дафтари бўйича амалга оширилган ишлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарорига асосан “Аёллар дафтари” бўйича амалга оширилган ишлар.

2023 йилда **108 минг 538 нафар** хотин-қизлар “Аёллар дафтари”нинг 4-босқичига киритилиб, 2023 йил бугунгача **108 490 нафари** (99,96%)нинг муаммолар ҳал этилишига эришилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳри 14 816 нафардан 14 793 нафарига (99,8%), Каттақурғон шаҳри 4 488 нафардан 4 488 нафарига (100%), Булунғур тумани 5 371 нафардан 5 371 нафарига (100%), Жомбой тумани 5 278 нафардан 5 278 нафарига (100%), Иштихон тумани 5 780 нафардан 5 757 нафарига (99,6%), Каттақурғон тумани 6 664 нафардан 6 664 нафарига (100%), Қўшработ тумани 3 760 нафардан 3 760 нафарига (100%), Нарпай тумани 5 851 нафардан 5 851 нафарига (100%), Нуробод тумани 4 759 нафардан 4 759 нафарига (100%), Оқдарё тумани 4 911 нафардан 4 911нафарига (100%), Пайариқ тумани 6 877 нафардан 6 877 нафарига (100%), Пастдарғом тумани 9 452 нафардан 9 452 нафарига (100%), Пахтачи тумани 4 155 нафардан 4 155 нафарига (100%), Самарқанд тумани 8 631 нафардан 8 631 нафарига (100%), Тойлоқ тумани 6 389 нафардан 6 387 нафарига (100%), Ургут тумани 11 356 нафардан 11 356 нафарига (100%)га амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Вилоят кесимида тоифлар бўйича таҳлил қилинганда:

1-тоифа бўйича:

35 011 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлардан

35 011 нафари (100%) янги иш ўринлари ва жамоат ишларига жойлаштирилди.

2-тоифа бўйича:

4 198 нафар тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 4 198 нафарига (100%) тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

3-тоифа бўйича:

33 769 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлардан 33 758 нафарига (100%) бир марталик моддий ёрдам берилди.

Шундан, 510 нафарининг (100%) уй-жойи таъмирлаб берилди;

4-тоифа бўйича:

23 041 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлардан 23 030 нафарига (100%) моддий ва тиббий ёрдам кўрсатилди.

Шундан, 214 нафарининг (100%) уй-жойи таъмирлаб берилди;

5-тоифа бўйича:

524 нафар уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 499 нафарига (95,2%) ёрдам кўрсатилган. Шундан, 103 нафари (80,5%) уй-жой билан таъминланди, 396 нафарига (100%) ижара компенсацияси тўлаб берилди.

6-тоифа бўйича:

11 995 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд аёллардан 11 994 нафарига (99,99%) моддий ёрдамлар берилди.

Шундан, 351 нафарига (100%) томорқадан унумли фойдаланиши учун амалий ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатилди.

VIII. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалалари комплекси

27. **Жиноятчиликнинг олдини олиши ва камайтириш чоралари бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар; (аниқ сон ва рақамлар асосида, туман (шаҳар)лар мисолида ёзилиши керак)**

2023 йилда **умумий жиноятлар** ўтган йилга нисбатан **476 тага** (6 474 / 6 950) ёки **7,4 фоизга**, **жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар 54 тага** (3 543 / 3 597) ёки **1,5 фоизга** ошишига йўл қўйилди.

Умумий (2 854) жиноятларнинг:

– **2 266 тасини** (32,6 фоизи) **аввалги йилларда содир этилиб, жорий йилда ҳисобга қўйилган;**

– **2 936 тасини** (42,2 фоизи) **аниқланган жиноятлар;**

– **4 014 тасини** (57,7 фоизи) **олди олиниши мумкин бўлган жиноятларни ташкил этади.**

Шу нуқтаи назардан хатоларимиздан хулоса қилиб, фуқароларнинг манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда, барча ҳолатларни аниқлаб бораётганлигимиз ҳамда олиб борилаётган профилактик ишлар натижасида жиноятчиликни жиловлашда ўз самарасини бериб бормоқда.

Жумладан, мавжуд **1 126 та** маҳаллаларнинг **497 тасида** (44,1%) **жиноят содир этилмади**, **393 таси** (34,9%) сариқ тоифага киритилди.

Маълумот учун: 236 таси қизил тоифага киритилган.
(1 126 та маҳаллага нисбатан 21 фоиз).

Шунингдек, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш борасида “**ижтимоий профилактика**” комплекс чоратадбирлари ўтказилиб келинаётганлиги ҳам ўз самараси бериб келмоқда.

Мисол учун, **маҳалла бешлиги томонидан жиноят қилишга мойил ҳамда жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли бўлган шахсларнинг муаммолари ҳал этилиши натижасида маҳаллада олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар камайишига**

эришилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳалла жинояти **363 та (25,7 фоизга) кам содир этилди.**

Маълумот учун: 2022 йил 11 ойида 1 411 та содир этилган бўлса, 2023 йил 11 ойида 1 774 та содир этилган.

Бундан ташқари, 2022 йил 11 ой давомида **422 та** маҳаллаларда жиноят содир этилмаган бўлса, 2023 йилнинг шу даврига келиб **497 та** маҳаллаларда жиноят содир этилмади.

Шу билан бир қаторда **415 та қизил** маҳаллалар сони **236 тага** камайишига эришилди.

Жиноят турларидан;

- қотиллик **5,3 фоизга (38/36);**
- оғир тан жароҳати етказиш **14,4 фоизга (104/89);**
- талончилик **7,7 фоизга (26/24);**
- ўртача оғир тан жароҳати етказиш **14,2 фоизга (176/151);**
- енгил тан жароҳати етказиш **8 фоизга (286/263) камайган.**

Эътиборли жиҳати шундаки, **олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар жорий йил январь ойига** нисбатан **53,8 фоизга (61,2 / 7,4 %) камайди.**

Маълумот учун: январда 61,2%, февралда 35,4%, мартда 15,8%, апрелда 11,8%, майда 16,1%, июнда 22%, июлда 21,9%, августда 20%, сентябда 17,2%, октябрда 13%, ноябрда 7,4%.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида **қидирувдаги шахслардан 427 нафари ушланган (қолдиқ 890 та), 13 нафар бедарак йўқолган шахслар топилган (қолдиқ 12 та).**

Шунингдек, **ўтмишда содир этилган 1206 та** жиноятлардан **11 таси (267 таси ЖПКнинг 83, 84-м.) фош этилди.**

Ҳудудларда жиноятчиликни ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида **Сизнинг жорий йил 20 ноябрь кунги 349Ф-сонли фармойишингизга** асосан, барча шахар ва туманларида криминоген вазиятни яхшилаш бўйича **“Долзарб 40 кунлик”**

махсус профилактик тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу ўтказилаётган тадбир давомида ҳудудларда **669 323 та** хоандон ва ижтимоий объектлар текширилиб, **15 639 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар** аниқланди ва **502 нафар** ҳуқуқбузарга маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Шунингдек, **897 нафар** спиртли ичимликка ружу қуйган шахслар ва **253 нафар** руҳий касалликка чалинган шахслар аниқланиб, соғлиқни сақлаш муассасаларига жойлаштирилди.

Шу билан бирга, **1 307 нафар илгари судланганлар** билан **якка тартибдаги** профилактик суҳбатлар ўтказилиб, **56 нафарига маъмурий назорат** ўрнатилди ва зўравонликдан жабрланган ва тазйиққа учраган **176 нафар** хотин-қизларга “**ҳимоя ордери**” расмийлаштирилди.

Тадбир давомида **43 та** гиёҳвандлик (*6 кг. 693 гр*) билан боғлиқ, **8 та** психатроп моддалари (*2 246 дона*) билан боғлиқ жиноятлар аниқланди;

Ҳудудларда содир этилган **353 та** жиноятлардан **327 таси** ҳамда аввал содир этилиб очилмай қолган **22 та** жиноятлар **фош этилиб, 54 нафар** қидирувда бўлган шахслар қўлга олинди.

Жиноятчилик хавфи юқори бўлган ҳудудларга **821 та кузатув камераси** ҳамда хонадон ва объектларга **950 та ёритиш чироқлари** ўрнатилди ва тарғибот ишлари натижасида **161 та** ижтимоий соҳа объектлари ҳамда **163 та** хонадонлар **қўриқлаш пультага** уланди.

Бундан ташқари, пробация назоратидаги **2 126 нафар** маҳкумлар бевосита иш жойлари ўрганилиб, **161 нафарига** таъсир чоралари кўрилди.

2024 йилда амалга ошириладиган аниқ режа ва вазифалар бўйича чора-тадбирлар

1. Ҳудудлардаги оператив вазиятни кузатиб бориб, бошқа тегишли хизматлар билан маълумотлар алмашилиши ва ҳар кунлик **“Оператив маълумот”**ни ўз вақтида тўлиқ узатилиб, қабул қилинишини таъминлаш ҳамда Вазирлик раҳбариятига жиноят ва ҳодисалар юзасидан маълумот тайёрлаб, ахборот бериб бориш.

2. Вилоят ҳудудида байрамларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, чегара ва тоғли ҳудудлари орқали жангари гуруҳлар, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи ҳамда наркотик моддаларни кириб келишини, турли экстремистик оқим аъзолари шунингдек, норасмий ташкилотлар томонидан ноқонуний ҳаракатлар ва намойишлар ўтказилишининг олдини олишга қаратилган тезкор-профилактик тадбирларни ташкиллаштириб, назоратини олиб бориш.

3. Жиноятчилик ошган ҳудудларга хизмат сафарларини уюштириб, профилактик тадбирлар аҳволини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиб, бу ҳудудларда **“Хавфсиз ҳудуд”**, **“Назорат”**, **“Турмуш”**, **“Орият”**, **“Қалқон”**, **“Тўсиқ”**, **“Паспорт”**, **“Тонг”**, **“Ўсмир”**, **“Тун”**, **“Ғамхўрлик”**, **“Тиғ”**, **“Хонадон”**, **“Қора-дори”**, **“Қидирув”** каби махсус профилактик тадбирларни ўтказиш.

4. Вилоят ҳудудидан доимий яшаш манзилларидан турли сабабларга кўра узоқ муддатга чиқиб кетган шахсларни аниқ ҳисобини юритиш, уларнинг кетиш мақсадлари, сабаблари ва манзилларини тезкор йўллар билан аниқлаш. Бу борада маҳаллий ҳокимлик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жамоатчилик ташкилотлари имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликда тегишли тадбирларни олиб бориш.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Давлат солиқ қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 30 март кунги *“Маҳаллаларни криминоген вазиятидан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”*ти Қўшма қарори асосида криминоген жиҳатдан **“қизил”** ва **“сарик”** тоифадаги маҳаллаларга қўшимча куч воситалар бириктириш орқали самарадорлигини ошириш.

6. Шахсга қарши қаратилган жиноятларни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, йил давомида ҳамда ўтган-йилларда содир этилиб қош этилмасдан қолган жиноятларни ўрганиб чиқиш ҳамда истиқболли бўлган жиноятлар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб, тезкор ишларни жадаллаштириш.

7. Мулкий турдаги содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини қош этиш мақсадида жойларда амалга оширилаётган ишларни ўрганиб бориш, жойлардаги ИИБга амалий ёрдамлар кўрсатиш, тегишли тезкор-тадбирлар ўтказиш.

8. Қидирувдаги жиноятчиларни ушлаш, бедарак йўқолган фуқароларни ва шахси ноаниқ мурдаларнинг шахсини аниқлаш ишларини жадаллаштириш мақсадида вилоят ҳудудида кенг қамровли **“Қидирув”** тезкор-профилактик тадбирини ўтказиш.

9. Вилоят ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда наркотрафикни йўлини тўсиш, наркотик моддалар билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни аниқлаб қош этиш, таркибида наркотик моддаси бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилиш ва наркоманияни тарқалишини олдини олиш мақсадида вилоят миқёсида **«Қора дори»** кенг қамровли тадбирини ўтказиш тўғрисида кўрсатма тайёрлаб, ўтказилишини таъминлаш.

10. Вилоят ҳудудида тезкор ҳисобда турган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар (*ғоясидан қайтмаган, яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб кетган, қидирувдаги, ЖИЕМларида жазо муддатини ўтаётган шахсларни оила-аъзоларини*) ҳамда «**хавфли гуруҳ**»га киритилган шахсларга нисбатан ўтказилаётган тезкор-профилактик ва огоҳлантирув тадбирларни ташкиллаштириш ва назорат қилиш.

11. Норози кайфиятдаги шахслар томонидан рухсат этилмаган намойишлар, митинглар, пикетлар ўтказилишини олдини олиш ҳамда оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришни мақсад қилиб юрган шахсларни аниқлаш бўйича тезкор-агентура ва профилактик тадбирларни кучайтириб, ДХХ билан тегишли чора-тадбирларни ташкиллаштириб, назорат қилиш.